

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХОЛМЎМИНОВ Ш.Р.

МЕҲНАТ БОЗОРИ
ИҚТИСОДИЁТИ

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги
олий ўқув юртлариаро илмий-услубий бирлашмачар
фаолиятини мувофиқдаштирувчи кенгаши томонидан
олий ўқув юртларининг иқтисодий таълим
йўналишлари талабалари учун ўқув қўлланма
сифатида тавсия этилган

Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти,
Тошкент 2004.

THE MINISTRY OF HIGHER AND SECONDARY
SPECIAL EDUCATION OF THE REPUBLIC OF
UZBEKISTAN

TASHKENT STATE ECONOMIC UNIVERSITY

HOLMUMINOV Sh.R.

THE ECONOMY OF LABOR MARKET

This manual is recommended by the group of "regulating the activities of scientific organizations of higher education" of the Ministry of higher and secondary special education, for the students of higher education establishments majoring in economy

©Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти,
Тошкент 2004.

Холмўминов Ш.Р. Мсҳнат бозори иқтисодиёти (ўқув қўлланма) – Т.: ТДИУ, 2004 – 144 бет.

Ушбу ўқув қўлланмада «мсҳнат бозори» тушунчаси, унинг таркибий қисмлари, элементлари, сегментлари, шаклланиши, тартибга солиниши, ривожланиши батафсил баён қилинган; мсҳнат бозорининг шаклланиши ва ривожланишини таҳлил этиш ва истиқболлаштиришда қўлланиладиган замонавий баланс, маркетинг, социология ва эконометрика усуслари ажэ эттирилган.

Ўқув қўлланма иқтисодий таълим йўналишидаги олий ўқув юртларининг бакалаврлари, магистрлари, профессор-ўқитувчилари ва илмий-тадқиқотчиларига мўлжалланган.

Маъсул муҳарири: Академик Фуломов С.С.;
и.ф.д., профессор Абдураҳмонов Қ.Ҳ.

Тақризчилар: Академик Убайдулласва Р.А.;
и.ф.н., доцент Шоюсупова Н.Т.;
и.ф.н., доцент Жабборова Ж.Н.

3898

Holmuminov Sh.R. The economy of labor market.
(manual) – T.: TSEU, 2004 – 144 pages.

The manual is about the essence, structure, elements, segments, development, regulation and development of “ Labor market” It also provides the analysis and development of labor market, balances for their future development, marketing, psychology and econometrics.

The manual is recommended for the bachelor and masters students and professor-lecturers and researches of higher education establishments majoring in the direction of “Economics”

Responsible editors: academician Gulomov S.S.;
doctor of economic science, prof. Abdurahmanov Q.H.

References: academician Ubaydullaeva R.A.;
Candidate of economic science,
senior lecturer Shoyusupova N.T.;
Candidate of economic science,
senior lecturer Jabborova J.N.

КИРИШ

Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш даврида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаб ўтганидек, «... ҳал қилинаёттан энг долзарб муаммолардан бири ишлашини хоҳлов-чиларнинг ҳаммасини иш билан таъминлаши ҳисобланмайди, балки энг мақбул, ижтимоий йўналтирилган иш билан бандликни вужудга келтиришдан иборатdir»¹

Бу эса меҳнат ресурсларининг оқилона бандлигини таъминлашини, ишсизликни камайтиришини тақозо этади. Уларни ижобий ҳал қилиш аҳоли турмуш даражасини оширишга олиб келади.

Ҳозир мамлакат меҳнат ресурсларининг иш билан банд бўлмаган қисми кўрсаткичи аста-секин ўсиб бориш анъанасига – тенденциясига эга. Бундай ҳолат саноат меҳнатининг тор доирада қўлланилиши, янги иш жойларини яратишга йўналтирилган инвестициялар ҳажмининг старли эмаслиги, меҳнат ресурслари сонининг иш жойлари миқдорига нисбатан тезроқ ўсиши, ишчи кучига талаб ва таклиф ўргасида мутаносибликтининг мавжуд эмаслиги, маҳаллий кадрлар малакаси ва рақобат қобилиятининг пастлиги ва уларнинг иш ахтариш ҳаракатлари сустлиги билан асосланади. Бундан ташқари, меҳнат ресурсларининг оқилона бандлигини таъминлашга янги ерлар ўзлаштирилишининг камайиши, интенсив технология ва кам меҳнат талаб қиласидаган техниканинг юқори унумсиз қўлланилиши, хўжалик юритиш, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил қилишнинг янги бозор усулларидан самарасиз фойдаланилиши, кичик ва ўрта бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик ривожланишининг паст даражаси, иш билан банд бўлганлар моддий манфаатдорлигининг пасайиши ва инфляция жараёнлари каби омиллар салбий таъсир кўрсатмоқда. Ҳолбуки, санаб ўтилган омиллар бозор иқтисодиётига ўтиш даврининг муқаррар белгилариdir.

Аҳолининг иш билан оқилона бандлигини таъминлаш ва ишсизликни камайтиришининг самарали механизмларидан бири меҳнат бозорини мақсадга мувофиқ шакллантириш ва ривожлантириш ҳамда уни тартибга солиши ҳисобланади. Бу, ишчи кучига талаб ва таклиф ўргасидаги узвий алоқалар ва зиддиятлар-

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: «Ўзбекистон», 1997, 326-бет.

ни, улар ҳамкорлыгынинг самарадорлик мезонларини аниқлашга, қишлоқ мәжнаткашлари касб малакасини оширишнинг асосий йўналишларини белгилашга ҳамда жонли мәжнат ресурсларини «ортиқча» ва иш жойлари «тақчил» шароитларда ишни қучига талааб ва таклифни макроиқтисодий тартибга солишга, шировардидаги ижтимоий-иктисодий ва ташкилий тадбирларни мақсадга мувофиқ равишда ишлаб чиқишига самараали имкон беради.

Бундай тадбирларни ишлаб чиқиши содир бўлаётган жараёнларни чукур ўрганишни, мәжнат бозори шакллантирилиши ва ривожланишишининг энг муҳим муаммоларини ва уларни ижобий счиш йўлларини аниқлашни тақозо қиласди. Бу йўлларни тўғри томпиш эса “Мәжнат бозори иктисодиёти” фанининг назарий ва амалий асосларини мукаммалроқ ўрганишни талааб этади.

Мазкур фаннинг мақсади – талабаларга мәжнат ресурслари билан кўп таъминланган республикамиз учун характерли бўлган ишчи қучига талабни ошириш ва унинг таклифини камайтириш бўйигча илмий асосланган тавсияномалар ишлаб чиқишини ўргатнидан иборат. Ушбу мақсаддан келиб чиққан ҳолда мазкур фаннинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланади:

- «мәжнат бозори» тушунчаси ва унинг таркибий қисмларини ўрганиш;
 - мәжнат бозори шаклланиши ва унга таъсир этувчи омиллар, шарт-шароитлар, тамойиллар ва чекловчиларни аниқлаш;
 - мәжнат бозори ривожланишининг асосий босқичлари ва уларнинг ижтимоий-иктисодий тадбирларини белгилаш;
 - мәжнат бозоридаги ишчи қучига талаб ва таклифнинг тартибга солиш усувларини ўрганиш;
 - мәжнат бозорини таҳлил қилишнинг аниқ социологик тадқиқот усулини ўрганиб, уни қўллаш методикаси билан танишиш;
 - ишчи қучига талаб ва таклифнинг яқин келажакдаги ҳолатини истиқболлаштириш асосларини ўрганиш;
 - мәжнат бозори ривожланишининг мақсадли комплекс дастурини тузишни ўргатиш.
- «Мәжнат бозори иктисодиёти» фани «Мәжнат иктисодиёти», «Ходимларни бошқариш», «Иктисодий назария», «Макроиқтисодиёт», «Мілкроиқтисодиёт», «Маркетинг» ва «Менежмент» каби иктисодий фанлар билан узвий боғланган.

I боб

МЕҲНАТ БОЗОРИНИНГ МОҲИЯТИ, ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ МАҲСУСИЯТЛАРИ

1.1. Меҳнат бозорининг моҳияти ва тушунчалари

Ҳозирги вақтда ўтиш даври иқтисодиётиниң олдида турган долзарб муаммолардан бири меҳнат бозорини самарали шакллантириш ва ривожлантиришдир. Бунинг учун, ҳаммадан аввал ижтимоий ва иқтисодий тизимлар ривожланишининг объектив қонунларидан саводли фойдаланиш зарур.

Маълумки, тараққиёт соҳиби бўлиб хизмат қилган инсон жамиятининг асосий ишлаб чиқариш кучи ҳисобланади. У бир вақтинг ўзида моддий бойлликлар ва хизматларниң ишлаб чиқарувчиши ва истеъмол қиливчиси бўлганлиги туфайлигини «Ишлаб чиқариш истеъмол» тизимида мувозанатга эришилади. Факат инсон эҳтиёжини жуда муҳим деб билган ва унинг самарали тақрор ишлаб чиқарилишини таъминлаган жамияттина энг юқори тараққиётта эришади. Жамиятининг бошқа барча воситалари: мулкчилик шакллари, ишлаб чиқариш ва илмий салоҳият, молия, нархлар ва ҳ. к.лар ушбу асосий мақсадга бўйсуниши керак. Бу дегани, бутунги бозорга қараб, иқтисодий тизим ҳаракатини тўғри мўлжалга олмоқ, ўтиш даврини теззатмоқ ёхуд сскинлаштирумоядир.

Меҳнат бозори, бозорининг бошқа барча тизимчалари билан узвий боғланган. Ҳақиқатдан ҳам, талабга эга бўлиш учун ишчи кучи жисмоний, ақлий ва қасбий қобилиятларниң белгиланган мажмуасига эга бўлиши керак. Ишлаб чиқариш жараёнига бу қобилиятларни тағбиқ эта туриб, у ўз истеъмол сифатларини йўқотмаслиги учун доимо қайта ишлаб чиқарилиши лозим. Нафақат ўзини қайта ишлаб чиқариш, балки меҳнат ресурслари ва бутун аҳолининг сифат кўреаткичлари ҳам яхшиланишини рағбатлантириб бориб, келажакда қайта ишлаб чиқаришга асос солиши керак. Бундан келиб чиқадики, меҳнат бозорида рақобат ходимнинг меҳнат қобилиятини такомиллаштирувчи асосий куч сифатида мавжуд бўлиши лозим.

Бошқа томондан, «меҳнатга қобилиятлар» эгаси доимий қайта ишлаб чиқаришга эҳтиёжларни бошидан кечира туриб,

бунинг устига ҳар доим янги, энг юқори сифат даражасида, шундай иш берувчини қидирадики, у бу қобилиялардан энг фойдали шароитларда фойдалана олсин.

Шу муносабат билан ишчи кучига талабни шакеллантирувчи тизимчада худди шундай ўзгаришлар содир бўлиши, яъни харидорлар-мулкдорлар ўртасида рақобат пайдо бўлиши керак. Факат шундай шароитларда бир томондан, ходимнинг икти-содий фаоллигига ва бошقا томондан, ишлаб чиқариш восита-лари эгасининг бозордаги иқтисодий фаоллигига асосланган ижтимоий-иктисодий ривожланишга умид боғлаш мумкин.

Мехнат бозорининг бошқа муҳим назарий қоидаси – уни ўз-ўзини худудий ифодалаш ҳақидаги тассавури. Ходим ҳатто ёллангандаям, ўзининг «мехнатга қобилияларни»ини қайта ишлаб чиқаришга эҳтиёжини бошидан доимий кечира бориб, бозор билан алоқасини узмайди.

Бундан ташқари, ходим энг яхши шароитларни қидира бориб, бир ёлловчидан бошқасига ўтишга табиий интилиши ҳам мавжуддир. Амалиётнинг кўрсатишича, ишлаб чиқариш кучлари даражаси қанчалик юқори бўлса, миграцион фаоллик ҳам шунчалик жадалдир. Бунда ходимларнинг бир қисми меҳнат бозорида вақти-вақти билан пайдо бўлиб, вақтинча ишлаб чиқаришда иштирок этмайди. Проф. В. Кулаковнинг ҳисоб-китобларига кўра, иш билан банд бўлганларнинг катта қисми шундай ҳаракатда бўлади: ҳар йили саноатда - 35% гача, қурилишда - 40%, темир йўл транспортларида -37% иштирок этади [5, 15-б.]¹.

Шунинг учун меҳнат бозори ижтимоий бозор иқтисодиёти ва ижтимоий-меҳнат соҳасининг таркибий қисмидир. Илмий ва ўқув адабиётларида меҳнат бозорининг ўнлаб таърифлари келтирилади. Масалан, янги синфий мактабни яратувчилар Д. Гилдер, А. Лаффер, М. Федстайн, Р. Холлар меҳнат бозорини ички бир хил бўлмаган ва ғоят ўсувчи ҳамда бозор қонунларига бўйсунувчи тизим сифатида қарайдилар. Нарх-наво механизми унинг асосий регулятори бўлиб хизмат қиласи.

Мехнат нархи ва иш ҳақи даражаси ишчи кучига талаб ва таклифга таъсир қиласи, улар ўртасидаги муносабатларни тартибга солади, керакли мутаносиблик ва мувозанатни сақладайди. Табиий бозор механизмларига кўра, ишчи кучи нарх-наво, бозор конъюнктурасига тез ва этчилик билан жавоб беради, унинг ҳақиқий эҳтиёжига

¹Малиба «Асосий адабиётлар»даги тартиб рақами бўйича кўрсатилган.

мувоғиқ күпаяді ёки камаяди. Жадал мәхнат бозори шароитларида ишсизлик мәхнатта лақатли ақолининг банд бўлмаган қисмі давра айланishi вазифасини бажарувчи табиий ҳодиса.

Кейнсман мактабининг асосчиси Ж. Кейнс ўз концепциясини «Бандлик, фоиз ва пулларнинг умумий назарияси» номли китобида баён қилган. У мәхнат бозорини сусткаш, статистик тизим сифатида кўриб чиқади, ишчи кучи нархи (иш ҳақи)ни естарти даражада қатъий, доб қайд этади. Мажбурий ишсизликнинг мавжудлиги мажмуавий самараали талаб етишмаслиги билан асосланган, уни бюджет ва кредит-пул тартибига солишининг самараали (экспансиянистик) чоралари йўқ қилиши мумкин. Талабшинг етишмаслиги мәхнатта пул тўлашнинг уни пасайиши томонига эгилувчан эмаслиги оқибатида вужудга келади, бунинг натижасида талаб пасайганда ишлаб чиқариш ҳажми ва бандлик қисқаради, иш ҳақининг номинал ставкалари ўзгаришсиз қолади. Давлат бозорни тартибига солиб борувчи вазифасини ўтайди, у мажмуавий талабни ошириб ёки пасайтириб, ушбу тенгизликни йўқ қилиши мумкин. Ишчи кучига жами талаб - инвестиция ва ишлаб чиқариш ҳажмлари билан тартибига солинади.

Проф. В.А. Павленков таъкидлайдики, бозор иқтисодиётида мәхнат бозори ёлланниб ишлашга қодир кишиларнинг барчасини: ҳам ёлланма мәхнат билан банд бўлганлар ва ҳам банд бўлмаганларни қамраб олади [8, 15-б.]. А.А. Никифорова эса бошқа умумий таърифни таклиф этади: «Мехнат бозори ривожланишининг даражаси ва бозорда иштирок этувчи кучлар: тадбиркорлар, мәхнаткашлар ва давлат ўртасида маълум даврда эришилган манфаатлар балансини акс эттирувчи ижтимоий муносабатлар тизими сифатида вужудга келган» [7, 15-б.].

Кейинги йилларда мәхнат бозори ҳақида аниқроқ тушунчалар пайдо бўлди. Баъзи тадқиқотчилар мәхнат бозорини иш ҳақи ва даромадларнинг эркин ҳаракати орқали мәхнатта талабни ва ишчи кучи таклифини ўзини-ўзи тартибиға солувчи механизм сифатида талқин қиласдилар. Бошقا иқтисодчилар тушунтирадиларки, мәхнат бозори иш берувчилар ва ёлланниб ишлашни хоҳловчиларни бевосита келишуви орқали талаб ва таклифни қаноатлантириши учун шароитлар яратади ва ишчи кучини харид килиш-сотиши жараснларини бевосита тартибиға солмайди. И.С.Маслованинг таърифи бўйича «Мехнат бозори – ўсуви тизим, унда мулкчилик субъектлари ишчи жойлари ва ишчи кучи таклифлари, ходимга ва ёлланма ишга талаб ҳажми, таркиби ва нисбатини шакллантириб,

ишилаб чиқариш омиллари (мөхнат воситалари ва ишчи күчі) га ўзаро таъсир этади». Мөхнат бозори мавжуд, аммо «кесик, шакти ўзагартирилган күринишида, бунинг устига ҳар нарсаны ўз ичига оладиган характерга эга бўлмай, балки мөхнат муносабатларининг фақат бир қисмини қамраб олади» [6, 15-б.].

Қ.Абдураҳмонов ва Ф.Мамарахимовнинг таърифига кўра, «Мөхнат бозори дейилганда ишчи кучини сотиш, сотиб олиш ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар мажмуаси тушунилади». [3, 15-б.].

Бизнинг фиқримизча, мөхнат бозори – мөхнаттага қобилиятли аҳолининг иш билан банд бўлган ва банд бўлмаган қисмлари ва иш берувчилар ўргасидаги муносабатларни ҳамда уларнинг шахсий манфаатларини ҳисобга олувчи шартномалар асосида «мөхнатга қобилиятларини» харид қилиш - сотишни амалга оширувчи ҳамда ишчи кучига талаб ва таклиф ўргасидаги нисбатларни бевосита тартибга солувчи, бозор иқтисодистининг мураккаб, кўп аспектли, ўсузви ва очиқ ижтимоий-шҳтисодий тизимчасицер.

1.2. Мөхнат бозорининг ижтимоий-иқтисодий мазмуни

Республикамиз учун мөхнаттага қобилиятли аҳолининг иш билан банддигини ошприш бўйича муаммони ҳал қилишининг энг самарали воситаларидан бири бўлган мөхнат бозорининг ижтимоий-иқтисодий мазмунини тадқиқ қўтиш катта илмий-амалий аҳамиятта эга. Уларни ўрганиш қўйидаги демографик ва ижтимоий-иқтисодий вазиятларнинг инобатга олинишини тақозо этади:

- республикада мөхнаттага қобилиятли аҳолининг 60% дан ортиғи қишлоқ жойларда яшайди ва ялпи ички маҳсулотнинг (ЯИМ) 40% дан кўпроғини ишилаб чиқаради;

- ноқишлоқ хўжалиги ишчи жойлари стишинаслиги сабабли иш билан банд бўлмаган қишлоқ мөхнат ресурслари улуши республиканинг иш билан банд бўлмаган бутун аҳолисининг 60% дан ортиғини ташкил қиласди ва уларнинг сони ўсмоқда;

мөхнаттага қобилиятли, иш билан банд бўлмаган қишлоқ мөхнаткашлари малакаси ва сафарбарларининг пастлиги уларнинг яшаш жойларидан шаҳарга ва мамлакатнинг кам мөхнат билан таъминланган худудларига ҳамда хорижий давлатлар объектларига қараб ҳаракат қилишларига асосий тўсиқ бўлмоқда;

мөхнат ресурстарининг сонини мөхнатни татбиқ этиш минтақаларга ишебатан тезроқ ўсиши яширин ишенизликтан, айниқса,

қишлоқ хұжалиғыда ишчи күчині тақлиф этиш унга талабдан ошиб кетадиган даражада күтпайтынға бевосита ёрдам бераді;

- қайта ишлаш саноати, курилиш ва хизмат күрсатиши корхоналары ҳамда хусусий хұжаликтерде янги ишчи жойларни яратыш ийлі билан ишчи күчині талаби ва тақлифи ўртасидаги рационал нисбатни таъминлаш учун ҳақиқий имконияттар мавижуд.

Бозор иқтисодиётіндең ўтиш даври шароитларда мәжнат бозорини «мәжнатта қобилиятті» ишчи күчині харид қылыш-состишні амалға оширувчы тизим сифатында күріб чиқиши ўринилі эмас. Шунинг учун у ижтимоий йұналтирилған бозор иқтисодиётіндең мәжнат соҳасининг очик, мураккаб, күп аспекттің ва ўсуғчы тизимчаси бўлиб, ишчи күчині талаб ва тақлифининг ҳажми, таркиби ва нисбатини шакллантирувчидир. Мазкур бозор ишчи күчині талаб ва ахолининг тақлифини тартибга солища бевосита иштирок этади ва оқылона бандықнинг шаклланған ҳамда ишсизликни камайтиришга күмаклашади.


Мәжнат бозори таркибий қисмінинг асосий элемсентларында қүйіндегилар кирады: ишчи күчині талаб ва уннің тақлифи, қиymати, баҳоси ва өлшашдагы ракобат (1-расмға қаранды). Талаб иқтисодиёт тармоқтары, ишлаб чиқариш ижтимоий инфраструктуралық масиғи ва бошқа соҳаларнинг мәжнат бозорига буюртма берган, иш ҳақиқи фонди, шахсий ёрдамчы хұжаликтерден даромадлар ва бошқа ҳастайған востаналар билан таъминланған ишчи күчинің өзгешеңдіктерінің ҳажми ва таркибини акс эттиради. Тақлиф өлланма шарты билан ишлігі эга бўлишдан манбаатдор ишчи күчинінг миқдор ва сифат (сони, жинси, ёши, маълумоти, касби, малакаси, мишлиғи, ишлаб чиқиши, даромади ва бошқалар бўйича) таркибини ифодалайди.

Мәжнат бозоридаги ишчи күчинінг тақлифи мураккаб демографик түзилішта эга. Аввалиннан ахолининг умумияттің сонидан өлланып ишлашга қодир, яның мәжнат қобилиятында эга бўлиб, уннің өзаси - ходим мәжнат бозорида уни тақлиф қылышдан, тадбиркор эса уни ўз корхонасида белгиланған вақт давомида фойдаланиш учун өлтанишидан манбаатдор қисміні ажратиш керак.

Ахолининг умумий сонидан иккита йирик гурӯхни ажратыш мумкин:

1) өлланып ишлашга қодир мәжнатта лаққатли ва ундан юқори ёшданаги ахоли;

2) өлланып ишлашга қодир бўлмаган мәжнатта лаққатли ёшдан кичик ва каттароқ ахоли.



1-рас. Мекната бозори таркибиң қисмет ассоциацияларининг ұзаро мүносабатлары чынысы

Бириңчى гурух күйіндеги гурухчаларга бўлинади:
а) иктиносидест секторларида ёлланыш бўйича банд бўлганлар;
б) ёлланыш бўйича банд бўлмаганлар;
в) иш қидириб эркин ҳаракат қылувчи шахслар.

Иккинчى гурух ҳам гурухчаларга бўлинади:

а) меҳнатта қобиلىятли ёшдан кигчик аҳоли, яъни 16 ёшгача бўлган ўсмирлар;

б) меҳнатта қобиلىятли ёшдан кексанорқ аҳоли, яъни ёши ва ногиронлиги туфайли ишламаётган нафакаҳўларнинг асосий қисмі.

Меҳнатта лаёқатли аҳоли, айниқса унинг иктиносидий фаол қисми меҳнат бозорининг шаклланishiда асосий демографик манба ҳисобланади.

Таҳтил шунни кўрсатадики, аҳолининг иктиносидий фаол қисми меҳнат ресурслари умумий сонининг 70% дан ортигини ташкил этиб, унинг миқдори 1998-2000 йилларда иктиносидётнинг нодавлат секторида 29,3% ўси. Фермер ва дехқон хўжаликлари сонининг ошиши, кигчик ва ўрта бизнеснинг ривожланиши, яккаҳол меҳнат татбиқ этилишининг кенгайиши хусусий секторда банд бўлганлар сонининг 2 мартадан ортиқ кўпайишига бевосита кўмаклашди.

Шундай қилиб, щубхасизки, республика меҳнат бозорида ишчи кучи таклифишининг ўсиши кўп жиҳатдан аҳолишининг иктиносидий фаол қисми ҳолати билан белгланади. У эса мазкур бозордаги рақобатга ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ.

Юқори унумли ишчи кучини ёллаш, меҳнатни ижтимоий тақсимлаш ва бўш иш ўринларни эгаллашда ходимлар ўргасидаги ҳамда меҳнат шартномалари асосида иш ҳақи шартлари учун ходимлар билан ёлловчилар ўргасидаги рақобат меҳнат бозорини ҳаракатлантирувчи механизм хисобланади.

Ишчи кучига талаб ва таклифининг нисбати меҳнат бозори конъюнктурасини ифодалайди. У кўп сонли омиплар ва шароитлар тарьсири остида шаклланади ҳамда меҳнатта лаёқатли қишлоқ аҳолиси турли хил гурухларининг ёлланма ходимлар сифатидаги тенг бўлмаган ҳолатини акс эттиради. Амалда ишчи кучига талаб ва таклифининг умумий ва таркибий мувозанатига эришиш қўйин. Меҳнат бозорининг конъюнктураси ишчи кучи нархига бевосита тарьсир кўрсатади. У ўз навбатида, амалдаги бозор нархларига мувофиқ ўзгариб туради, меҳнат ресурларининг муомала соҳасида шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларга мувофиқ маълум йўналишини шакллантиради. Ўз навбатида ишчи кучи нархини унинг қўйматидан фарқланиши ишлаб чиқаришининг самараадорлигига, тақсимот муносабатларига, иш ҳақи ва шахсий ёрдамчи хўжаликлардан даромадлар даражаларига, истесьмол

саватининг ўсшига, товарлар ва хизматларнинг амалдаги нархлари-га, уларниң мавжудлигига, табиий бойликларнинг ҳолатига ҳамда бошқа омиллар ва шароитларга боғлиқ.

Бизнинг фикримизча, меҳнат бозорининг конъюнктурасини миқдор ва сифат нуқтаи назардан тадқиқ қилиш мақсадга муво-фика. Республикамизда меҳнат бозорида ишчи күчтеги талабнинг миқдори унинг таклифига нисбатан 1,6 марта кам.

Ишчи күчтеги таклифининг миқдори унга эхтийжининг талабла-рига тўлиқ мос келмайди. Шунинг учун меҳнат бозори конъюнк-турасини ифодалайдиган ишкита ўзаро боғланган гурухлардаги омиллар ва шарт-шароитлар ҳолатини таърифловчи миқдор ва си-фат кўрсаткичларни ажратиш зарур. Биринчи гурухга қўйидаги-лар киради: иштисодиёт секторининг ҳолати; моддий-техник таъ-минотишини даражаси; ишлаб чилдириш ва ижтимоий инфратузиз-ма, курниши саноати, шахсий ёрдамчи хўжаликлар ва уйда ишлов-чилар меҳнатининг ҳолати; кўп уқладли иштисодиёт ривожланиши шароитларида жамоа-ширкат, ижара, хиссадорлик, хусусий, кўшма ва бошқа хўжаликларнинг истоҳ қилинishi даражаси; товарлар ва хизматлар, сармоялар, кимматли қофозлар ва ишмий ишпланмалар бозорининг шаклланиши даражаси; табиий бойликларнинг мавжуд-лиги ва х.к.лар.

Иккинчи гурухга эса қўйидагилар киради: маътумот, малака ва қасони эгаллаганлик даражаси; юқори малакали кадрларни тайёрлаш билан шуғулланувчи ўқув юргарининг ҳолати; меҳнатта ла-сқатли банд бўлган ва банд бўлмаган аҳолининг жинси ва ёши бўйича тузилиши; иш ҳақи ва бошқа манбалардан, айниқса, шахсий ёрдамчи хўжаликлардан олинадиган меҳнат даромадларининг даражаси; ишсизнинг ижтимоий ва руҳий ҳолати; ётлаш бўйича иш таклиф қилувчи меҳнат жамоасидаги ижтимоий-руҳий мухит; миллатлараро муносабатлар ва спёсли аҳволнинг ҳолати; миллий-этник анъанаалар ва аҳолининг мобилити (сафарбарлиги) ва бошқалар.

Юқорида таъкидлаб ўтилган, меҳнат бозорида ишчи кучига талаб ва таклифнинг нисбатини аниқловчи омиллар ва шарт-шаро-итлар аҳолини иш билан бандлите сиёсатининг ижтимоий-иштисо-дий йўналишлари ва тамойиллари билан рақобатта (ёхуд зиддиятта) киришиши мумкин. Бу ҳолда меҳнат бозорида салбиј тенденция-ларга қарши харакат қилувчи тадбирларни ўз вақтида ишлаб чи-киш ва ўтказиш алоҳида ўринига эга. Худудий меҳнат бозорлари-шинг омиллари ва конъюнктурасидаги фарқларни ҳисобга олган бандлик спёслари давлат томонидан ишлаб чиқилади. У Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37-моддасида ва «Аҳолини иш

билин таъминлаш түғрнисидағы Қонунда акс эттирилған [2].

Давлат томониңдан күтпәнілдігін таутибға солувчиларнинг (ижтимоий-іштисодий, ташкылтый ва хукуқый) ўрні мекнат бозори-да зиддиятларни юмшатып, ишчи күчтегі талаб ва таклиф конъюн-ктурасидаги номузованатликдан ва уларни инкірөзий бузитиши оқибатларидан (ялпы ишсизлікнинг пайдо бўлиши, ижтимоий хў-жалиликда ишга жойлашишига имконият йўқлиги, даромадларнинг пасайиши ва бошқалардан) огоҳлантириш йўли билан белгиланади. Баъзида бозор мұносабатларининг ижтимоий оқибатлари натижа-сида шундай шароитлар шактланады, унда қишлоқ ахолисининг бир қысмни мекнат қилиш ва даромад олиш хукуқларига эга бў-лишида жиҳдий қийинчиліклар вужудга келипши оқибатида тур-муш даражаси пасаяди. Иштисодий тартибға солувчилар (солислар, мекнат ҳақи, молия-кредит воситалари, инвестициялар (сармояла-р)нинг жалоб этилиши, бандлукка қўмаклашиши жамгармаси ва бо-шқалар) ижтимоий-іштисодий мухитни яратишга қаратилған, унда қишлоқ ишчи кучининг ҳаракати талаб ва таклифга мувофиқ ҳар бир мазкур даврда қушилган мақсадлар ва вазифаларни амалга оширишда содир бўлади. Тартибға солувчиларнинг энг мухим йўна-лиши шундан иборатки, уларнинг мажмусаси орқали мекнат бозори-да нисбий мувозанатга эришиши мумкин.

1.3. Мекнат бозорининг асосий вазифалари ва хусусиятлари

Шунні таъкидлаш жоизки, «Мекнат бозори» тушунчасининг ижтимоий-іштисодий мазмунни ва уни тарқибий қисмларининг сис-тематик тадқиқоти мазкур бозорнинг ўтиш даврида бажарілдігін асосий вазифаларини ҳам аниqlашибга имкон беради:

- ишчи күчтегі талаб ва таклифининг ҳажми, тарқиби ва нисба-тини шактлантириши;
- бозор услугида хўжалик юритишининг іштисодий, ижтимоий ва хукуқий механизмлари ёрдамида ишчи күчтегі талаб ва таклифни тартибға солиши;
- мекнат ресурсларининг оқылона бандлитетини таъминлашга бевосита таъсир кўрсатиш;
- ишсизларни иш топишга ёки бозор ва уларнинг малакаси ва рақобат қобилиятини оширишиб қўмаклашиш;
- ишлаб чиқарини ҳаражатларини қисқартириши ва мекнат таъсимиотини ўзgartирини;
- инсоннинг ҳам ишлаб чиқарувчи ва ҳам истеъмолчи сифати-даги манфаатлари мос келишини таъминловчи юқори унумдор мек-

натта қизиқишини тартибга солиши;

- тақсимот муносабатларига билвосита таъсири қилиши.

Шундай қилиб, меҳнат бозорининг асосий вазифалари, хусусиятлари ва таркибий қисмлари мазмунини чукур ўрганиш унинг рационал шаклланиши ва ривожланиши йўлини равшанроқ кўришига ва иш кучига талаб ва таклиф ўртасидаги нисбатнинг ўзига хос хусусиятларини топишга имкон беради.

Республикамизда меҳнат бозори ўзига хос хусусиятларга эга.

Демографик хусусиятлари. Шундай қилиб, меҳнат бозори, умуман, талаб ва таклиф қонунларига бўйсунган ҳолда, ўз амал қилиши механизмининг кўпгина тамоилларига қўра, бошقا товар бозорларидан жиҳдий фарқ қиласидаги бозордир.

Бу ерда нафақат макро ва микротисодий омиллар, балки шулар билан бирга иш кучи баҳоси иш хақига доимо ҳам регуляторлар ҳисобланадилар. Реал штисодий ҳастда меҳнат бозори динамикасига ишчи кучи тақлифига ҳамда унга бўлган талабга таъсири этувчи бир қатор омиллар таъсири кўрсатади. Бинобарин, ишчи кучи тақлифини демографик омиллар ва унинг туғилиш даражаси, меҳнат қобилиятига эга бўлган аҳолининг ўсиш суръатлари, унинг жинси, ёш тузилмаси кабилар белгилиб беради. Масалан, АҚШда аҳолининг ўртача йиллик кўшимча ўсиш суръатлари ўтган асрнинг 30-йилларидан 90-йилларигача 1,8 фоиздан 1 фоизгacha қисқарган. Бу меҳнат бозоридаги таклиф динамикасига сезиларли таъсири этади.

Шунга ўхшаш таъсири Ўзбекистон иқтисодида ҳам сезилади. Ўзбекистонда ишчи кучининг йиллик ўсиш суръатлари 2,2-2,3 фоиз атрофида (яъни анча юқори даражада). Бу эса ҳар йили камида 4-5 фоиз даражада (амалдаги миқдорга нисбатан) иш жойлари яратишни талаб қиласиди. Шубҳасиз, бу жуда мушкул. Бунинг учун йилига бир неча миллиард сўм маблағ зарур.

Аҳолининг иқтисодий фаоллик даражаси билан боғлиқ хусусиятлар. Демографик омиллардан ташқари меҳнат қобилиятига эга аҳолининг тури демографик ва этник груҳлари иқтисодий фаоллиги даражаси ҳам бозор динамикасининг мухим омили ҳисобланади. Масалан, аёлларнинг ижтимоий роли фаоллашибни таъсири остида уларнинг ишчи кучи таркибига жадал жалб қилиниши ишчи кучи тақлифининг ўсишига олиб келди. Аёлларнинг АҚШ ишчи кучларидаги иқтисодий иштироки даражаси 1950 йилдаги 34 фоиздан 1992 йилда 60 фоизга етди (бу кўрсаткич Ўзбекистонда 40 фоиз атрофида).

Ишчи кучи динамикасига миграция жараёнлари ҳам жиҳдий таъсири кўрсатади. АҚШда у мамлакат аҳолиси кўшимча ўсиши-

нинг 20 фоизини ташкил этади. Очиқ ҳолдаги иммигрантлардан ташқари АҚШда бир неча млн. яширин (ногсгал) иммигрантлар (асосан Лотин Америкаси мамлакатларидан чиққанлар) яшашади. Мамлакатда миграция жарайни меңнат бозорида шиги кучи умумий таклифиппі күпайтираді ва үндагы рақобатни кучайтиради. Иммиграция жарайнлари (хоҳ у сиёсий бўлсин, хоҳ меңнат иммиграцияси) АҚШда маҳсус қонунлар билан тартибга солинади. Бу қонунлар мамлакатта паст даражалари шиги кучи киришини чеклашга, тегишти квоталар ўрнатган ҳолда АҚШга олий малакали кадрларнинг кўчиб келишини рағбатлантиришга йўналтирилган.

Талаб нутқи назаридан эса иктиносидий конъюнктура ҳолати ҳамда иктиносидий цислар фазалари бандилик динамикасининг муҳим омиллари ҳисобланади. Улардан ташқари ишчи кучига бўлган эҳтиёжка шимий-техника тараққиёти ҳам жиҳдий таъсир кўрсатади.

Ижтимоий тараққиёт билан боғлиқ ҳусусиятлари. Ҳозирга келиб жамият тараққиёті босқичлари ҳам меңнат бозорининг ривожланишига сизиларни таъсир кўрсатиши тўғрисида ҳулоса қилисанк ҳам бўлади. Одатда, жамият ривожланишига ҳал қўлувчи ўзгарышлар худди шундай ахамиятли ўзгарышларни меңнат бозорининг шиги ва ташки «қисёфаси»да қолдиради. Чунончи, жамият ривожланишидаги сиёсий ўзгарышлар меңнат бозорига дарҳол таъсир кўрсатади. Бунга мисол қилиб, 1930-40 йилларда Европадаги сиёсий ўзгарышларни көлтириш мумкин. Маълумки, нацизм стакчи спиёсий партия сифатида Германия давлати тепасига келиши билан меңнат бозорининг аксарият Европа ва ҳаттоқи жаҳон миқёссида ҳарбийлашуви юзага келган эди.

Сиёсий тузумнинг алмашини ҳам шу хилдаги ўзгарышлар учун замин ҳозирлайди. Бунга мисол қилиб инсоният тарихидаги энг йирик сиёсий ўзгарышларни (масалан, демократик бозор муносабатларининг бунёдга келиши ва х.к.) көлтириш мумкин.

Ижтимоий-сиёсий ўзгарышларнинг меңнат бозори ва меңнат муносабатларига таъсирига сабиқ Совет Иттилоқининг смерилиши мисол бўла олади. Бунинг натижасида нафақат унинг таркибига кирувчи давлатларда, балки бутун жаҳон меңнат бозорида жиҳдий ўзгарышлар содир бўлди.

Қисқача хуносалар

Меҳнат бозори – ишчи кучининг «меҳнатта бўлган қобилиятини» сотиш ва сотиб олиш тизимиdir.

Меҳнат бозорининг таркибий қисмлари ишчи кучига талаб, ишчи кучининг таклифи, қиймати ва баҳоси ҳамда уни ёлашаща рақобат ҳисобланади.

Меҳнат бозори асосий вазифаларининг бажарилиши талаб ва таклиф ўртасидаги фарқнинг камайишига ва аҳолининг ниш билан бандлиги ошишига олиб келади.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Меҳнат бозорининг моҳияти нимадан иборат?
2. Меҳнат бозори нима?
3. Ишчи кучининг таклифи қандай демографик тузилишга эга?
4. Меҳнат бозорининг таркибий қисмлари нималардан иборат?
5. Меҳнат бозорининг қандай асосий вазифалари бор?
6. Меҳнат бозорининг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?

Асосий адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон: бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. -Т.: «Ўзбекистон», 1993.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонуни // «Меҳнат» газетаси. –Т., 1993 йил, 1 октябрь.
3. Абдураҳмонов Қ.Х., Мамарасулов Ф. Меҳнат иқтисоди (ўқув-услубий кўлланма). -Т.: ТДИУ, 1996.
4. Дмитриев Ю. Рынок труда: предложение, спрос, управление. // Проблемы теории и практики управления. -М.: 1991, №4.
5. Кулаков В. Рынок рабочей силы: основы теории, функционирования и прогнозирования // Экономист. -М., 1992, № 6, ст. 50-55.
6. Маслова Н.С. Эффективная занятость и рынок рабочей силы. -М.: Наука, 1992.
7. Никифорова А.А. Рынок труда: занятность и безработицы. -М.: Международные отношения, 1991.
8. Павленков В.А. Рынок труда. -М.: Анлик, 1992.

II боб

МЕҲНАТ БОЗОРИНИНГ ШАҚЛЛАНИШИ

2.1. Меҳнат бозори шаклланишининг аҳамияти ва шарт-шароитлари

Меҳнат бозори, бозор тизимиининг ажралмас қисми сифатида фақат товар ишлаб чиқариш ва мумаласи умумий хукмрон бўлгандагина вужудга келади. Ишчи кучи «меҳнатта қобилияти»нинг товарга айланниши меҳнат бозори шаклланишининг бош шарти ҳисобланади. Академик И.А. Каримов таъкидлаганидек, «меҳнат бозори бўлмаса, ишчи кучи товарга айлантирилмаса, бозор муносабатлари тўғрисидаги гап-сўзлар оғизда қолиб кетади». Ишчи кучи товарга шундай ҳолда айланадики, агар унинг эгаси - ходим - ишлаб чиқариш воситалари ва турмуш кесчириш воситаларидан юридик эркин шахс бўлса. Шахснинг фуқаролик эркинлиги ходимга меҳнатни кўллаш соҳаси, ундан фойдаланиш шароитлари ва иш ҳақини эркин танлаш хукуқини расмий беради. Эркин субъект сифатида у шахсий мулкчиллик ва ўзининг ишчи кучига эгалик хукуқига эга бўлади. Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги қонунида таъкидланганидек, «Ўзбекистон Республикаси фуқароларига ишлаб чиқариш ва ижодий меҳнат учун ўз қобилиятларига эгалик қилиш ва қонунчиллик ман қилмайдиган ҳар қандай фаолият билан шугууланиш хукуки берилган. Меҳнатта ҳар қандай шаклда маъмурий мажбур қилишга йўл қўйилмайди. Кишиларниң ихтиёрий банд бўлмаслиги уларни жавобгарликка тортиш учун асос бўла олмайди».

Меҳнатнинг эркинлиги ва ихтиёрийлиги – умуман, республика бўйича меҳнат бозори шаклланишининг асосий шароити ёхуд шартидир.

Шу билан бир қаторда меҳнат бозорининг шаклланишига бевосита таъсир кўрсатаётган бир қатор иқтисодий, ижтимоий, демографик, табиий-иклиний ва хукукий шарт-шароитлар мавжудки, уларни биз қўйида батафсилроқ кўриб чиқамиз.

Меҳнат бозори шаклланишининг асосий иқтисодий шарт-шароити бўлиб, ёлланма ходимларни ўз ишчи кучларига нисбатан шахсий мулкчилклари ва иш берувчиларнинг иш жойларига жамоа ёки хусусий мулкчилиги хизмат қиласиди. Бу ерда

шуни назарда тутиш керакки, мазкур субъектларни ўзаро алмашув муносабатига киришишига уларнинг шахсий манфаатлари мажбур қиласди, унинг орқасида шахсий истеъмолчилик ётади. Улар ҳам, ўз навбатида, қайта такрор ишлаб чиқаришда қишлоқ аҳолиси ижтимоий-иқтисодий турмушининг фақат керакли ижтимоий эҳтиёжи ифодаланишида намоён бўлади.

Мехнат бозорининг вужудга келиши ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасидаги мувозанатга эришиш учун ўзаро рақобат қилишга тайёр эркин ва тенг хукуқли шерикларнинг иқтисодий муносабатларда бўлишларини тақозо этади. Бозорда ёлланма ходим ва иш берувчи шахсий эркинлик ва иқтисодий зарурият нуктаи назаридан ўзаро боғланган ҳамда бир-бирларига қарам бўлсалар ҳам бир-бирларига қарши турадилар.

Ишчи кучи талаб ва таклифи ўртасида бозор мувозанатига эришиш меҳнат бозорининг шаклланишида ҳал қилувчи иқтисодий шартлардан бири ҳисобланади. Аммо бундай мувозанат мавжуд эмас. Бунинг асосий сабаби таклиф қилинган меҳнатга лаёқатли аҳоли сонининг унга талаб миқдорига нисбатан тез ўсиши.

Иқтисодиётнинг барча секторларида таркиби ўзгаришлар ҳозирги шароитда меҳнат бозорида ишчи кучига талаб ва унинг таклифи янги ҳаракатини белгиловчи энг муҳим иқтисодий шартлардан ҳисобланади. Булар саноат ва хизмат кўрсатиш тармоқларида янги иш жойларини яратишни ва мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида сифат ўзгаришларини асослаб беради. Бундай шароитларда бир томондан, меҳнат бозорининг янги сегментлари агросаноат мажмуаси ва ижтимоий-ишлаб чиқариш инфратузилмасининг кўп жонти меҳнат талаб қиласдиган тармоқлари ва ишлаб чиқариш бўғинларини қамраб олса, бошқа томондан, иқтисодиётнинг анъанавий секторларида бозор муносабатларини вужудга кеттиради ва ривожлантиради.

Ишчи кучи нархининг ўзгариши меҳнат бозори шаклланишининг муҳим иқтисодий шарти ҳисобланади. Бозор иқтисодиётiga ўтишни амалга ошираётган мамлакатларда иш ҳақи ҳақиқий даражасининг пасайиши тенденцияси кузатилади. Назарий жиҳатдан бундай вазиятда иш ҳақини ишчи кучи қийматидан пастроқ белгилаш учун қулай имкониятлар яратилади. Аммо бундай имкониятлардан фойдаланишини давлат қонунчилик йўли билан «тўсиб қўйиш»га ҳаракат қиласди. Шу мақсад-

да минимал иш ҳақи ва кун кечириш учун зарур микдор дарајаси расмий равишда белгиланади. Бундай ҳолда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти нормал фаолият кўрсаттганда минимал иш ҳақи кун кечириш учун зарур микдор дарајасидан кам бўлмаслиги лозим.

Мехнат бозори конъюнктурасини шаклланишининг ижтимоий шарт-шароитлари орасида ёланма ходимлар ва иш берувчилик сифат кўрсаткичларининг ошиши стакчи ўрин эгаллайди. Агросаноат мажмуаси ва хизмат кўрсатиш тармоқлари кўламларининг кенгайини, уларнинг интенсив ривожланини, ўз вақтида моддий-техник ва молиявий ресурслар билан таъминланиши ишчи кучининг қайта тайёргарликдан ўтишини ва янги замонавий қасбларни (универсал ишчи ва хизматчи, тадбиркор, менежер, маркетолог ва ҳ.к.) ўзлаштиришни талаб қиласди.

Демографик шарт-шароитлар ишчи кучи таклифининг шаклланишига турлича таъсир кўрсатади. Масалан, юқори дарражадаги туғилиш меҳнат бозорига аҳолининг катта оқими келишини асослайди. Республикада меҳнатга лаёқатли аҳолининг ёш бўйича тузилишида 16-29 ёшдаги йигит-қизлар улуши 2001 йилда 26,4 %ни ташкил қиласди (1-жадвалга қаранг).

Ўрга мактабларни битирувчиларнинг кўпчилиги, дастлабки касб тайёргарлигига эга бўлмаганлари ҳолда қишлоқ хўжалигига жалб қилинадилар. Самарқанд вилоятида ўтказилган социалогик тадқиқот шуну кўрсатдики, иш билан банд бўлмаган меҳнатга лаёқатли аҳоли ўргасида ёшларнинг улуши 34%ни, баъзи туманларда эса 35-55 %ни ташкил қиласди, уларнинг мутлақ кўпчилиги хотин-қизлардир(60-65%). Ёшларнинг 89 фоизи ишга жойлашишни хоҳлайдилар.

I-жадвал

Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг ёш бўйича тузилиши

Кўрсаткичлар	1999 йил	2000 йил	2001 йил
Аҳолининг барчаси	100	100	100
Шу жумладан:			
Меҳнатта лаёқатли ёндан кичик ёшдагилар	41,3	40,6	39,7
Меҳнатта лаёқатли ёшдагилар.	51,2	52,0	53,0
Шу жумладан:			
16-29 ёшдагилар	24,8	25,7	26,4
Меҳнатта лаёқатли ёндан катта ёшдагилар	7,5	7,4	7,3

Меҳнат бозори шаклнанишига қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида иш мавсумий бўлганлиги учун иш билан тўлиқ банд бўлмаган шахсларнинг кўтгиллиги созиларли таъсир кўрсатади. Бизнинг баҳолашимиизча, 2000 йилда шу сабабга кўра, Самарқанд вилояти қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида 38,4 минг киши, яъни ундаги ходимларнинг 18,4 фоизи иштирок этмаган. Мавсумий меҳнат даврининг катталиги ишлизик хавф-хатари ва ҳажмини оширади. Ҳозирча қишлоқ хўжалигида қўл меҳнатининг утуши анча катта. Аммо бу анъанавий тармоқнинг экстенсив ривожланиши ва янги қўшимча иш жойларини яратиш имкониятлари камлиги ҳамда ер ва сув ресурслари етиш маслиги туфайли чекланган. Шу билан бирга илмий-техник янгиликлар ва меҳнатни ташкил қилишининг илғор услугларини татбик этиши ходимлар қишлоқ хўжалигидан озод қилинишини тезлаштиради. Бу эса юқори малакага эга бўлмаган меҳнатга талабни янада камайтиради ва ишлизикни, айниқса, кўп болали аёллар ва ёш қизлар ўртасида кўпайтиради.

Иш берувчи ва ёланма ходим ўртасида тузилган меҳнат шартномаси (контракт) меҳнат бозорида ишчи кучини сотиш-сотиб олишнинг ҳал қитувчи хукуқий шарт-шароити хисобланади.

Меҳнат хукуки бўйича гарб мутахассисларининг илмий ишларида меҳнат шартномаси «Ходимни иш ҳақи эвазига меҳнат қилиш мажбуриятини олиши ва хукуқий бўйсуниши мавжудлиги ҳақидаги келишув» сифатида ифодаланади. Шартнома хусусий-хукуқий харицларнинг турлита кўриниши бўлиб, унга нисбатан фуқаролик хукуқига хос месъёрлар, қоидалар, концептуал конструкцияларни кўплаш имкониятлари ва заруриятини асослайди.

Меҳнат шартномасининг бош хусусияти шундан иборатки, уни тузиш албатта бўйсуниш ва боғлиқликка олиб келади, бундан ташқари вужудга келган хукуқий муносабатларга ишончлилик ва узоқ муддатлилик характеристини ифодалайди. Ишловчини ёлловчига бўйсунишига иқтисодий маънода меҳнат шартномасининг асосий аломати сифатида қаралади. Бу бўйсуниш, қоидага кўра, нафақат ижтимоий-иқтисодий, техник, ташкилий

балки, Узбекистон Республикаси Конституцияси ва «Меҳнат кодекси»нинг барча талбларига жавоб берувчи, шакллантирилган юридик характерга эга.

Иш кучига талаб ва таклиф нисбатининг яхшиланишига табиий-иҷдим шароитлари муҳим рафбатлантирувчи омил бўлиб хизмат

қылады. Юқори унұмдор қишлоқ хұжалиги ерларида ва старлича сув билан таъминланған яшаш жойларіңда ишчи күчі күпроқ жамланады ва ишчи жойларі нормал фаолият күрсатады. Яңғы иш жойларини яратып да ишлаб турған корхоналарни көнгайтириш Ыұли билан ишчи күчін талаб да таклиф ўртасидеги мувозанатни таъминлашға мағытум даражада имконияттар вужудға келтирилді. Булар эса мәжнат ресурсларининг ортиқчалық даражасын, демек, ишсизлік миқсесін ҳам кескин камайтиришга бевосітта таъсир этады.

2.2. Мәжнат бозорининг шаклланиш тамойиллари

Юқорида қайд этилган шарт-шароитлар мәжнат бозори фаолият күрсатишининг күйидеги асосий тамойилларини түлік амалға татбиқ этган ҳолда мазкур бозор шаклланишига самарали таъсир күрсатады:

ишчи күчининг эркін таклифи. Бу мәжнатта лаекатлы қишлоқ ахолисининг иш билан банд бўлиш ва бўлмасликни ихтирий танлашини, мәжнат қонунлари томонидан тақиқланмайдиган ва ҳар бир ходимнинг шахсий ва жамоа манфаатларини ҳисобга олувчи касеб ва фаолият турини эркін танлаш учун шароитлар мавжудлигини англатади;

иш берувчиларнинг ишчи кучига мустақил талаби. Бозор иқтисодисти ходимларни барча иш берувчилар томонидан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва «Мәжнат кодекси» қоидаларига албатта амал қилған ҳолда ишга эркін ёллашлари ва ишдан бўшатишлари ҳамда бандлик, мәжнат шароитлари ва унга ҳақ тўлашни кафолатлаш билан фуқороларнинг манфаатларини ҳимоя қилишлари учун имкониятлар яратади;

ёлланма ходимларнинг иш берувчилардан ҳукуқий ва ижтимоий ҳимоя қилингандиги;

- иш ҳақи ва бошқа қонуний даромадлар чегарасини Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланған «қун кечириш учун зарур миқдордан кам бўлмаслик»ка риоя қилған ҳолда эркін белгилаш.

2.3. Мәжнат бозори шаклланишининг омиллари ва чекловчилари

Ортиқча мәжнат ресурсларига эга республикамиз худудлар-

да ишчи кучига талабнинг ошиши ва унинг таклифи пасайишига бевосита таъсир этувчи омилларни тадқиқ қилиш энг муҳим ижти-моий-иктисодий аҳамият касб этади. Ишчи кучига талабнинг ошишини асословчи омилларга қўйидагилар киради: нокишлоқ хўжалиги тармоқларида янги иш жойларини яратиш, меҳнат қўл-ланиладиган амалдаги минтақаларни техник қайта жиҳозлаш, ме-дернизациялаш, қайта таъмираш, хорижий сармояларни жалб қилиш, янги ерларни ўзлаштириш, қайта ишлаш саноати, хизматлар кўрсатиш ва шахсий меҳнат фаолияти қўламини кенгайти-риш, кичик ва ўрта бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ривож-лантириш ва бошқалар. Шу билан бир вақтда ишчи кучи такли-фини пасайтирувчи омиллар вужудга келади ва улар таъсир қила бошлайди: шахсий ёрдамчи хўжалик, якка меҳнат фаолияти, хусусий тадбиркорлик ва ўз-ўзини банд қилишининг бошқа соҳаларини ривожлантириш, бандликнинг эгилувчан ва ностандарт шаклла-рини кенгайтириш, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил қилиши-нинг бозор усулларини татбиқ этиш, инфляция ва ишсизликни пасайтириш, маҳаллий кадрларнинг рақобатбардошлиги, сафарбар-лиги ва малакасини ошириш ва бошқалар.

Меҳнат ресурслари билан кам таъминланган худудларда эса бир қатор омиллар ишчи кучига талабнинг пасайишига кў-мақлашади. Хусусан, буижара ва хусусий мулкчиликни ривож-лантириш, тўлаш қобилиятига эга бўлмаган ёки экологик зарарли корхоналарни ёпиш, янги ерларни ўзлаштириш қўламини қисқартириш, моддий-техникавий ва молиявий ресурслар таъ-минотини яхшилаш, интенсив технологияни қўллаш, меҳнат унумдорлигини ошириш ва ҳ.к.лар.

Бундан ташқари, мазкур худудларда ишчи кучи таклифи-ни оширувчи омиллар, хусусан, кадрларнинг малакаси ва сафар-барлиги даражасининг пастлиги, меҳнат ресурслари сони ўсиш суръатининг иш жойлари миқдорига нисбатан юқорилиги, қишлоқ хўжалигига ишловчиларни иш жойидан озод этиш ҳол-ларининг кўпайиши, меҳнатни қўллаш минтақаларининг сти-маслиги ва бошқалар мавжуд.

Шу билан бирга шундай омиллар ҳам борки, улар комплекс ҳолида ишчи кучи таклифининг шаклланиши ҳолатига сезиларли даражада таъсир кўрсатади. Уларга қўйидагилар киради: ишлани хоҳловчилар, ёлланган ходимлар ва иш берувчиларнинг табиий ва механик ҳаракатлари; ёлланма меҳнатни ташкил қилишининг

турли-туман услублари; турмуш учун зарур бўлган маблағлар жамғармаси, ёлланган ходимларнинг пул даромадлари; нафақа-хўрлар ва болалик аёлларнинг меҳнат ва ижтимоий пенсиялари, имтиёзлари ва кафолатлари; касбий тайёрлаш ёки қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга зарурияти бўлган шахсларни маблағлар билан таъминловчи давлат, корхона ва оиласининг молиявий имкониятлари; шахсий ёрдамчи хўжалигидаги ва ёлланмасдан «ўй меҳнати»да банд бўлганларнинг сони; куролли кучларда хизмат қилувчилар сони ва уларда хизмат қилиш муддати; муқобил ва малакали касбий хизматларни такомиллаштириш ва ҳ.к.лар.

Ишчи кучига талабнинг ўсиши ёки камайиши (динамикаси) куйидаги микдор ва сифат кўрсаткичларининг ўзгариши билан аниқланади: мавжуд бўлган ва янгидан яратиладиган ишчи жойлари; инвестиция салоҳияти ва унинг такрор ишлаб чиқариш тузилиши; иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар; мулкчилик шаклларининг турли-туманлиги; корхоналар ва ташкилотларнинг тўловга қодир эмаслиги (банкротлиги) ва ҳ.к.лар.

Ўзбекистон шароитида меҳнат бозорини самарали шакллантиришга тўсиқ бўладиган бир қатор чекловчилар ҳам мавжуд; меҳнатни қўлланишининг ноқишлоқ хўжалиги минтақалари яхши ривожланмаганлиги; меҳнат ҳақининг паст даражаси; истеъмол товарларининг қимматлашуви; ёлланма ишчи кучининг малакаси ва сафарбарлиги пастлиги; иш берувчиларнинг етарлича тажрибага эга эмаслиги ва ҳ.к.лар.

Шу билан бирга ўтиш даврида нокишлоқ хўжалиги меҳнат минтақаларининг стишмаслиги, иш ҳақининг паст даражаси ва истеъмол товарларининг қимматлашуви, хом ашёлар стишмаслигининг кўпайгани, маҳаллий кадрлар малакаси ва мобилиги даражасининг пастлиги ишчи кучига талабнинг ошишига асосий тўсиқ бўлмоқда. Ходимлар меҳнатининг якуний натижалари қадрсизланиши мулкнинг давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш самарадорлигини оширишга тўсиқ бўлувчи асосий иқтисодий воситалардан биридир. Бу соҳада ижобий натижаларсиз бозор иқтисодиётининг асосий ҳаракат қилувчи кучлари тадбиркорлар, яъни меҳнат бозорида ишчи кучининг харидорлари пайдо бўлиши мумкин эмас.

Иш берувчилар малакасининг пастлиги ва уларда тадбиркорликка тажриба кўникмалари стишмаслиги меҳнат бозорининг шаклланиши йўлида жиддий тўсиқ бўлмоқда. Бу муаммо-

ларни ижобий ҳал қилиш учун тадбиркор «Бизнес», «Маркетинг», «Менеджмент», «Банк иши», «Ахборотлар технологияси» каби фанларни, хорижий тилларни мукаммал билишлари, саноат меҳнатининг ҳал қитувчилик ўрнини тушунишлари ва уни бошқа ҳар қандай меҳнатдан юқори баҳолай олишлари учун маълум вақт ва шароитлар керак.

Шундай қилиб, юқорида қайд этилган меҳнат бозорининг асосий таркибий қисмларини мукаммал тадқиқ қилиш унинг шаклланиш жараёнини батафсил ифодалабгина қолмасдан, балки бу соҳада очилиши лозим бўлган асосий муаммоларнинг аниқланишига ҳам имкон беради: ишчи кучига талабни ўстириш ва унинг таклифини камайтириш, қишлоқ хўялиги ишлаб чиқаришидан ортиқча ходимлар озод бўлишини тезлатиш; иш билан банд бўлмаган меҳнатга лаёқатли аҳолининг раҳобатбардошлиги ва малакасини ошириш, турғунлигини камайтириш ва унинг ижтимоий ҳимояланганигини таъминлаш. Бу муаммоларни меҳнатни қўллашнинг ноқишлоқ хўялиги бўлган тармоқларини ривожлантириш, ўқув муассасалари ва бандлик хизматларининг фаолиятини яхшилаш ва меҳнат бозорида ижтимоий-иктисодий муносабатларни самарали тартибга солиш йўли билан муваффақиятли ҳал қилиш мумкин.

Қисқача холосалар

Меҳнат бозори шаклланишига ишчи кучининг «меҳнатга бўлган қобилияти» товарга айланishi, эркин тақлифи, иш берувчиларниң ишчи кучига мустақил талаби, иқтисодиётниң таркибий ўзгариши, кўп мулкчиликнинг ривожланиши каби иқтисодий, ижтимоий ва ҳукукий шарт-шароитлар бевосита таъсир этади.

Меҳнат бозори шаклланишида асосий муаммо бўлган ишчи кучига талабнинг ортиши ва унинг тақлифи камайиши турли омиллар, тамойиллар ва чекловчилар таъсирида амалга оширилади.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Меҳнат бозорининг шаклланишига қандай шарт-шароитлар таъсир этади?
2. Меҳнат бозори шаклланишининг қандай тамойиллари мавжуд?
3. Мазкур бозор шаклланишининг қандай омиллари бор?
4. Ишчи кучига талаб ва тақлифнинг шаклланишига нималар тўсиқ бўлади?

Асосий адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 1992.
2. Киселев И.Я. Трудовой договор при капитализме: проблемы найма и увольнения. –М.: Наука, 1989.
3. Холмүминов Ш.Р. Меҳнат бозори шаклланса – «Ўзбекистон қишлоқ ҳўжалиги» журнали, 1997, №1.
4. Холмуминов Ш.Р. Моделирование сельского рынка труда. -Т.: Фан, 1996.

III боб

МЕҲНАТ БОЗОРИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ


3.1. Меҳнат бозорини тартибга солишнинг аҳамияти

Мамлакатимиз Президенти И.А. Каримов ўзининг «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида» китобида меҳнат бозорини бошқариш ва бандлик сиёсатини фаол ўтказиш, республиканинг меҳнатга яроғли аҳоли зич жойлашган туманларида кичик ва ўрта корхоналарни устувор ривожлантириш ҳисобига янги иш жойлари бунёд этишни рағбатлантириш масалаларига катта эътибор берган. Шу муносабат билан меҳнат бозорида ижтимоий-иқтисодий муносабатларни тартибга солиш алоҳида аҳамият касб этади.

Меҳнат бозорида юзага келадиган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар тизимида аҳолининг иш билан бандлиги ва меҳнат шароитларини белгилаш, у ёки бу ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш, ижтимоий-меҳнат можороларини бартараф этиш бўйича иш берувчилар билан ёлланма ходимлар ўртасидаги муносабатлар марказий ўрин эгаллайди. Меҳнат бозорида мазкур муносабатлар жамоавий, шахсий ва худудий усуллар асосида тартибга солинади (2-расмга қаранг).

Жамоавий битимлар тузилаётганда Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнат кодекси», Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ)нинг Конвенцияси ва тавсияларига асосланилади. ХМТ конвенциясининг 54-бандида таъкидланганидек, «Жамоавий музокаралар, бир томондан, тадбиркор, тадбиркорлар гурухи билан, бошقا томондан эса, меҳнаткашларнинг битта ёки бир неча ташкилоти ўртасида: а) меҳнат шароити ва бандликни белгилаш; б) тадбиркорлар ва меҳнаткашлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш; в) тадбиркорлар ёки уларнинг ташкилотлари ва меҳнат-кашларнинг ташкилоти ёки ташкилотлари ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш мақсадларида олиб бориладиган барча музокараларни билдиради».

Меҳнат бозорида бундай тартибга солишни қўлланишининг энг муҳим афзаллиги шундаки, унда қабул қилинадиган қарорлар нихоятда қайишқоқ (эгилувчан, мослашувчан) бўлади, уларни на қонунчилик, на суд ва на маъмурий усулларга қиёслаб бўлмайди.



2-расм. Меҳнат бозорида тартибга солувчиларнинг ҳаракатлари чизмаси.

3.2. Мехнат шартномаларининг меҳнат бозорини тартибга солишдаги ўрни

Мехнат бозори муносабатларини тартибга солиш комплекс – шартнома тизимининг қайилшқоғлиги, шунингдек, муносабатлари соҳасида тенглик ва ижтимоий адолат тамойилларини рўёбга чиқариш хақидаги кенг ёйилган тўғри тасаввурларга эга бўлишидир. Айрим ходим музокараларда ўзидан анча кучли шериги – иш берувчига нисбатан якка тартибда амалта оширадиган хатти-ҳаракатлари билан қаршилик кўрсата олмайди Боз устига, жамоавий шартномага кўра, малакаси паст ҳамда етарли даражада юқори унум билан ишлай олмайдиган ишчи кучининг иш жойи муайян муддатга сақлаб турилади. Жамоавий шартнома меҳнат муносабатлари барқарорлигига эришишда муҳим аҳамиятга эга. Жамоавий шартнома тизими меҳнат бозоридаги хўжалик субъектларининг ўзаро муносабатларида можароларни ўзича бартараф эта олмайди. Чунки, ушбу можаролар асосини ижтимоий манфаатлар, мақсадлар, интилишлар, талаблардаги фарқлар ташкил этади. Гарчи, жамоавий битимлар тизими манфаатларни келишиб олиш, ўзаро бир қарорга келиш ва можароларни тезлик билан бартараф этиш жараёнларини кўзда тутсада, музокаралар жараёни анча мақбул натижаларга эришиш имкониятини ҳам яратади. Айни пайтда битим шартлари шартнома шаклини олиб, икки томонни мазкур шартлар асосида ижтимоий ва иқтисодий барқарорликни таъминлаш максадида охирги чораларни кўрмасдан, яъни, иш ташлаш ёки ишдан бўшатишга йўл қўймай, ҳаракат қилишга мажбур этади.

Келажакда жамоавий битимлар, шунингдек, меҳнат бозори фаолиятини, кадрларни ўқиттиши ва малакаларини ошириш ҳамда ўзгартириш, уларнинг иш ҳақи ва ишсизларни иш билан таъминлаш кўрсаткичларини тартибга солиш масалаларини ҳам қамраб олади. Шуни қайд этиб ўтиш керакки, асосан жамоавий меҳнат шартномаси тизими ва бевосита давлатнинг тартибга солиб бориши амал қилишига қарамай, ходим билан иш берувчи ўргасидаги муносабатлар якка тартибда ҳам ҳал этилиши мумкин.

Ходим билан тузитган шахсий шартнома иш берувчи учун анча фойдалидир. Шахсий шартнома тизими ёлланувчининг меҳнат шароити ва унга тўланадиган иш ҳақини шу одамга қараб белгилаш имконини беради. Жамоавий битимларга кўра

эса, бундай қилиб бўлмайди. Шу билан бирга, тузиладиган шахсий битим кўп ҳолларда ёлланувчларни ижтимоий кафолатларнинг каттагина қисмидан маҳрум этади.

Мехнат муносабатларини шахсий услубда тартибга солиш ва бандликнинг қайишқоқ шаклларини жорий этиш - ёлланувчлар кучидан фойдаланишни (эксплуатацион характерда) кучайтириш ҳамда доимий ишловчи шахслар учун илгари мавжуд бўлган ижтимоий кафолатлардан воз кечилишидан ташқари яна бир қатор салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Жумладан, ривожланган мамлакатлардаги меҳнат бозорларида доимий ишчи кучларини вақтинча ёки тўлиқсиз иш вақтида ишловчи шахслар (ёшлар, хотин-қизлар, ногиронлар ва ҳоказо) билан алмаштириш қоида тусига кирмоқда. Табиийки, мазкур ижтимоий гурӯҳларнинг вакиллари ижтимоий жиҳатдан кам муҳофазалangan ва жамоавий шартномалар билан қамраб олинмаган. Шу боис давлат, айниқса, хўжалик юритишининг бозор муносабатларига ўтиш шароитларида ёллашнинг шахсий шартнома шакллари ривожини назорат қилиб бориши керак. Акс ҳолда, норозилик кучайиши натижасида давлат ишсизлик бўйича ижтимоий тўловларни анча кўпайтиришга мажбур бўлиб қолади.

Сўнгги ҳолатни алоҳида ҳисобга олишимиз лозим. Чунки, республикамиизда, бир томондан, тадбиркорлик, ишчиларни ёллаб ишлатиш бўйича ҳусусий тадбиркорлик ва бизнес яхши ривожланмаган бўлса, иккинчи томондан эса, кам таъминланган ҳамда ижтимоий жиҳатдан етарли даражада ҳимоя қилинмаган аҳоли орасида ишсизлар сони ошиб боряпти. Буларнинг ҳаммаси меҳнат бозоридаги ижтимоий-иктисодий муносабатларни тартибга солишнинг янги, самарали ҳудудий усусларини, уларни меҳнат ресурслари ортиқча ва стишмайдиган ҳудудларга бўлган ҳолда, тадқиқ этишни талаб қилмоқда.

3.3. Мехнат бозорини тартибга солишнинг минтақавий усуслари

Республиканинг меҳнат ресурслари ортиқча ҳудудлари, аввали, Андижон, Фарғона, Наманган, Тошкент, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё, Бухоро ва Хоразм вилоятлари учун мазкур бозорни тартибга солишнинг анча самарали усуслари деб, ишчи кучига бўлган талабнинг ошиши ва унинг таклифи камайишини ҳисоблаш зарур.

Мазкур усуллар нималарда ифодаланишини батафсил құриб чиқайлык.

Ишчи күчига талабни ошириш усули. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитларида мұлкни хусусийлаштириш ва давлат тасар-руғидан чиқариш, әкинларни стиширищда таркибий тузилмани қайта қуриш, зарар көлтириб ишласттан корхоналарни тутатиши, фан-техника тараққиеті ютуқлари ва интенсив технологияларни жорій этиши ҳысабыға асосан қишлоқ ҳұжалиги ишлаб чиқаришидан бўшатиласттан ҳодимлар сони тез қўпаймоқда.

Ишчи күчига бўлган талабни оширишни рағбатлантириш усулларини тадқиқ этиш меҳнат ресурсларининг оқылона баңдышгини таъминлашга ҳамда мазкур ҳудуд учун самаралы тармоқларни ривожлантиришга қаратилгандир. Маҳсулотларни қайта ишлаш, сақлаш ва ҳарид қилиш ҳамда сервис хизмати қўрсатиш ва шахсий меҳнат фаолияти бўйигча иш жойларини яратиши, ишлаб чиқариш кучлари ва баңдликнинг ноанъанавий шаклларини ривожлантириш, аграр сектордаги ишдан вақтинча бўшатиласттан шахслар учун мавжуд корхоналарни кенгайтириши ва қайта таъмирлаш ҳамда янги иш жойларини яратиши мақсадида тўғридан-тўғри инвестициятар - сармоялар ҳажменини қўпайтиришни рағбатлантириш мазкур услугни кўпланишнинг асосий йўналштирилди.

Ишчи кучларига талабни оширишни меҳнат ресурсларини қайта тақсимлашдан манфаатдор иқтисодиёт тармоқларида иш жойларини яратиши ҳамда мавжудларини қайта таъмирлаш ва янги, замонавий касбларни эгаллашга сармояларни тўғридан-тўғри жалб қылиш орқали тартибга солиш мумкин. Дотациялар, субсидиялар ва кредитларни агросаноат мажмуси корхоналарини, айниқса, қайта ишлаш корхоналарини қуриш, техник жиҳатдан қайта қуроллантириш ва реконструкциялашга, шахсий меҳнат фаолиятини ривожлантириш йўли билан хизмат қўрсатиш соҳасини кенгайтиришга, шунингдек, қўп болали аёллар, меҳнатта лаёқатли пенсионерлар, ногиронлар, ўсмирлар ва ҳоказоларга мос иш жойларини вужудга келтиришга йуналтириш мақсадга мувофиқдир. Шу тариқа ортиқча меҳнат ресурсларини юқорида айтиб ўтилган тармоқларга ва айрим махсус иш жойларига жалб этиш, айни пайтда ишчи кучларининг касбий ва малака таркибига бевосита таъсир ўтказиш мумкин.

Мувакқат иш жойларини яратиши ва мулкчиликнинг турти шаклларини ривожлантиришни рағбатлантириш – аҳоли

бандлигиниң оширишнинг энг мұхим іїүналишларыдан бири. У корхоналарнинг иккисінде манфаатдорлигини ошириш, бюджет тұловлари ва ходимларнинг вактінча ва қысман бандлиги үчун ижтимоий сұғурта бадалларини камаітириш, уларни ишга қабул қылыш жараёснини снгиллатиши, бандликнинг ноанаънавиј шаклларини ташкил этиши билан bogliq сарф-харажаттарни тұлаш каби чора-табдирлар ёрдамнда амалға оширилады.

Ишчи күчларига тәклифні камаітириш усули. Ишчи күчтариға бұлған тәклифні камаітиришга, шуннингдес, уларнинг меңнат бозорига оқыб кетишпен қысқартыриш ва бөшқа жойға кетишпен рағбатлантириш ҳамда иш вакти ва мавжуд иш жойларини иккимен ошылаб чықарып да банд бұлғанлар ўртасыда қайта тақсимлаши орқали самаралы таъсир этиши мүмкін. Республикамизда «Қадрлар тайёрлаш миilli дастури» асосыда умумтағым дастурларини конграғайтириш ва ўқиши муддатини үзайтириш билан касбий тайёрларлықні яхшилаш, ўқув юргларыда күндүзги таълим олинадиган ўкув ўринларини күпайтириш ва кески ҳамда спртқи ўқындағы талаба ўринларини қысқартыриш, ишлаб чықарып да ажralған ҳолда ўқытстандарга стипендиялар миқдорини ошириш, аёлларға бола парвариши учун тұланадиган нағақалар ва берілдігандын тағында муддатини күпайтириш, меңнат стажини хисоблашда уларға имтиёз беріш; пенсиянерлар, ногиёнлар ҳамда уларни парваришилайдиган шахсларнинг пенсияларини ошириш меңнат бозорида ишчи күчларининг оқыб кетишпен камаітириш чора-табдирлари хисобланады.

Иш билан бандлар орасыда иш вакти ва иш жойлары ишчи күчларига бұлған тәклифні камаітириш мақсадларыда қайта тақсимланады. Меңнат ресурслари иш билан бандлигининг хусусий ва вактінчалик шаклларига ўтишларини рағбатлантиришига уларға ҳам иш билан тұла банд қылған шахсларға мүлжалланған ижтимоий таъминотнинг ўша тұрларини, таътиллар ва бөшқа ижтимоий қағолатларнинг миқдорларини ўрнатиши, қағолатланған энг кам миқдордаги иш хаки билан таъминлаши, хар йили берілдігандын таътилларни ўз вактіда беріш, иш күни ва иш ҳафтасын давомийлігіннің қысқартыриш орқали әришиш мүмкін.

Мамлакатимизнинг меңнат ресурслари етишмайдынған минтақалари (Жиізах, Сірдарә вилоятлари ва Қарақалпогистон Республикасы) да пішчи күчларига талабни камаітириш ҳамда улар тәклифини күпайтириш меңнат бозорини тартибға солишининг мақсадға мувофиқ усулларидір.

Ишчи кучларига талабни камайтириш усули. Мазкур усулга худудий ҳокимиятларнинг у ёки бу минтақаларда, тармоқлар ёки касб-хунарлар бўйича ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштириш ва янги иш жойларини вужудга келтиришни секинлаштиришга оид қўйидаги чора-тадбирлар: ортиқча ишчи кучларидан фойдаланганлик учун кўшимча солиқларни белгилаш; қаттиқ кредит сиёсатини ўтказиш; корхонага ходимни ишга олганлиги учун бир марталик тўловни жорий этиш; ортиқча ишчи ва хизматчиларни қисқартиришни рағбатлантириш ва ҳоказолар киради. Бундан ташқари, ишчи кучларига талабни камайтиришда меҳнат унумдорлигини ошириш ва тежамкорликка эришиш мухим аҳамиятга эгадир.

Ишчи кучлари таклифини кўпайтириш усули. Ҳозирги шарт-шароитларда меҳнат бозорига ишчи кучлари таклифини мутлақ кўпайтириш, умуман, мумкин эмас. Ишчи кучлари таклифини кўпайтиришга саноат ва хизмат кўрсатиш тармоқлари ва шахсий меҳнат фаолияти соҳаларининг ривояки жиддий тўсиқ бўлиши мумкин.

Бундан ташқари, ҳозирги пайтда ишчи кучи таклифи на касб, на малака тузилиши бўйича иктиносидёт тармоқларидаги жонли меҳнатта талабнинг ўсиш суръатига жавоб бермайди. Шу боис ишчи кучи таклифининг сифат кўрсаткичларини ўзгартириш ҳамда уларнинг меҳнат бозоридаги рақобатбардошлигини ошириш лозим. Бунинг учун эса, бандлуккенинг давлат хизмати тизимидағи ва бошқа ўкув юргалирдаги ходимларнинг малакаларини оширишни ташкил этиш, корхоналарнинг ўзидағи маҳсус курсларда касб-корга ўргатишини яхшилаш ва уларга солиқ тўловида имтиёзлар берип маҳаллий кадрлар рақобатбардошлигини оширишнинг мақсадли маҳсус дастурини ишлаб чиқиш керак.

Ишчи кучлари таклифини рағбатлантириш ходимларни ишга ёллаш ва жойлаштиришга ёрдамлашиш усулларини қўлланиш орқали ҳам амалга оширилади. Бу усуллар ташкилӣ тусда бўлиб, бўш иш жойлари ва ишга жойлашиш ҳамда қайта ўқитишга муҳтоҷ фуқароларнинг сони ҳақидаги маълумотлар банкини ташкил этишини, ахолини ишга жойлашиш имкониятлари ҳақидаги ахборотлар билан таъминлашни, ишсизлафни рўйхатга ва ҳисобга олишини, касбга йўналтиришга оид чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва ўтказиш каби йўналишларни қамраб олади.

Меҳнат ресурсларини қайта тақсимлашнинг анча сама-

рали усуллари орасида турмуш даражасини тартибга солишни алоҳида ажратиб кўрсатиши мумкин. Мазкур услублар ҳудудларнинг молиявий ресурслари ҳисобидан ходимларнинг меҳнат за уй-жой шарт-шароитларини ҳамда маданий-маиший хизмат кўрсатиши даражаларини яхшилаш каби тадбирларни ўтказиб, уларни тартибга солиш асосида татбиқ этилади.

Барча ҳудудлар меҳнат бозорларидағи муносабатларни тартибга солишида ишга ёллашда эркин ва ўзаро манфаатли рақобат услубидан фойдаланиш муҳим ижтимоий-иктисодий аҳамиятта эга.

Меҳнат бозорида ишчи кучларини ёллашда эркин ва самарали рақобат – ёлланувчилар билан иш берувчилар ўртасида ишчи кучларига бўлган эркин талаб ва таклиф тамойилари асосида меҳнат-товарга ўзаро манфаатли баҳони ўрнатиши. Бунда ишга ёллаш бозоридаги унинг сифат кўрсаткичлари ва рақобатбардошлиги, маҳаллий ва хорижий меҳнат биржалари томонидан турли гуруҳлар ва касблар бўйича бўш иш жойлари, ишчи кучларининг нархлари ҳақидаги ҳаққоний ахборотнинг берилиши, иш берувчиларнинг ёлланма ишнинг муддатлари ва характеристери юзасидан талаблари ва шартлари, меҳнат шартномалари ни тузиш ва бекор қилишнинг ижобий ҳамда салбий оқибатлари ва ҳоказолар ҳисобга олинади.

Меҳнат бозоридаги эркин рақобатда ишчи кучларигина эмас, балки шахсий ёки жамоавий меҳнат шартномаси асосида фойдали нархда ўзининг «меҳнат қобилияти»ни сотишга муҳтож кадрлар ҳам катнашиши мумкин. Бу ерда меҳнат ресурслари билан иш берувчилар ўртасидаги муносабатларнинг сифат кўрсаткичлари юзасидан эркин рақобат вужудга келади.


3.4. Меҳнат бозорини давлат томонидан тартибга солиш йўналишлари

Ишчи кучи бозори ички регуляторларининг турли-туманлиги ҳамда унинг самарали амал қилиши ижтимоий жиҳатдан аҳамиятта эга эканлиги туфайли меҳнат бозорида уни малакали равишда таритбга солиши талаб этилади. Бандлик соҳасида тартибга солишининг бундай тизимини яратиш Ўзбекистонда ўтказилаётган ислоҳотларнинг асосий ижтимоий вазифаларидан биридир. Бу борада ҳозирда айрим ишлар қилингандигини

айтиб ўтиш керак: меҳнат бозори ва муносабатларининг янги қонуний асослари (бандлик хизматлари) тузилди, ишсизларни рўйхатга олиш йўлга қўйилмоқда. Бугунги кунда жумхурияти-мизда 200дан зиёд меҳнат биржалари (давлат бандлик хизматларн) фаолият кўрсатмоқда. Улардан меҳнат муносабатлари бўйича 2000 дан ортироқ мутахасис аҳолини иш билан таъминлаш ва фаол ижтимоий муҳофаза масалаларини ҳал қилиш билан шуғулланмоқда. Бунда қўпгина ривожланган мамлакатлар (АҚШ, Россия ва ҳ.к.)нинг синаланган тажрибасига ҳам суюнитмоқ. Ўзбекистон ҳукумати имкони бўлган, ҳуқуқий жиҳатдан асосланган барча дастурлар ёрдамида республикада меҳнат бозори сиёсатини олиб бормоқда.

Ҳозирги пайтда меҳнат бозорини давлат томонидан тартибга солишининг тўртта асосий йўналишини ажратиб кўрсатиш мумкин. Биринчидан, бу иқтисодиётнинг нодавлат секторида бандликнинг ўсишини рабbatлантириш ва иш жойлари сонини кўплайтириш дастурлари, иккинчидан, иш кучини тайёрлаш ва қайта тайёрлашга йўналитирилган дастурлар ва учинчидан, ишчи кучини ёллашга кўмақлашиб дастурлари. Улардан ташқари, тўртинчидан, ҳукумат ишсизликни ижтимоий суғурта қилиш борасида ҳам дастурлар ишлаб чиқишга кирпимоқда, яъни ишсизларга нафака бериш учун маблағ жамғармаси тузилди. Шу тарздаги дастурлар доирасида, масалан, АҚШда урушдан кейинги йилларда давлат секторида (ижтимоий хизматлар соҳасида – маориф, тибиий хизмат кўрсатиш, коммунал хўжалик ҳамда ижтимоий бинолар қурилиши ва таъмирлаш-тиклаш ишларида) юз минглаб иш жойлари яратилган эди. 2500 дан кўпроқ мажаллий агентлекларга (меҳнат биржаларига) эга бўлган АҚШ ишга жойлаштириш хизмати ишсизларни рўйхатта олиш билан шуғулланади. Улар бўш иш жойлари топишга ҳаракат қилишади, малакасини аниқлаш мақсадида ишга даъвогарларни тест синовидан ўтказишади ва бошқа шунга алоқадор вазифалар билан шуғулланишади.

Кадрларни тайрлаш ва қайта тайёрлаш масаласига келганда эса, АҚШда унинг асосий бўғини бўлиб олий ва ўрта мактаб, хусусий корпорацияларнинг ўқув курслари ва марказлари ҳисобланади. Қасбга тайёрлашнинг давлат тизими бу сарда анча заиф ривожланган.



3-расм. Меҳнат бозорини тартибга солишнинг мантиқий йўналишлари.

Мантиқан олганда услубий жиҳатдан бу йўналишлар қўйидаги тамойилларга суяниди (3-расмга қаранг):

- давлат бандлик хизматлари воситасида иш билан таъминланмаган аҳолини янги касбларга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш;
- меҳнат муносабатларини ҳукуқий жиҳатдан узлуксиз тартибга солиб боришини йўлга кўйиш;
- ишсиз қолганларни йўналтирилган ижтимоий муҳофаза қилиш.

Тадқиқотлар кўрсатяптики, меҳнат бозорини самарали тартибга солишнинг юқорида санаб ўтилган усуллари орасида ишчи кучларига талабни кўпайтириш ва унинг тақлифини камайтириш усули стакчи ўринни эгаллайди. Чунки, республикамиз худудларининг аксарият қисми меҳнат ресурслари билан ортиқча таъминланган. Буларнинг ҳаммаси аҳолининг оқилона бандлигини шакллантиришга ҳамда ишсизликни йўл қўйиладиган даражагача камайтиришга кўмаклашади.

Қисқача хуросалар

Меҳнат бозоридаги умумий ижтимоий иқтисодий муносабатлар жамоа ва шахсий шартномалар асосида тартибга солинади.

Меҳнат ресурслари билан кўп таъминланган худудларда меҳнат бозори ишчи кучига талабни ошириш ва унинг таклифини камайтириш усуллари асосида тартибга солинади.

Меҳнат ресурслари билан кам таъминланган худудларда эса меҳнат бозори ишчи кучига талабни камайтириш ва унинг таклифини ошириш усуллари асосида тартибга солинади.

Меҳнат бозори давлат томонидан ўtkазалидиган ташкилий, хуқуқий ва ижтимоий чора-тадбирлар асосида тартибга солинади.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Меҳнат бозорини тартибга солишнинг аҳамияти нимада?
2. Жамоа ва шахсий меҳнат шартномаларининг ўрни қандай?
3. Меҳнат ресурслари билан кўп ва кам таъминланган худудларда меҳнат бозори қандай усуслар асосида тартибга солинади?
4. Меҳнат бозорини давлат томонидан тартибга солишнинг асосий йўналишлари нималардан иборат?

Асосий адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси – Т.: «Адодат», 1996.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чукурлацтириш йўлида – Т.: «Ўзбекистон», 1995.
3. Конвенции и рекомендации, принятие Международной конфедерацией труда за 1957-1990гг. – Женева.: Международное бюро труда, 1991.

АҲОЛИНИНГ ИШ БИЛАН ОҚИЛОНА БАНДЛИГИ

4.1. Аҳолининг иш билан оқилона бандлиги ва унга меҳнат бозорининг таъсири

Меҳнатта қобилиятли аҳоли оқилона бандлигининг шаклланиши фақат меҳнат бозорининг самарали ривожланиши ва иқтиодиётнинг барча секторларида таркибий ислоҳотлар ўтказилиши асосида амалга оширилиши мумкин. Булар ортиқча ишчи кучининг оммавий озод бўлиши ва уларни саноат ва хизмат кўрсатиш тармоқларига ва шахсий меҳнат фаолияти соҳаларига ҳамда шаҳар халқ, хўжалигига оқиб ўтиши ходимлар заҳираларининг шаклланиши ва уларни бозор механизмлари асосида сафарбар қилиниши ва қайта тақсимланиши жараёнини белгилаб беради.

Иқтисодий адабиётларда «Оқилона бандлик» тушунчаси ҳақида турли ҳил нуқтаи назарлар мавжуд. Рус иқтисодчи олим А.Б. Наумовнинг фикрича, «Оқилона бандлик» тушунчаси самарали тўлиқ бандлик билан синоним бўлади. Умумий кўринишида тўлиқ бандлик ижтимоий ишлаб чиқариш соҳасида меҳнатта қобилиятли аҳолининг иш жойларига талабини бутунлай қаноатлантирганини билдиради. Агар аҳолининг ишчи жойларига талаби тўла қаноатлантирилса ва ишчи кучидан энг катта самара билан фойдаланилса, унда аҳоли бандлиги оқилона бўлади [1, 41-б.]. Украина иқтисодчиси В.Ф. Онишенко ҳам худди шундай нуқтаи назарни қўллаб-кувватлаб, таъкидлайдики, «Оқилона бандлик тўлиқ ва самарали бандликнинг бирлашмасидир

Оқилона бандлик ўз ичига қўйидагиларни олади: 1) аҳолининг ижтимоий фойдали меҳнатта эҳтиёжини тўлиқ қаноатлантириш; 2) ишлаб чиқариш воситалари ва жонли меҳнатни самарали мувофиқлаштириш; 3) ижтимоий меҳнат унумдорлигининг энг катта имкондаги даражаси ва унинг самарадорлиги; 4) ишлаб чиқариш қучлари ривожланишининг маълум даражасида аҳолининг моддий, ижтимоий ва маънавий эҳтиёжларини имкони борича тўлиқроқ қаноатлантириш» [2, 41-б.].

Меҳнат бозорининг ривожланиш шароитларида бу олимларнинг оқилона бандлик меҳнатта қобилиятли аҳолининг доимий иш жойларига талабини тўлиқ қондиради, деган фикр-

ларига қўшилиш қийин. Мехнат бозори ёпиасига бандликни таъминламайди ва рақобат асосида сони ўзгариб турган «доимий» ишчи жойларини кафолатламайди.

Бизнинг фикримизча, аҳолининг оқилона бандлиги ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасидаги бозор мувозанатига эришишни билдиради. Бундай ҳолда ишсизликнинг йўл қўйилиши мумкин (табиий) даражаси вужудга келади. Бундай мувозанат иш берувчилар ва «мехнат қобилияти» кишиларининг иқтисодий манфаатлари энг муқобил даражада амалга оширилишини таъминлайди. Бунда ишчи кучига касб-малакали тайёргарлиги бўйича мос нархлар белгиланади. Худди шулар туфайли, аҳолининг оқилона бандлиги, ижтимоий такрор ишлаб чиқариш ва ишчи кучининг қиймати асосида «мехнат қилиш қобилияти»ни бозорда сотиш учун таклиф қўлганларнинг турмуш даражаси шаклланиши ҳам таъминланади.

Юқорида таклиф этилган тушунча нуқтаи назаридан қарангда республикамида аҳолининг оқилона бандлиги шаклланишига ҳали тўла эришилгани йўқ. Бунга куйидагилар асосий тўсиқ бўлмоқда: давлат мулкини хусусийлаштириш самарадорлигининг паст даражаси; иқтисодиётда тубдан таркибий ислоҳотлар ва ишловчилар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидан озод бўлишининг сенинлиги; меҳнат ҳақи унинг якуний натижаларидан узилиб қолиши; иш жойларининг паст сифатли моддий-техник жиҳозлар билан таъминланиши; меҳнатта қобилиятли ўсмирлар, кўп болалик аёллар, пенсионерлар ва ногиронлар фаолиятининг етарлича рагбатлантирилмаганлиги; ишчи кучи таклифини унга бўлган талабга нисбатан кўпроқ ўсаётганлиги; бўш иш жойлари ҳақида ишончли ахборотларнинг камлиги ва меҳнат бозорини самарали тартибга солиши механизмининг такомиллашмаганлиги. Улар орасида давлат мулкини хусусийлаштириш ва иқтисодиёт тармоқларини таркибий ислоҳ қилиш стакчи ўрин эгалтайди. Бу жараёнларни амалга ошириш кўпроқ расмий характерга эга бўлиб қолмоқда.

Ваҳоланки, ижара, хиссадорлик, ширкат, хусусий ва қўшма корхоналарни ташкил қилиш аҳолининг оқилона бандлиги шаклланишига ижобий таъсир қилиб, ишчи кучига талабнинг ошишига ва унинг таклифи камайишига олиб келиши мумкин.

Аммо республикамизнинг айрим жойларида ишчи кучига талабнинг камайиши ва унинг таклифи ошиши кузатилмоқда. Ноқишлоқ хўжалигида иш жойлари сони старли эмаслиги ва ишловчи-

ларнинг касбий билимлари настлиги республиканинг барча ҳудудларида мавжуд бўлган ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасидаги номутаносиблик ва ишсизликнинг асосий сабабларидан ҳисобланади.

Масалан, Самарқанд вилоятида ишчи кучига талаб унинг таклифига кўра 2 марта кам ва ишсизлик даражаси республиканинг ўртача кўрсаткичидан 1,8 марта катта (2-жадвал).

2-жадвал
Самарқанд вилоятида меҳнат бозори ва ишсизликнинг ҳолати, %

Кўрсаткичлар	1999 й.	2000 й.	
		1999-2000 йиллардаги ўзгариш	жами
Ишчи кучи таклифи	66,8	+0,4	67,2
Ишчи кучига талаб	33,2	-0,4	32,8
Ишчи кучи таклифининг талабдан олиниб кетини	2,0	+0,1	2,1
Ишсизлик даражаси	4,6	+0,2	5,8

Вужудга келган ҳолат меҳнат ресурслари сонининг иш жойлари миқдоридан ошиб кестиши, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида ишчи кучига эҳтиёжнинг камайиши, саноат меҳнатини кўллаш минтақаларини яратишнинг сскинлашуви ва ишлаб чиқариш ҳамда меҳнатни ташкил қилишнинг илғор усулларидан самарали фойдаланмаслик билан изоҳданади.

Авалламбор, техник воситалардан самараасиз фойдаланиш ва ишлаб чиқариш ҳамда меҳнатни ташкил қилишда илғор усулларни скинлик билан татбиқ этиш сабабли қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида меъёрдан юқори жонли меҳнат сарфланмоқда ва ходимларнинг мазкур тармоқдан озод бўлишлари скинлашмоқда. Тадқиқот ишлари кўрсатадики, унинг ҳозирги мавжуд техник жиҳозланиш даражасида ҳам камроқ сонли ходимлар билан юқори самарадорликка эришиш мумкин. Ишчи кучининг ортиқча қисмидан ижтимоий ишлаб чиқаришининг унга талаб бўлган тармоқларида фойдаланиш мақсаддага мувофиқ ҳисобланади.

Меҳнат хақи унинг якуний натижаларидан узилиб қолиши ва ишловчиларнинг касбий билимлари ва иш жойларининг унумли техника билан таъминланиш даражаси настлиги нафакат АСК корхоналари ишлаб чиқариш қувватларидан самара-

сиз фойдаланишга, балки ички ва ташқи бозорларнинг талабларида тўлиқ мос келмайдиган паст сифатли товарларни ишлаб чиқаришга ҳам олиб келади. Натижада кўпгина қишлоқ меҳнаткашларининг меҳнати ижтимоий тан олинмайди (амалда меҳнат ҳақи орқали тан олинган бўлса ҳам) ва халқ ҳўжалиги нуқтаи назаридан уларнинг бандлиги иштисодий мазмунга эга бўлмайди. Меҳнат натижаси ижтимоий тан олинган бандликни оқилона деб ҳисоблаш мумкин.

Меҳнатга қобилияти пенсионерлар, ногиронлар, ўқувчилар, кўп болали аёллар ва аҳолининг бошқа категория (тоифа)лари бандлигини моддий рафбатлантириш бўйича мавжуд имкониятлардан старли даражада фойдаланилмайди. Қвоталаштирилган янги иш жойларини яратиш ва хусусий тадбиркорларни ривожлантириш уларнинг бандлиги ва меҳнат ҳақларини анча оширади.

Вакант (бўш) лавозимлар ва иш жойлари мавжудлиги ҳақидаги ишончли ахборотларнинг камлиги иш билан банд бўлмаган аҳолини ишга жойлаштиришни қийинлаштиради. Статистика идоралари фақат саноат корхоналари ва хизмат кўрсатиш обьектларидағи иш жойларининг микдори ва тузилиши бўйича ахборотлар тўплаш ва уларни таҳдил қилиш билан шуғулланади. Аммо синалган методика йўқлиги туфайли қишлоқ ҳўжалигига иш жойларининг сони ҳақидаги ахборотларни йиғиши амалга оширилмайди.

Буларнинг барчаси ва меҳнат бозорида муносабатларни тартибга солишнинг самарали механизми мавжуд эмаслиги аҳолининг оқилона бандлиги шаклланишига салбий таъсири кўрсатади. Мавжуд механизм эса оқилона бандлик шаклланишининг асосий шарт-шароитларини тўлиқ ҳисобга олмайди. Такомиллаштирилган янги механизм эса қуидаги асосий шарт-шароитларнинг таъсирини тартибга солиши лозим: ишчи кучига талабнинг ошиши ва унга таклифнинг камайиши; ёлланма ишчи кучига меҳнат ҳақи (нарх) энг паст микдорини аҳоли жон бошига тўғри келадиган минимал истесъмол бюджетидан кам бўлмаган ҳолда белгилаш; меҳнатга қобилияти ўсмирлар, пенсионерлар, кўп болали аёллар ва ногиронлар бандлигини оширишини рафбатлантириш; ишсизларнинг малакаси, рақобатбардошлиги ва сафарбарлигини ошириши; бандлик хизмати инфратузилмасининг самарали ривожланишини таъминлаш ва бошқалар.

Аҳоли оқилона бандлиги шаклланишининг муҳим шарт-

шароитлари — машғулотлар тури, иш ва яшаш жойини эркин танлаш, аҳоли сафарбарлигининг турли маъмурий чекланишларини (прописка, виза, асоссиз ишдан бўшатишни ман қилиши ва ушлаб қолишлар) б скор қилиши, меҳнат ҳақидаги қонунларга қатъий риоя қилган ҳолда ишга жойлашиш кафолатини беришдан иборат бўлади. Мажбурий меҳнат қилишдан воз кеших ҳар бир шахснинг ижтимоий ишлаб чиқаришда ишлаш ёки ишламасликни ҳақиқий танлашини билдиради. Бунда меҳнат қилишнинг ҳуқуқий амалга оширилиши, шубҳасиз, ходимларни меҳнат бозорида ёлланишнинг энг яхши шароитлари учун мусобақалашувларини кўзда тутади.

Аммо бунда ходимларни фақат расмий озод қилишнинг ўзигина старли эмас. Ёлланма меҳнат учун иқтисодий шароитлар ва ижтимоий кафолат зарур. Улар орасида келажакда энг кам иш ҳақини аҳоли жон бошига кун кечириш учун зарур бўлган энг кам миқдоргача қонун асосида ошириш ва меҳнат даромадларини чеклашни б скор қилиш асоёй ҳисобланади. Ушандагина ходим иқтисодий фаол бўлади.

Иқтисодий нуқтаи назардан оқилюна бандлик ишчи кучидан шундай фойдаланишни акс эттирадики, у ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ва меҳнат унумдорлигининг ўсишини таъминлайди ва мулкчиликнинг турли шакслари, меҳнат ва ишлаб чиқаришни ташкил қилишининг самарали устубларини қўлланиш соҳалари кенгайишига кўмаклашади. Бу ортиқча ишчи кучининг озод бўлишига олиб келадики, у ёлланган ишловчиларни қайтадан тақсимлаш ва меҳнат миграцияси кенгайиши жараёнининг кучайишига ёрдам беради. Шу билан бирга шундай вазият юзага келадики, унда ишлаб чиқаришдан озод бўлган ишловчилардан бир қисмининг меҳнатта ва даромадларга ўз ҳуқуқини амалга ошириш шароити ёмонлашади. Бундай ҳолда ишсиалик пайдо бўлади.

Меҳнатта қобилиятли аҳолининг оқилюна бандлигини шакллантиришнинг асосий демографик манбаларидан бири унинг иқтисодий фаол қисми кенгайишидан иборат. Аҳолининг иқтисодий фаол қисми мулкчиликнинг турли хил ташкилий-ҳуқуқий ва иқтисодий шаклларига эга корхоналарда иш билан банд бўлган ёлланма ходимларни, мустақил шахслар ва тадбиркорларни, иш қидираётган (шу жумладан, ишсиз) меҳнатта қобилиятли, банд бўлмаган аҳолини қамраб олади. Буларнинг барчаси меҳнат салоҳиятини ташкил қиласди. У меҳнатта қобили-

ятли аҳолининг иқтисодий фаол бўлмаган қисми ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиётганлар, ҳарбий хизматда бўлганлар ва субъектив-объектив сабабларга кўра иш билан банд бўлмаганлар ҳисобига янгиланади ва тўлдирилади. Микдорий янгиланиш характеристирик иқтисодий фаол аҳолининг қонгайтирилган, оддий ёки торайтирилган тақорор ишлаб чиқарилиши унинг таркибидан чиққан шахслар (пенсияга чиқиши, меҳнат қобилиятини йўқотиш ва бошқа сабаблар бўйича) сонини (V_b) ва меҳнат бозорини тўлдирадиган шахслар (ўқув юртларни битирувчилар, ҳарбий ёки мажбурий хизматдан қайтганлар, олдин банд бўлмай, ҳозир меҳнат қилишни хоҳловчи шахслар ва бошқалар) сони (Π_b) ўртасидаги айирмани иқтисодий фаол аҳоли сонига ($A_{\text{ннр}} b$) нисбати билан белгиланади.

Иқтисодий фаол аҳолининг микдорий янгиланиши коэффициенти ($K_{\text{ннр}} b$) куйидаги тартибда аниқланди:

$$K_{\text{ннр}} b = (\Pi_b - V_b) / A_{\text{ннр}} b \times 100\%, \quad (1)$$

Бу ерда: $A_{\text{ннр}} b$ – иқтисодий фаол аҳоли b -категориясининг умумий сони.

Шундай қилиб, иқтисодий фаол аҳолининг бандлиги унинг ўзаро боғлиқ иқтисодий ва ижтимоий-демографик жараёнлар бирлигидаги характеристини акс эттиради.

Сўнгги пайтларгача оқилона бўлмаган бандликнинг асосий сабабларидан бири иш жойлари ва меҳнат ресурслари ўртасидаги номутаносибликтининг мавжудлиги ҳисобланар эди. Аммо ҳозирги вақтда бу муаммонинг бошқа жиҳати ишчи кучига талабни унинг тақлифига мос келмаслиги муҳим, чунки ҳозирги худудий сафарбарлик, прописка билан тўхтатиб турилган, уйжой бозори яхши ривожланган, худудлар бўйича турмуш даражаси табақалаштирилган вазиятда таркибий мос келмасликлар бошқа муаммолар вужудга келишига олиб келиши мумкин.

Шундай қилиб, бозор муносабатларининг вужудга келиши ва ишсизлик факти унинг барча кўринишларида тан олиниши ишчи кучига талаб ва тақлиф ўртасидаги тенгсизликни камайтириш бўйигча масала ҳал қилинишини кўзда тутади. Аммо бунда шунга эришилиши керакки, меҳнат ҳар бир иш жойида иқтисодий мақсадга мувофиқ бўлсин, яъни аҳоли бандлигининг оқилона тузилишини таъминласин.

Ҳозирги вақтда меҳнатга лаёқатли аҳоли бандлигининг вужудга келган тармоқлардаги тузилиши иқтисодиёт тармоқлари ишлаб чиқариш тузилишининг акс эттирилиши бўлиб, у иқтисодий мақсадга мувофиқлик нуқтаи назаридан оқилона эмас, деб таърифланади.

Тадқиқотлар кўрсатадики, бозор иқтисодиёти ривожланган хорижий мамлакатларда аҳолининг иш билан бандлиги авваломбор қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва сотишга йўналтирилган. Ўзбекистонда эса тескари манзара кузатилади: 67%дан ортиқ аҳоли қишлоқ хўжалик маҳсулотларини стиштириш ва хом ашे сифатида қайта ишлаш саноатига тайёрлаш билан шуғулланади (3-жадвалга қаранг). Худди шундай вазият собиқ иттифоқ давлатларида ҳам хукмон. Масалан, Украинада қишлоқ хўжалигида банд бўлганлар 73 %ни, қайта ишлаш саноатида 10%ни, савдо ва умумий овқатланишида - 7%ни ташкил қиласиди [3, 41-б.]. Меҳнат ресурсларининг ишлаб чиқариш томонига бундай мутаносиблиги кейинчалик маҳсулотни истеъмолчи томонига қараб ҳаракат қилишида ишчи кучининг элементар стишмаслиги оқибатида узилишларга олиб келади.

3-жадвал

Ўзбекистон Республикаси ва бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар АСҚида аҳоли бандлигининг тузилиши

Аҳолининг иш билан банд АСҚ тармоқлари	Ўзбекистон Республикаси	Германия	Буюк Британия	АҚШ
Қишлоқ хўжалигида	67,2	6,3	2,4	3,0
Қайта ишлаш саноатида	12,2	41,5	30,2	27,4
Ишлаб чиқариш ижтимоий инфратузилмасида	20,6	54,2	67,4	69,6

Меҳнат бозори ривожланаётган шароитларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидаги иш жойлари қисқартирилиши натижасида ходимларнинг тез озод бўлиши оддий ҳол бўлади. Бу муаммони тўғри ҳал қилишининг муҳим йўналишларини Президент И.А. Каримов қўйидагича изоҳлайди: «Ҳозир барча ижтимоий ишлаб чиқариш ходимларининг учдан бир қисмидан кўпроғи қишлоқ хўжалигида банд. Уларни бўшатиб олиш ва иқтисодиётнинг бошқа соҳаларига, энг аввало, саноатга ва хизмат кўрсатиш соҳасига йўналтириш иқтисодиётида таркибий

ўзгаришлар қилиш ҳамда уни жадал ривожлантириш учун кенг имкониятлар очиб беради».

АСК-нинг барча соҳаларини узвийлаштириш ва тақомиллаштириш, унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ишлабчиқариш-ижтимоий инфратузилмасининг юксалиши бандликни меҳнатнинг қишлоқ хўжалиги бўлмаган турлари бўйича ўсишига кўмаклашади. Аҳоли бандлигининг тарқибий ўзгаришларидағи кўрсатилган тенденциялар меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш омили сифатида ходимларнинг қишлоқ хўжалиги тармоқларидан саноат меҳнати жабҳаларига кўчиб ўтишига олиб келади. Аҳолининг тармоқлараро бандлигидаги ўзгаришлар худудлар меҳнат билан турлича таъминланишига олиб келса ҳам, ҳамма жойда ижтимоий меҳнатни қайта тақсимлашга эришиш зарур. Чунки, уни тўхтатиб туриш келажакда меҳнатни кўллашнинг янгидан ривожланастган тармоқларини ходимлар билан таъминлашга жиҳдий тўсиқ бўлиши ва ижтимоий меҳнат самародорлигининг пасайишига катта таъсир этиши мумкин. Ушбу жараённи амалга ошириш учун ходимларни ўқитиши ва қайта тайёрлаш, қишлоқ аҳолисининг касб эгаллашдаги самарали тизимини ташкил қилишга алоҳида аҳамият бериш керак.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидан озод бўлган ходимлар малакаси даражасини саноат меҳнатининг замонавий талабларига тўлиқ мослаштиришдек мураккаб ижтимоий муаммони шошилинч ечиш керак. Бунинг учун эса “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” да қабул қилинган чора-тадбирларни тез ва самарали амалга ошириш лозим.

Қишлоқ хўжалигидан озод бўлган паст малакали ходимлар орасида меҳнатта лаёқатли аёллар катта салмоқни (65%) ташкил қиласди. Бозор иқтисодиётiga ўтиш даврида аёллар бандлиги муаммоси янада кескинлашади, иқтисодий ислоҳотлар аёл ишчи кучининг марганизациялашишига олиб келади. Камроқ малакали аёл ишчи кучи меҳнат бозорида тенг рақобат қила олмайди. Сир эмаски, аёллар ишдан бўшатиш учун биринчи номзодлардир. 1995-2000 йиллар давомида иш жойларини йўқотганларнинг 65%ини аёллар ташкил қиласди. Шундай вазият вужудга келмоқдаки, унда аёл биринчи ишдан бўшатилувчилар сафида, аммо бўш жойга эса биринчи номзод эмас.

Бозор муносабатларига ўтища аёл ишсилизгининг ўсиши кўлгина сабаблар билан изоҳланади, аммо улардан энг муҳимла-

ри, биринчидан, аёл меҳнатини қўллаш учун иш жойларининг стишмаслиги; иккинчидан, қишлоқ хўжалиги ишларида қўл меҳнати салмоғининг юқорилиги; учинчидан, уларнинг малакаси даражаси ва сафарбарлигининг пастлиги. Шунинг учун меҳнат бозорида аёл ишчи кучига талаб эркакларга қараганда анча кам.

Аёлларнинг иш билан бандлик даражасини оширишга йўналтирилган комплекс тадбирларни ўтказиш лозим. У кўп болали аёллар ва ёш қизлар учун янги иш жойларини яратиш, аёлларни болага қарашиб давридан кийин касбий мослаштириш ва ишлаб чиқаришга қайтариш, боласи бор аёллар малакасини ошириш учун маҳсус курслар ташкил қилиш, аёлнинг иш шароитини яхшилаш учун сармоялар жалб қилишни рафбатлантириш қаби тадбирларни қамраб олиши керак.

4.2. Аҳолининг оқилона бандлигини таъминлаш мезонлари ва кўрсаткичлари

Оқилона бандлик шаклланишининг барча демографик, ижтимоий, иқтисодий ва бошқа жиҳатлари қўйидаги мезонларда ўз аксини топади: ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасида бозор мувозанатига эришиш; иш жойларини кўпайтириш; иқтисодий фаол аҳолининг меҳнатда иштироқини ошириш; меҳнат унумдорлигининг ўсишини таъминлаш; аҳолининг меҳнат даромадларини кўпайтириш; ишсизликни камайтириш ва бошқалар.

Мазкур мезонлар қўйидаги кўрсаткичлар ёрдамида аниқларади: мавжуд ва янги яратилган иш жойларининг сони; бажарилган иш вактининг миқдори; аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилган ЯИМнинг ҳажми; маҳаллий ва жалб этилган меҳнат ресурсларининг сони; аҳолининг миграцион оқими; меҳнатнинг фонд ва энергия билан қуролланиши; ижтимоий инфратузилма хизматрининг миқдори; қишлоқ хўжалиги ҳар бир ходимини ср юкламаси; ўртача йиллик иш ҳақи; аҳолининг уй-жой билан таъминланиши; меҳнат ресурсларининг малака ва маълумот даражаси; асосий фонdlардан фойдаланишининг сменалик коэффициенти; ижтимоий ишлаб чиқарища банд бўлмаган шахслар ва ишсизлар сони ҳамда уларнинг нафақа миқдори; меҳнатнинг умумий натижаларидан ва ижтимоий инфратузилма хизматларидан қаноатлашиш даражаси; мулкчиликнинг турли хил шакллари ва меҳнатни ташкил қилишнинг самараదорлиги ва ҳ.к.лар.

Юқорида қайд этилган мезонлар ва уларнинг кўрсаткигчалидан меҳнатга лаёқатли аҳолининг оқилона бандлигини шактлантиришни тартибга солиш механизмларини, тегишили мақсадли комплекс дастурини ва эконометрик моделларни хамда комплексе таҳдили ва истиқболини босгилашнинг методологик асосларини яратишида ва уларни татбиқ этишида фойдаланиш мумкин.

4.3. Аҳолини иш билан таъминлашни тартибга солиш

Иқтисодий сиёсатнинг таркибий қисми бўлган бозорни бошвариши (тартибга солиши) сиёссати уч асосий мақсадга эришишини назарда тутади:

- таркибий қайта қуришни рафбатлантириш ва бўшаб қолган ходимларни қайта тақсимлаш жараёнини жадаллаштириши; ишсиизларни меҳнат жараёнига тезлик билан жалб қилиш;
 - иш қидирастланларнинг ҳар бирини иш билан таъмин этиши.
- Давлатнинг аҳолини иш билан таъминлаш сиёсатининг чора-тадбирлари қўйидаги соҳалар бўйича табақалаштирилган:
- таъсир кўрсатиш обьекти бўйигча (умумий ва ихтисослашган чора-тадбирлар);
 - маблағ билан таъминлаш бўйича.

Аҳолини иш билан таъминлаш ва унга таъсир кўрсатиш усуулларига қўйидагиларни киритиш мумкин:

- бизосита (маъмурӣ) усууллар: қонун йўли билан тартибга солиши;
- меҳнат қонунчилиги, жамоа шартномалари;
- бевосита (иқтисодий) усууллар: молиявий, монстар, фискал (хазина) сиёссати.

Аҳолини иш билан таъминлашга давлатнинг таъсир кўрсатиш усууллари:

- пассив таъсир кўрсатиш – иш билан банд бўлмаган аҳолига ижтимоий ёрдам;
- фраол таъсир кўрсатиш – меҳнат таклифини рафбатлантириш, меҳнатга бўлган талабни рафбатлантириш, талаб ва таклифни мувофиқлаштириш чора-тадбирлари (ахборот, маслаҳат хизмати кўрсатиш, касбий соҳада маслаҳатлар бериш, аҳолининг камроқ рақобатбардош гурухлари учун бандлик дастурларини ишлаб чиқиши ва ҳоказолар).

Давлат бандлик сиёсати доирасида месхнат бозорини тартибга солишда бандликка кўмаклашиш жамғармаларининг аҳамиятини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Бандликка кўмаклашиш жамғармаси харажатларини шартли равишда қўйидаги йўналишлар бўйича қисмларга ажратиш мумкин:

ишилизлик бўйича нафақага сарфланадиган маблағлар, ишилизларга моддий ёрдам қўрсатиш, узоқ муддатли пенсиялар тўлаш (Буларни пассив сиёсат деб аташ қабул қилинган);

қайта тайёрлаш ва жамоат ишларига сарфланадиган маблағлар. Фаол сиёсатнинг мазкур шакли амалдаги қонунчиликдан келиб чиқади, яъни бандлик соҳасидаги давлат хизмати учун мажбурий ҳисобланади.

молиявий қўллаб-қувватлашга, қимматли қофозлар сотиб олиш ва бошқа харажатларга мўлжалланган маблағлар. Айтиб ўтилган бу шаклларни бирлаштириб турадиган томон шуки, улар қонун билан кафолатланмаган. Шу билан бирга «молиявий қўллаб қувватлаш» моддасига доир харажатларни месхнат бозоридаги фаол сиёсат шаклларига киритиш қабул қилинган;

бандлик хизматларини ривожлантириш учун мўлжалланган маблағлар (уларни таъминлаш, капитал маблағлар, реклама, «Бандлик» ахборот хизмати).

Давлатнинг бандликка кўмаклашиш жамғармаси қўйидаги тўловларни амалга оширади:

ишилизлик бўйича нафақа тўлаш;

бандлик хизмати йўлланмаси билан кўнгилти равишида бошқа жойларга кўчиб борувчининг йўл чиқимларига боғлиқ моддий харажатларини қоплаш;

вақтинча меҳнатга лаёқатлизик даври учун ҳақ тўлаш;

бандлик хизмати томонидан касбий тайёргарлик, қайта тайёрлаш, малака ошириш учун стипендиялар.

Ишилизларга узоқ муддатли пенсиялар тайинлаш муносабати билан Пенсия жамғармаси харажатлари бандликка кўмаклашиш жамғармасидан қопланади. Аҳолининг бандликка кўмаклашиш жамғармасига бадаллар тўлаши учун сугурта тарифи меҳнат ҳақига тўлашга мўлжалланган маблағларнинг 1,5%ини ташкил этади. Бадаллар тўлашдан ногиронларнинг жамоат ташкилотлари, ногиронлар ва пенсионарларнинг жамоат ташкилотлари, уларга тегишли бўлган корхоналар, шунингдес, диний бирлашмалар озод қилинади. Ҳозирги вақтда

Ўзбекистонда меҳнат бозорини бошқаришда бир қатор йўналишлар мавжуд бўлиб, улар аҳоли бандлиги давлат хизматига тааллуқлидир. Бу хизматнинг асосий вазифаси меҳнат бозори ҳақидаги ахборотни тарқатиш ҳисобига меҳнат бозорининг фаолият кўрсатиши самарадорлигини оширишдан иборат.

Ўзбекистонда давлат бандлик хизмати 1991 йилда ташкил этилган эди. Республика аҳоли бандлик хизмати ишининг асосий тамоилилари ҳалқаро амалиётта мувофиқ келади. Ҳозирги вақтда Ўзбекистон аҳоли бандлиги хизмати мунтақаларда (вилоятлар, шаҳар ва туманларда) ишлаб турибди.

Аҳолининг бандлигига қўмаклашиш билан боғлиқ хизматлар бандлик хизмати органлари томонидан босул кўрсатилади. Бозор муносабатларининг ривожланиши бандликнинг нодавлат хусусий ҳарактердаги тузилмалари ҳам ташкил этилишига имкон бермоқда. Булар ходимни танлаш бўйича тижорат агентликлари, ўкув юртлари хузуридаги муассасалар, диний идоралар хузуридаги ва ҳоказо муассасалардир. Меҳнат биржалари ҳам ишлаб турибди. Тажрибаларнинг кўсатишигча, меҳнат биржалари меҳнат бозорининг тўла маънода тартибга солувчи таъсирчан воситаси бўлиб қолиши мумкин.

Меҳнат биржалари меҳнат бозори ҳақидаги, унинг аҳволи ва истиғболи тўғрисидаги ахборотларни тўплайди. Бозор тузилмаси спфатидаги меҳнат биржаси хилма-хил вазифаларни бажаради.

Аҳоли бандлигини нодавлат даражасида ташкил этиш соҳасидаги тижорат тузилмаларининг бошқа шакллари ҳам мавжуд.

Қисқача хуросалар

Аҳолининг оқилона бандлиги ишчи кучига талаб ва унинг таклифи ўртасидаги мувозанатга эришишни билдиради.

Аҳолининг иш билан оқилона бандлигига ишчи кучи талаб ва таклифи ўртасидаги бозор мувозанатига эришилган, мулкчиликнинг турли шакллари ривожланган, иқтисодиётда таркибий ўзгаришлар юзага келган, яшаш ва меҳнат қилиш жойлари эркин танланган, маҳаллий кадрлар сафарбарлигининг ҳар қандай маъмурий чекланишлари бекор қилинган, меҳнат хақидаги қонунларга мувоғиқ ишга жойлашиши кафолатлари мавжуд бўлган, энг кам иш ҳақи даражасини минимал истесмоят бюджетигача оширишга муваффақ бўлинган ва меҳнат даромадларидан солиқлар астасекин қисқартирилган шароитлардагина эришиш мумкин.

Аҳолининг иш билан таъминланиши давлат томонидан турли иқтисодий, ижтимоий, ташкилий ва хукукий тадбирларни амалга ошириш асосида тартибга солинади.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Аҳолининг иш билан оқилона бандлиги нимани англатади?
2. Аҳолининг оқилона бандлиги билан меҳнат бозори ўртасида қандай алоқадорлик бор?
3. Оқилона бандликка эришиш учун қандай тадбирларни амалга ошириш даркор?
4. Қандай мезонлар ва кўрсаткичлар асосида аҳолининг иш билан оқилона бандлиги ҳолатини ифодалаш мумкин?
5. Аҳолини иш билан таъминлашга давлатнинг қандай таъсир кўрсатиш усуллари мавжуд?

Асосий адабиётлар

1. Наумов А.Б. Некоторые проблемы формирования рациональной занятности населения // Механизм обеспечения рациональной занятности и совершенствования распределительных отношений. – М.: ИЭ и П НТП, 1992, с.10-20.
2. Онищенко В.Ф. Рациональная занятность: методология региональных исследований – Киев: Наукова Думка, 1989.
3. Холмүминов Ш.Р. Қишлоқ аҳолисининг оқилона бандлиги – «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги» журнали, 1993, №3.

V боб

ИШСИЗЛИК: МАЗМУНИ, МЕЗОНЛАРИ ВА КҮРСАТКИЧЛАРИ

5.1. Ишсизликнинг ижтимоий иқтисодий мазмуни

Ишсизлик муаммолари тадқиқисиз меҳнат бозори ва ижтимоий-меҳнат муносабатларини тўла тасаввур этиб бўлмайди. Ишсизлик – бозор иқтисодиётининг ажралмас хусусиятидир.

Ишсизлик муаммосини ўрганишдан асосий мақсад аҳолининг иш билан бандлигини ошириш орқали мамлакат ишлаб чиқаришини кенгайтириш ва аҳоли турмуш даражасини янада яхшилашга алоқадор тадбирлар ишлаб чиқишидан иборат. Жамиятдаги ишсизлик даражасини пасайтириш учун қўшимча иш жойларини яратиш, уларни ишга тушириш аҳолининг табиий ўсишидан орқада қолмаслиги керак.

Маълумки, Ўзбекистон дунё ҳамжамияти давлатлари ўртасида аҳолисинишиг жадал ўсиб бораётганлиги билан ажралиб турди. Республикаиз аҳолиси сони ҳар йылни ўртача 550-600 минг кишига, меҳнатта лайқатли аҳоли сони эса 250-300 минг кишига кўпаймоқда. Бундай вазият ўз навбатида аҳолининг иш билан бандлигини ошириши ва ишсизликни камайтириши борасида узлуксиз тадқиқот олиб боришни тақозо этмоқда. Бунинг учун эса ишлаб чиқаришини кенгайтириш, янги иш жойларини яратиш бўйича чоратадбирлар ишлаб чиқиши зарур. Акс ҳолда, ишсизлар сонининг ортиб бориши аҳоли турмуш даражасининг пасайишига олиб келади. Шу нуқтаи назардан авваламбор, «ишсизлик» тушунчаси ва унинг мазмунини чукурроқ ўрганмоғимиз лозим.

Одатда, жаҳон мамлакатлари «ишсизлик» тушунчасини БМТ, Халқаро Меҳнат Ташкилоти (ХМТ), Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиши жамияти талабларига кўра ишлаб чиқишиди. Халқаро меҳнат ташкилотининг 13-конвенцияси таърифига биноан «ишсиз шахслар» деганда, иш жойларига эга бўлмаган, ишлашга тайёр ва иш излаётган фуқаролар тушунилади. Мана шу асосий шартларга риоя қилган ҳолда, турли мамлакатларда фуқарони ишсиз шахс деб эътироф этиши учун қўшимча шартлар талаб қилинади.

Масачан, Америка Қўшма Штатларида сўнгти бир ҳафта мобайнинда иш билан банд бўлмаган, сўнгти тўрт ҳафта давомида ишга жойлашишга (бевосита иш берувчига ёки иш билан

таъминлаш давлат хизматига мурожаат этиш орқали) ҳаракат қилган, меҳнат қилиш қобилиятига эга бўлган фуқаролар ишсиз шахс деб, эътироф этиладилар.

Японияда ишсиз шахс деб, сўнгти бир ҳафта давомида бир соат ҳам ишламаган, Буюк Британияда эса, сўнгги бир ҳафта мобайнида ишламаган, шу давр мобайнида иш қидирган ёки касаллиги туфайли иш қидириш имкониятига эга бўлмаган фуқаролар тушинилади.

Айрим малакатларнинг қонун ҳужжатларига биноан ишсиз деб, ишдан бўшатилган ва меҳнат стажига эга бўлганлар тушунилади.

Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иши билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонунига биноан «... ишсиз шахс деб, меҳнатта қобилиятли (ўн олти ёщдан бошлаб то пенсия билан таъминлаш хукуқини олгунга қадар), ишга ва иш ҳақига (меҳнат даромадига) эга бўлмаган, иш қидирувчи шахс сифатида маҳаллий меҳнат органида рўйхатга олинган, меҳнат қилишга, касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлашдан ўтишга, малакасини оширишга тайёр меҳнатта қобилиятли шахслар этироф этилади».

Ишсиз шахс деб эътироф этиш учун қўйидаги тўртта шарт мавжуд бўлиши лозим.

Биринчи шарт – фуқаро меҳнатта қобилиятли бўлиши ва амалдаги қонун ҳужжатларига биноан пенсия таъминоти хукуқига эга бўлмаслиги керак. Хукукий жиҳатдан меҳнат қилиш қобилиятининг қўйи даражаси, «Меҳнат кодекси»нинг 77-моддасига мувофиқ 16 ёш деб белгиланган.

Иккинчи шарт – фуқаро ишга ва иш ҳақига (меҳнат даромадига) эга бўлмаслиги лозим.

Учинчи шарт – фуқаро ишлашга тайёр бўлиши лозим. Фуқаронинг ишлашга тайёр эканлигини, унинг маҳаллий меҳнат органига иш қидириб расмий мурожаат қилиши, белгиланган муддатларда меҳнат органида қайтадан рўйхатдан ўтиб туриши ва меҳнат органлари томонидан таклиф қилинган мақбул ишни қабул қилиш ҳолатлари тасдиқлайди.

Тўртинчи шарт – фуқаро барча тегишли ҳужжатларни тақдим қилган ҳолда маҳаллий меҳнат органида иш қидирувчи шахс сифатида рўйхатдан ўтиши лозим.

«Ишсизлик» тушунчасига аниқлик киритиб, шуни таъқидлаш керакки, ишсизлар шундай кишиларки, улар меҳнат бозорида ўз хизматларини фаоллик билан таклиф қўладилар, иш қидирадилар,

бу нарса иш билан бандликнинг иқтисодий муносабатларини тартибга солишда давлат томонидан хисобга олиниши даркор. Баъзан «ишсизлар» тущунчасининг халқ хўжалигида иш билан банд бўлмаган меҳнатта қобилиятли аҳоли сифатида кенг маънода талқин қилиниши мақбул эмас, чунки у фаол иш қўридаётганларни ҳам, иш қидирмаётганларни ҳам, шунингдек, ҳақ тўланадиган иш ўрнини эгаллаш учун дъявогарлик килаётган, лекин унга ўзининг касб-малака жиҳатидан яроқли, соғлиғи, ички уюшқоқлиги билан мос келишига ёрдам бермаётган шахслар ҳам киритилади. ХМТ сандартларига кўра, ишсизлар сирасига муайян ёшга етган, хисобот даври мобайнида ишсиз бўлиб, дарҳол ишга тушишга тайёр бўлиб турган ва фаоллик билан иш қўридаётганлар киритилади. Шундай қилиб, бозор иқтисодиётига ўтгаётган мамлакатларда «ишсиз» деган мақомга эга бўлмоқчи бўлган киши қўйидаги мезонларга мос келиши лозим:

- ишсизлар бандлик хизмати идораларида иш қидирувчи сифатида рўйхатга олинишлари даркор;
- ишсиз деб хисобланиш учун одам фаоллик билан иш қидириши (одатда, бандлик хизматига мурожаат қилишдан бир тўрт ҳафта илгари) керак бўлади;
- ишсизлар мақоми ва ишсизлик бўйича нафақа олиш хуқуқи фақат илгари ишлаган кишиларга берилади;
- ишсизлик ихтиёрӣ равишда бошпанмаслиги лозим;
- ишсиз одам ўзи учун бандлик хизмати «мос келади» деб хисоблаган ишга жойлашиш таклифини рад қиласлиги лозим;
- ишсизлар бошча даромад манбаларига эга бўлмаслиги керак;
- ишсиз одам муайян ойлар мобайнида ишсизлик бўйича нафақа олиб туради, шундан кейин нафақанинг миқдори камайтирилди ёки уни тўлаш мутлақо тўхтатилади.

Ишсизлик даражаси – меҳнат бозорининг ҳозирги пайтдаги аҳволи ҳақида ва унда муайян вақт мобайнида рўй берган ўзгаришлар тўғрисида тасаввур берадиган асосий қўрсаткичdir.

Ишсизлик даражаси (N) даврнинг боши (ёки охири)даги аҳволга кўра, тегишли санада ишсизлик мақомига эга бўлган кишилар сонининг (I) ана шу санадаги иқтисодий фаол аҳоли сонига (Φ) нисбати сифатида аниқланади:

$$I=I/\Phi * 100\%$$

Ишсизлик даражаси кўпчилик мамлакатларда иқтисодиётни ривожлантиришнинг энг мухим ижтимоий омилларидан бири сифатида қаралади.

5.2. Ишсизликнинг сабаблари ва турлари

Иқтисодчи олимлар ўртасида оммавий ишсизликнинг ҳақиқий сабаблари қандайлиги түғрисида турлича қараштар мавжуд.

Маътумки, Ж.М.Кейнс «...ишсизликнинг давоси сифатида иш ҳақини пасайтириши тоғасини катый инкор этиб, ўзига инвестициялар, давлат харажатлари ва соғ экспортдан ташкари истесъмол харажатларини – бунда ҳам сўнгти – умумий талабнинг асосий қисмини ҳам қамраб оладиган умумий талабдан келбіч чиқади».

Фикримизча, Ўзбекистонда ишсизликнинг пайдо бўлиши ва ўсиш тарихи айнан Кейнс қарашларининг тўғрилигини исботлайди. Ишсизлар расмий рўйхатта олингандан бошлаб, ишсизлик даражаси маътум даражада мунтазам ортиб боради, ишга жойлаштириши қанчалик юқори бўлса, ишсизлик даражаси шунчалик паст бўлади.

Иш билан бандликтининг кескин камайиши ўқтисодиётдаги таркиби ўзгаришлар (давлат секторининг камайиши), инфляция ҳамда хўжалик юритишининг муқобил шакллари (хусусий корхоналар, ҳиссадорлик жамиятлари) старлича тез ўсмаганинги туфайли кўптина корхоналарда молиявий аҳвол ёмонлашуви натижасида юзага кела-дн. Буларнинг ҳаммаси, табиийки, умумий талаб ҳажмида салбий акс этади: давлат таъсири қисқаради, инвестиция фаолияти сустлашади, истесъмол харажатлари эса инфляция таъсирида турмуш даражасининг ёмонлашуви туфайли бирмунча камаяді.

Демак, Ўзбекистонда ишсизлик ўсишининг асосий сабаби – энг аввало, ишлаб чиқаришнинг қисқаришидир. Иқтисодий ўсиш динамикаси билан ишсизлик ўртасидаги алоқа узвий боғлиқ кўрсаткичлардир.

Қоидага кўра, гарб иқтисодчилари иқтисодий ўсиш суръатларини аҳоли иш билан бандлигининг ўсиш суръатлари билан, таназзулни эса ишсизлик даражасининг ўсиши билан boglaidilari. Хақиқатдан ҳам, индустрнал турдаги нормал ишлаётган бозир иқтисодиётида иқтисодий ўсиш доимо тармоқларнинг ривожланishi ва кенгайишини, демак, иш билан бандликтининг ортишини англатади. Шундай бўлсада, ривожланаётган мамлакатларда бундай боғлиқлик кўзга очиқ ташланмайди. Масалан, кўпгина ривожланаётган мамлакатларда саноатнинг тез ўсиши иш билан бандликтининг мувофиқ кенгайишини келтириб чиқармади. Иқтисодчилар бу ходисани саноатдаги ўсиш суръатларидан анча юқори бўлган урбанизация суръатлари ҳамда қишлоқдан шаҳарга кўчиб келаётган аҳоли

малакасининг пастлигига деб изоҳлайдилар.

Аҳолининг иш билан бандлик динамикаси, ЯИМ билан ишсизлик ўргасидаги бевосита алоқанинг тасдиқланмаслиги дастлабки қарашда мантиқан зид ҳодисадир. Иккита далил кишини ҳайратга солади: биринчидан, ишсизликни ЯИМнинг ўсишига қиёсан илгариловчи қисқариши; иккинчидан, иш билан бандликнинг камайиши билан бирга ишсизликнинг қисқариши.

Фикримизча, бу ҳодисаларни фақат статистик хатоликлар ва ишсизлик мақомини бериш шартларининг мураккаблашуви билан изоҳлаб бўлмайди. Кўринишидан яхши бўлган иқтисодий ўсиш кўрсаткичларидан иш билан бандликнинг камайишини иккита сабаб билан изоҳлаш мумкин. Биринчидан, яширин ишсизликнинг юкори даражаси сақланганлиги, у ўз потенциалини ҳатто айрим барқарорлик шароитларида ҳам очиқ бозорга чиқариб туради. Иккинчидан, яширин иш билан бандликнинг кўпайиши, у ишчи кучи ва ишсизларнинг созиларли қисмини очиқ меҳнат бозоридан тортиб туради.

Республикамизда ишсизликнинг пайдо бўлиш сабаблари га кўра, қўйидаги асосий турлари кўпроқ учрайди:

- **яширин**, бу асосан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш тармоқлари учун характерлидир ва бу ҳақиқий иш кучини камроқ микдорда талаб килади. Амалда ишсизликнинг яширин шакли фақат иқтисодий эмас, шу билан бирга сиёсий хусусиятга ҳам эгадир. Яширин ишсизлик ишлаб чиқаришнинг чуқур таназзули шароитида корхоналарда ортиқча бандликнинг сақланиб қолганлигидан далолат беради;

- **мавсумий**, маътум бир мавсумда иш билан бандликни таъминловчи, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уларни қайта ишлаш ва тайёрлаш муддати билан асосланган. Уни нормал ишсизлик жумласига киритиш мумкин. Мавсумий ишсизликнинг ҳажми ишчи кучига бўлган талаб ва тактиф мавсумий омилларининг баравар таъсир қилиши сифатида намоён бўлади;

- **технологик ўзгарувчан**, ишсизликнинг бу шакли, масалан, фан техника ютуқлари натижасида қўл меҳнати ўрнини машина эгаллаши натижасида юзага келади;

- **таркибий**, иқтисодиётнинг янги тармоқлари пайдо бўлиши ёки эскисига барҳам берилиши ва мулкчилик шаклларининг ўзгариши билан юзага келади.

Ишсизликнинг ижтимоий - иқтисодий мазмуни, сабаблари ва турлари назарий асосланиши ишсизлик ҳолатининг мезонла-

ри ва кўрсакичлари очиб берилишини тақозо қиласди. Чунки ишсизликнинг асосий мезонлари ва кўрсаткичлари меҳнатга лаёқатли аҳоли оқилона бандлигини шакллантириши тартибга солиша мухим аҳамиятга эгадир.

5.3. Ишсизликнинг асосий мезонлари ва кўрсаткичлари

Ишсизлик ҳолатининг демографик, ижтимоий, иқтисодий ва бошقا жиҳатлари қўйидаги мезонларда ўз аксенин топади: ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасида бозор мувозанатига эришиш; ишчи кучи таклифини камайтириш; иш жойларини кўпайтириш; иқтисодий фаол аҳолининг меҳнатда иштироқини ошириш; кадрлар малакаси, сафарбарлиги ва рақобатбардошлигини ошириш; аҳолининг меҳнат даромадларини кўпайтириш ва бошқалар.

Мазкур мезонлар қўйидаги ишсизлик кўрсаткичлари ёрдамида аниқланади: мавжуд ва янги яратилган иш жойларининг сони; бажарилган иш вақтининг миқдори; аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилган ялпи ички маҳсулотнинг ҳажми; маҳаллий ва жалб этилган меҳнат ресурсларининг сони; аҳолининг миграцион оқими; меҳнатнинг фонд ва энергия билан қуролланиши; ижтимоий инфратузилма хизматларининг ҳажми; қишлоқ хўжалиги ҳар бир ходимининг ср юкланмаси; ўртача йиллик иш ҳақи; ҳар бир аҳолининг уй-жой билан таъминланиши; меҳнат ресурсларининг малака ва маълумот даражаси; саноат корхоналаридағи асосий фонdlардан фойдаланишнинг сменалик коэффициенти; ижтимоий ишлаб чиқаришда иш билан банд бўлмаган шахслар ва ишсизлик сони ҳамда уларнинг нафақа миқдори; меҳнатнинг умумий натижаларидан ва ижтимоий инфратузилма хизматларидан қаноатланиш даражаси; мулкчиликнинг турли шакллари ва меҳнатни ташкил қилишнинг самараодорлиги ва ҳоказолар.

Юқорида қайд этилган мезонлар ва кўрсаткичлардан ишсизлик ҳолатини таҳдил қилиш ва истиқболлаптиришда ҳамда унинг турли кўринишлари миқдорларини аниқлашда фойдаланиш мумкин.

Бизнингча, ишсизликнинг турли шакллари қўйидагича аниқланади:

A) Яширин ишсизлик:

$$I_{\text{ям}}(t) = R_{\text{ҳқ}}(t) - R \text{ ни}(t), \quad (1.)$$

Бу серда: $R_{\text{ҳқ}}(t)$ – ҳақиқий банд бўлган ишловчилар сони

(хқ), минг киши; R ни – (t) – иш билан банд бўлиши зарур бўлган норматив ишловчилар сони(ни), минг киши.

Б) Мавсумий ишсизлик:

$$I_{\text{мав}}(t) = R(t) + R_{\text{мав}}(t), \quad (2.)$$

Бу срда: $R_{\text{мав}}(t)$ - қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини стишириш ва қайта ишлаш ва аҳолига хизмат кўрсатишнинг қизғин даврида мавсумий иш билан банд, меҳнатга лаёқатли шахслар сони, минг киши.

В) Технологик ишсизлик:

$$I_{\text{тех}}(t) = R_{\text{олд}}(t) - R_{\text{кей}}(t), \quad (3.)$$

Бу срда: $R_{\text{олд}}(t)$ ва $R_{\text{кей}}(t)$ – янги техника ва интенсив технологияни қўллашдан олдин (олди) ва кейин (кей) иш билан банд бўлган ишловчилар сони, минг киши;

Г) Таркибий ишсизлик:

$$I_{\text{тар}}(t) = (R_{\text{иж.олд.}}(t) - R_{\text{иж.кей.}}(t)) + (R_{\text{хх.олд.}}(t) - R_{\text{хх.кей.}}(t)) + (R_{\text{хх.олд.}}(t) - R_{\text{хх.кей.}}(t)) + R_{\text{кк.олд.}}(t) - R_{\text{кк.кей.}}(t), \quad (4.)$$

Бу срда: $R_{\text{иж.олд.}}(t)$ ва $R_{\text{иж.кей.}}(t)$ – мулкчиликнинг ижара шаклини қўллашдан олдин ва кейин иш билан банд бўлган ишловчилар сони, минг киши;

$R_{\text{хх.олд.}}(t)$ ва $R_{\text{хх.кей.}}(t)$ – хусусий хўжаликлар пайдо бўлгандан олдин ва кейин иш билан банд ишловчилар сони, минг киши;

$R_{\text{хх.олд.}}(t)$ ва $R_{\text{хх.кей.}}(t)$ – ҳиссадорлик корхоналари пайдо бўлгандан олдин ва кейин иш билан банд ишловчилар сони, минг киши;

$R_{\text{кк.олд.}}(t)$ ва $R_{\text{кк.кей.}}(t)$ – кўшма корхоналар пайдо бўлгандан олдин ва кейин иш билан банд ишловчилар сони, минг киши.

Меҳнат потенциалидан фойдаланишининг ижтимоий-иқтисодий самарадорлиги ошиши кўпроқ ишсизлик даражасига боғлиқ ва бу чёт эл ва ўзимизнинг иқтисодий адабиётларимизда турліча аниқланади. Масалан, япон статистикасида ишсизлик даражасининг (I) иккита усули амал қиласиди:

ишсизлар сони

$$1) I = \frac{\text{ёланма ишчилар} + \text{ишсизлар}}{\text{ишсизлар сони}} \quad (5)$$

ишсизлар сони

$$2) I = \frac{\text{иш билан бандлар} + \text{ишсизлар}}{\text{иш билан бандлар} + \text{ишсизлар}} \quad (6)$$

Бошқача ёндашишида эса ишсизлик нормаси ишсизлар со-
нини ($I_{\text{нор}}$) меҳнатга лаёқатли аҳоли сонига нисбатан (A) бў-
лии орқали аниқланади:

$$I_{\text{нор}} = I / A * 100\% \quad (7)$$

Биринчи ёндашишининг асосий камчилиги шундаки, ишсиз-
лик нормасининг бўлинувчиси сифатида барча ишчи күшининг
микдори эмас, балки иш билан банд ишловчилар сони танланган.

Бошқача ёндашишида эса ишсизлик нормасини характерланада
меҳнатта лаёқатли аҳоли сони нотўғри фойдаланилган. Чунки меҳнатта
лаёқатли аҳолининг барчаси иш жойларида талабга эга бўлавермайди.

Бизнингча, ишсизлик даражасини ишсизлар сочини икти-
содий фаол аҳоли сонига бўлиш орқали аниқлаш лозим:

$$I = \frac{\text{ишсизлар сони}}{\text{иктисодий фаол аҳоли сони}} * 100\% \quad (8)$$

5.4. Ишсизликнинг табиий даражаси.

А. Оукен қонуни

«Ишсизлик даражасининг табиий микдори қанчага бўлиши мумкин?», деган масала устида иктисадчилар жуда кўп фикр билдирганлар, лекин бирор мамлакатда унинг алиқ микдори белгиланган эмас. Масалан, АҚШда ишсизлар сочининг табиий да-
ражаси 1960 йилларда 4-6% га кўтарилиди. Инфляция даражаси юқори бўлган даврдаги ишсизлик даражаси табиий месъёрий хо-
лат деб ифодаланиб, ишлаб чиқаришининг потенциал имконияти билан боғлиқлика бўлади. Агар бандлик юқори бўлиб, ишлаб чиқаришда ҳам кўп бўлса, спиралсимон инфляция юзага келади.

Ишсизлик даражаси доимо нолдан юқори бўлади, чунки ихтиёрий ва таркибий ишсизлик у ёки бу кўринишда мавжуд бўлади. Лекин ишсизликнинг табиий даражаси инфляциянинг кучайишини тўхтатиб туради.

Хозирга вақтда ривожланган мамлакатларда табиий иш-
сизлик даражаси қўйидаги сабабларга қўра ортиши мумкин:

1. Меҳнатга ўсмирлар, аёлларнинг жалб этилиши;

2. Давлатнинг иктисодий сиёсати ишсизларга кам маош тўлайдиган ишларга ёланмасдан узоқ муддат юқори иш ҳақи тўлайдиган ишни қидириш имконини бсрари. Хозирги вақтди кўпчилик мамлакатларда ишсизларга 16 дан 26 ҳафтагача ола-

ётган энг сүнгги иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида ишсизлик нафақаси тўланади ва соликлардан озод этилади, натижада улар иш ҳақининг 60-70 фоизи миқдорида пул ола бошлийдилар;

3. Таркибий ишсизликнинг кучайиши ишсизлик табиий даражасининг ўсишига олиб келади. Масалан, қишлоқ хўжалигининг суст ривожланиши.

Амалда ишсизлик табиий даражасининг энг мақбул миқдори йўқ. Ҳали ҳеч ким иқтисодиёт учун энг мақбул ишсизлик даражасини исботлашга эришган эмас. Аксинча, айрим ҳисоблардан кўринадики, ялпи миллий маҳсулотнинг юқори даражада ўсиши ишсизликнинг табиий даражасини пасайтиради.

Аммо у мақбул миқдордан юқори бўлиб қолавсади. Чунки, ялпи миллий маҳсулот ишлаб чиқариш ўз имконият даражасига стмаган бўлади. Ялпи миллий маҳсулотни потенциал даражасигача ўстириш эса ҳаддан ташқари иқтисодий фаронликка олиб келади ва оқибатда инфляция кучайиши мумкин. Кўйидаги тадбирлар ишсизлик табиий даражасига эришишга бевосита таъсир кўрсатиши мумкин:

- аҳолини мавжуд иш ўринлари ҳақида хабардор этишни яхшилаш;
- мутахасислар тайёрлашни такомиллаштириш;
- ишсизларни давлат томонидан ҳамоялаш даражасини кучайтириш.

Халқаро меҳнат ташкилоти стандарти бўйича табиий ишсизлик даражаси 1,5 – 2,5% ни ташкил этади.

Америкалик иқтисодчи олим Артур Оуксен нотабиий ёки даврий ишсизликнинг салбий таъсирга эга эканлигини математик ҳолда исботлаб берди. А.Оуксен қонунига кўра, ишсизликнинг табиий даражаси 1 фоизга ошганда ялпи миллий маҳсулот 2,5 фоизга камаяди.

5.5. Ишсизликни ҳимоя қилиш борасида давлат тадбирлари

Жиддий муаммолар юзага келишига йўл қўймаслик мақсадида давлат доимий равишда фуқароларни иш билан таъминлаш даражасини ошириш сиёсатини ўtkазади. Биринчидан, ишсизликнинг фрикцион ва таркибий турлари ўсганда:

- қайтадан қасб ўргатади;
- таълим бериш тизимини конгайтиради;

- бўш иш жойлари ҳақидаги ахборотларни кенг тарқатади; меҳнат биржаларига инвестицияларни кўпайтиради.

Иккинчидан, агар ишсизлик даврий хусусият касб этса, давлат бюджет, фискалъ, кредит пул воситаларини ишга солади, яъни:

иш билан таъминлашни кучайтириш учун ишлаб чиқаришга кўпроқ маблағ сарфлайди;

- тадбиркорнинг манфаатдорлигини ошириш учун ссуда ҳамда кредиторларнинг фоиз ставкаларини пасайтиради;

ишлаб чиқарувчи ва истесьмолчиларга солинадиган соликларни камайтиради.

Учинчидан, давлат меҳнат бозорини ташкил этиш ва тартибга солиш:

- аҳоли сони, ёш ва жинси салмоғидаги ўзгаришларга;

иш билан бандликдаги тармоқ ва ҳудуд ўзгаришларига;

кўшимча ишчи кучини ишлаб чиқаришга жалб этиш мезонлари;

ишлаб чиқаришнинг ҳажми ва таркибига ҳамда унинг ўсиш суръатига;

ишлаб чиқариш кучларининг ҳудудий жойлашуви каби омилларга алоҳида эътибор беради.

Ишсизликни камайтиришнинг иқтисодий тадбирларидан энг асосийси ҳалқ хўжалиги тармоқларида бозор талабига мувофиқ кичик корхоналарни барпо этишdir. Бу эса, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш миқёсини оширишга қаратилаган бўлиши даркор. Бунга эса, меҳнат унумдорлигини ошириш, иш жойларининг моддий-техникавий, технология ва сармоя таъминотларини яхшилаш, янги нокишилоқ хўжалиги меҳнати зоналарини ташкил этиш, иш вақтидан унумли фойдаланиш, ишловчиларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш ва оқилона соликлар орқали эришиш мумкин.

Муҳим иқтисодий тадбирлар мажмуасига қишлоқ хўжалиги ва саноатнинг асосий маҳсулотларига талаб ва таклифга асосан истиқбол кўрсаткичларини белгилаш, кичик ёшдаги болалари бўлган ва кўп болали оналарни, нафақахўр ва ногиронларни кафолатлаштирилган иш жойлари билан таъминлаш, уларга турли ижтимоий-иқтисодий имтиёзлар бериш орқали моддий манфаатдорлигини ошириш ҳамда иш билан таъминланишини яхшилашга эришиш киради.

Қисқача хуосалар

Ишсизлик даражаси мамлакат иқтисодиёти қай даражада тарақ-қий этганлигининг ҳамда иқтисодиётда содир бўлаётган ўзгаришиларнинг мухим кўрсаткичларидан бирни ҳисобланади. «Ишсизлик даражаси» деганда ишсизлар сонининг иқтисодий фаол аҳоли таркибидағи салмоғи туниунилади.

Республикада ишсизлик даражасини бандлик хизматларида рўйхатдан ўтган ишсизлар сонининг иқтисодий фаол аҳоли умумий сонига нисбатан олиб ҳисоблаш мумкин.

Ишсизлик даражасига бир қанча омилилар таъсири кўрсатади: меҳнат ҳақининг настлиги, меҳнат шароитлари яхши эмаслиги, иш ҳақининг вақтида берилмаслиги, иш жойларини қисқартишилар ва бошқалар.

Бозор иқтисодиёти муносабатлари барқорорлашетган даврда ишсизликнинг бўлиши табиий ҳолатдир. Чунки ишчи кучига бўлган талабнинг тақлифига мос қелини оқилона бандликни шакллантириб, жамият учун табиий бўлган ишсизлик даражасини таркиб тоитиради.

Иш билан банд бўлмаган шахсларни янги касбларга ўргатиш, малакасини ошириш, моддий ёрдам бериш ва иш жойларини тавсия этиши меҳнат биржаси томонидан амалга ошириладиган ижтимоий тадбирларнинг энг мухими ҳисобланади.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Ишсизлик нима ва унинг даражаси қандай аниқланади?
2. Ишсиз деб эътироф этиши учун қандай шартлар мавжуд бўлиши лозим?
3. Ишсизликнинг асосий сабаблари нималардан иборат?
4. Ишсизликнинг қандай турларини биласиз?
5. Ишсизликнинг қандай асосий мезонлари ва кўрсаткичлари бор?
6. Ишсизликнинг табиий даражаси нима?
7. Артур Оукен қонунини таърифлаб беринг.
8. Ишсизликни камайтириш борасида давлат томонидан қандай тадбирлар ўтказилади?

Асосий адабиётлар

1. Абдураҳмонов Қ.Ҳ., Холмўминов Ш.Р. ва бошқалар. Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси (дарсстик). –Т.: Ўқитувчи, 2001.
2. Абдуғаниев А., Мирзакаримова М. Ўтиши даври иқтисодиётида меҳнат бозори. –Т.: Меҳнат, 1999.
3. Никифорова А.А. Рынок труда: занятость и безработица. -М.: Международные отношения, 1991.
4. Рынок труда // под ред. В.С.Буланова и Н.А.Волгина (Учебник). -М.: Экзамен, 2000.
5. Холмуминов Ш.Р. Моделирование сельского рынка труда. – Т.: Фан, 1996.

VI боб

МЕХНАТ БОЗОРИ ВА АҲОЛИ ИШ БИЛАН БАНДЛИГИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШНИНГ БАЛАНС УСЛУБИ

6.1. Мехнат бозори ва аҳолининг иш билан бандлигини таҳлил қилишида баланс услубининг аҳамияти

Баланс услубининг асосий вазифалари меҳнат ресурсларининг бандлик ҳолатига, аҳоли табиий ва меҳаник ҳаракатларининг ўзгаришларига, меҳнатта қобиљиятли аҳоли бандлигининг сони ва тузилишига, буюмлашган ва жонли меҳнатнинг сарфланишини тақсимлаш ва фойдаланиш даражасига, иш жойларининг миқдори ва тузилишига, меҳнат ресурсларидан фойдаланишининг самарадорлигига, ходимлар касб-малака таркиби шаклланишининг манбалари ва кўламларига, ижтимоий-иқтисодий алоқаларнинг бузилиши шарондларида меҳнат унумдорлигини ошириш имкониятларига таъсир қилиувчи омилларни ҳар тарафлама ҳисобга олиш ва комилеке таҳлил қилишдан иборат. Ушбу услугу кўйидаги ўзаро боғлиқ тизимлардан ташкил топади: меҳнат ресурслари баланси, меҳнат ресурсларининг ҳаракати ва меҳнат сарфларининг тармоқлароро баланслари, меҳнат бўйича баланс ҳисоб-китоблари ҳамда иш жойлари ва меҳнат ресурсларининг йиғма баланслари.

Меҳнат ресурслари балансини тузиш ҳамда ишга жойлашишига муҳтоҷ шахсларни аниқлаш чорида асосий ахборот манбалари давлат статистикаси (меҳнат бўйича, аҳоли бўйича статистика ҳисоботлари) маълумотлари, маъмурий ҳисобга олишининг (масалан, меҳнат ва аҳолини ижтимоӣ муҳофаза қилиши органлари, ўї-хўжалислари, ходимлар рўйхатлари) ҳар хил турлари, шунингдек, иш билан бандлик масалаларни юзасидан ишчи кучини танлаб текширишдан иборат бўлади. Ушбу хилта-хил манбалар улардаги ахборотнинг хусусияти ва мазмуни, маълумотларни тўплаш шакллари ва усуслари бўйича бір-біридан фарқ қилиши мумкин.

Ишчи кучини таҳлил қилиш маълумот тўплаш воситалари орасида энг мослашувлан усуздир. Уларнинг натижаларига қараб меҳнат ресурсларининг шаклланишини, иш билан бандлар, ишспизлар, иқтисодий нофаол аҳоли сонини кўрсатувчи маълумотларни олиш, заруратга қараб, тушунчалар, таърифлар ва

саволларни ўзгартириш мумкин. Бу эса айрим аҳоли гурӯҳлари ишчи кучида иштирок этишининг турли шаклларини аниқлаш имконини беради. Бундай мослашувчанлик ушбу текширувларни турли истеъмолчилар талабларини қондириш учун айниқса яроқли қиласи, халқаро қиёсланадиган натижаларни таъминлайди. Ишчи кучини таҳлил қилиш фақат ишлаёттандарни эмас, балки вақтинча иш билан банд бўлмаганларни ҳам қамраб олганлигидан, у меҳнат ресурслари ва уларнинг тақсимланиш тузилмаси ҳақида тўла-тўкис тасаввур ҳосил қилишни таъминлайди.

Меҳнат ресурсларининг ҳисобот баланси ҳар йил якунларига қараб, Ўзбекистон Республикаси бўйича, Қорақалпогистон Республикаси бўйича, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича тузилади, шаҳар ва қишлоқ аҳолисига бўлинади. Уни йириклаштирилган ҳолда қўйидаги- жадвал шаклида кўрсатиш мумкин:

Кўрсаткичлар	Жами	Шу жумладан	
		шаҳар	қишлоқ
I. Жами меҳнат ресурслари			
Шу жумладан:			
Меҳнат ёшидаги меҳнатга қобилиятли аҳоли			
Ишлаётган ўсмирлар ва пенсиянерлар			
II. Меҳнат ресурсларининг тақсимланиши			
II.1. Иқтисодий фаол аҳоли			
Шу жумладан:			
1. Иш билан бандлар			
Шулардан			
Расмий секторда			
Норасмий секторда			
2. Иш билан банд бўлмаган, ишга жойлаштирга муҳтоҷ шахслар			
Шулардан:			
Расман рўйхатдан ўтган ишчилар			
Меҳнат органларида иш излаётган сифатида ҳисобда турувчилар			
Меҳнат органларида рўйхатдан ўтмасдан мустақил равишда иш қидираёттандар			
II.2. Иқтисодий нофаол аҳоли			

Ҳисобот баланси ўз ичига қўйидаги кўрсаткичларни олади:

Меҳнат ресурсларининг микдори. Бу микдор меҳнат ёшидаги меҳнатга қобилиятли аҳоли сони билан меҳнат ёши-

дан кичик ва катта бўлиб, ишлайтган шахслар сонининг йигинидиси сифатида аниқланади:

$$МР=МЭМ + ИУП,$$

Бунда: МР месҳнат ресурслари; МЭМ месҳнат ёшидаги месҳнатга қобилиятли аҳоли; ИУП ишлайтган ўсмирлар ва пенсионерлар.

МЭМ сони месҳнат ёшидаги аҳоли сонидан (16 ёшдан 60 ёшгача бўлган эркаклар ва 16 ёшдан 55 ёшгача бўлган аёллар сонидан) иккала жинсга мансуб месҳнат ёшидаги ишламайтган I ва II гуруҳ ногиронлари ҳамда имтиёзли шартлар асосида пенсия олаётган, ишламайтган пенсионерлар сонини чегириб ташлаш йўли билан аниқланади:

$$МЭМ = Э_{(16-60)} + A_{(16-55)} \cdot Ног,$$

Бунда: Э₍₁₆₋₆₀₎ 16 ёшдан 60 ёшгача бўлган эркаклар; А₍₁₆₋₅₅₎ 16 ёшдан 55 ёшгача бўлган аёллар; Ног месҳнат ёшида булиб, ишламайтган I ва II гуруҳ ногиронлари (16 ёшдан 60 ёшгача бўлган эркаклар ва 16 ёшдан 55 ёшгача бўлган аёллар) ҳамда имтиёзли шартлар асосида пенсия олаётган, ишламайдиган пенсионерлар.

Ахборот олиш манбаси:

Э₍₁₆₋₆₀₎, А₍₁₆₋₅₅₎ юзасидан - аҳолининг жинс ва ёш таркиби бўйича статистика маълумотлари;

Ног юзасидан Месҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг месҳнат ёшидаги ногиронлар сони ҳамда имтиёзли шартлар асосида пенсия олаётган пенсионерлар тўғрисидаги маълумотлари;

ИУП юзасидан корхоналарниң 16 ёшга тўлмаган, ишлайтган ўсмирлар ва пенсионерлар ҳақидаги статистика ҳисоботлари.

Иқтисодий фаол аҳоли сони. Ушбу аҳоли сони қўйидаги формула бўйича аниқланади:

$$ИФ = ИБ \cdot ИИ,$$

Бунда: ИФ иқтисодий фаол аҳоли қисми; ИБ иш билан бандлар; ИИ иш билан банд бўлмаган, ишга жойлашишга муҳтоҷ шахслар.

Иш билан бандлар сони. Ҳисобот даврида иш билан бандлар сони қуидаги формула бўйича ҳисоблаб чиқарилади:

$$\text{ИБ} = \text{Ир} + \text{Идх} + \text{Инр},$$

Бунда: Ир – Иқтисодиётнинг расмий секторида (корхоналар, ташкилотлар, муассасаларда) иш билан банд бўлганлар;

Идх – деҳқон хўжаликларида иш билан банд бўлганлар;

Инр - иқтисодиётнинг норасмий секторида иш билан банд бўлганлар.

Ахборот олиш манбай:

Ир юзасидан корхоналар ва ташкилотларнинг меҳнат бўйича статистика ҳисоботлари, солик органларининг маълумотлари.

Идх юзасидан статистика органларининг ҳисоб-китоблари ва ишчи кучини текшириб чиқиши маълумотлари;

Инр юзасидан - ишчи кучини текшириб чиқиши маълумотлари.

6.2. Меҳнат сарфлари тармоқлараро балансларини ишлаб чиқиши асослари

Меҳнат ресурслари бандлиги комплекс таҳлилиниң баланс воситалари орасида стакчи ўринни тармоқлараро баланс (ТАБ) эгаллайди. Меҳнат сарфларининг ТАБини ишлаб чиқиши иқтисодиётнинг барча секторлари ва тармоқларидаги ҳисобот ва истиқбол даврларда тўғри ва тўлиқ меҳнат сарфланишининг коэффициентлари ёрдамида худди шундай бандлик коэффициентларини топишга имкон беради. Бу баланс ишчи кучига талабнинг вужудга келишини, иш жойлари билан меҳнат ресурслари ўртасидаги рационал нисбатларни, ишчи кучига талабнинг ва унинг таклифига мостигини, иқтисодиётнинг таркибий ўзгаришларини, уларнинг бандлик даражасига ва меҳнат ресурсларни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш истиқболларига таъсирини ҳамда меҳнат бозори эконометрик моделлари комплексини ахборотлар билан таъминлашни асослашни кучайтиради.

Одатда, ТАБни ишлаб чиқишида тармоқ ёндашиши услуби ва «хара-жатлар - ишлаб чиқариш» тамойили қўлланилади, унга мувофиқ иқтисодиёт ўзаро боғланган тармоқлари мажмуасидан иборат.

Иқтисодиётдаги ўзаро боғланган тармоқларнинг энг тўлиқ ва аниқ таърифини функционал ёндашиш услуги асосида олиш мумкин. Унинг хусусияти шундан иборатки, бутун ҳудуд ўзаро боғланган ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчи қўйидаги секторлар мажмуасидан ташкил топган, деб қараш мумкин: қишлоқ хўжалиги, саноат, хизмат кўрсатиш, шахсий меҳнат.¹

Бундай ёндашиш иқтисодиётнинг барча секторларида моддий, молиявий ва меҳнат ресурсларидан фойдаланишинг таҳдили ва истиқболини белгилашни яхшилайди. Шунинг учун ҳудудда меҳнат сарфлари ТАБини ишлаб чиқишида функционал ёндашиш қўлланилади. У бандлик даражасини, иқтисодиётнинг барча секторлари ва тармоқларида меҳнат ресурсларидан фойдаланиш, тақсимлаш ҳамда улар ўртасидаги меҳнат мутаносибигини тўғри аниқлайди. Унинг асосида ҳудудида меҳнатта қобилиятига аҳоли бандлиги секторлари тармоқларида меҳнат сарфларининг ТАБ чизмаси ишлаб чиқилган. У тўртта (I-IV) бўлимдан иборат (4- расмга қаранг).

Биринчи бўлим олтита бўлимчани ўз ичига олади. Улар қишлоқ хўжалиги, саноат, хизмат кўрсатиш ва шахсий меҳнат секторларида ва ҳудуд таркибига кирмаган тармоқлардаги бандлик даражаси буюмлаштирилган меҳнат сарфлари кўрсаткичларини қўллаш ёрдамида изоҳланади. Баланснинг бу бўлимчалири горизонтал йўналишда буюмлаштирилган меҳнат сарфларининг тармоқлараро ва секторлараро тақсимланишини, вертикал йўналиш бўйича уларнинг истеъмолини акс эттиради.

Йиккинчи бўлим меҳнат кўрнишидаги якуний маҳсулот таркибини, учинчиси эса, ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ишлаб чиқаришда маҳаллий ва жалб қўтилган меҳнат ресурсларининг жонли меҳнати сарфлари кўрсаткичлари асосида тўғри бандлик миқдорини ифодалай-

¹ Функционал ёндашиш асосида меҳнат сарфлари ТАБ тузилиши асосида Самарқанд вилояти иқтисодиётининг тармоқлари ўзаро боғланган тўртта ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчи секторга ажратилди: қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши (дехқончилик ва чорвачилик тармоқлари); саноат (гўшт-сүт, мева-сабзавот ва виноччилик, новвойчилик, уй-срмалар, озиқовқат, паҳта тозалаш, маҳаллий (енгил) ва қурилиш материаллари саноати тармоқлари); хизмат кўреатини (сув хўжалиги курилиши, маҳсулотларни тайёрлап, автомобиль ва йўловчи транспортни, алоқа, моддий-техника таъминоти, савдо ва умумий овқатланиши, аҳолига маший хизмат кўреатини, уй-жой ва коммунал хўжалик, соғлиқини сақлаш, физкультура ва ижтимоий таъминот, бошқарув ва молия-кредит хизмати, таълим, маданият ва санъат, фан ва илмий хизмат кўреатини тармоқлари; шахсий меҳнат (дехқон, фермер ва шахсий ёрдамчи хўжаликлари, якка тартибдаги меҳнат фаолияти).

ди. Түртінчі бүлім ижтимоій инфратузилма тармоқларыңда бандлық даражасы ва мәхнат ресурсларыдан фойдаланышни ақс эттиради.

Маҳсулоттарни ишлаб чиқариш ва тақсимлаш ТАБининг тенгламаси моддий-буюмлашган ва мажмұавий мәхнат тақсимоти пропорцияларининг бирлигини ақс эттиради. Мажмұавий мәхнат сарфлари қуидаги тенглама ёрдамида аниқланади:

$$\check{X}_i^s = \sum_{i=1} \check{X}_{ij}^s + \sum_{i=1} \hat{X}_{ij}^s + V_j^s + \hat{V}_j^s, S = \overline{1,5}, j = \overline{1,n} \quad (1)$$

(1) дан көлиб чиққан ҳолда мәхнатта ифодаланған оралиқ ва ялпи ички маҳсулот истеъмоли ҳажмини ҳисоблаш мүмкін.

$$\check{X}_{ij}^s = \sum_{i=1} T_i^s X_{ij}^s; \hat{X}_{ij}^s = \sum_{i=1} T_j^s \dot{X}_{ij}^s; \check{X}_j^s = T_j^s X_j^s \quad (2)$$

(1) да (2) ни қўйиб, қуидагини оламиз:

$$T_j^s X_j^s = \sum_{i=1} T_{ij}^s X_{ij}^s + \sum_{i=1} T_{ij}^s \dot{X}_{ij}^s + V_j^s + \hat{V}_j^s, \quad (3)$$

$$\text{Бу срда: } X_{ij}^s = a_{ij}^s X_j^s; \dot{X}_{ij}^s = \hat{a}_{ij}^s X_j^s; V_j^s = t_j^s X_j^s \quad (4)$$

Үнда (3) тенглама қуидаги қўринишни олади:

$$T_j^s X_j^s = \sum_{i=1} T_i^s a_{ij}^s X_j^s + \sum_{i=1} T_j^s \hat{a}_{ij}^s X_j^s + t_j^s X_j^s + \hat{t}_j^s X_j^s \quad (5)$$

(5) тўлиқ қайта ўзгартириб, тўлиқ мәхнат сарфлари коэффициентларини оламиз:

$$T_j^s = \sum_{i=1} T_i^s a_{ij}^s + \sum_{i=1} T_j^s \hat{a}_{ij}^s + t_j^s + \hat{t}_j^s. \quad (6)$$

Балансда якуний маҳсулотда буюмлаштирилган мажмұавий мәхнат сарфлари (II бўлим) ЯИМ ишлаб чиқаришдаги жонли мәхнатнинг барча сарфларига (III бўлим) тенг, яни:

$$\sum_{i=1} T_i^s Y_i^s = \sum_{j=1} (t_j^s + \hat{t}_j^s) X_j^s \quad (7)$$

Балансни тузища ЯИМ ишлаб чиқаришдаги мажмұавий ва буюмлаштирилган мәхнат сарфлари (ижтимоий инфратузилмасининг жонли мәхнат сарфлари билан бирга) ўртасидаги тенгликка риоя қилиш зарур:

$$\sum_{j=1} \check{X}_j^s = \sum_{i=1} X_i^s \quad (8)$$

Кайсан иш базасын бапталык тармоқтардың жиынтығынан сафлары	Иш базасын бапталык тармоқтарда мөхнат сафларининг индивидуалдық чыгармаларынын пайдалылығы							
	ҚХИЧ (тармоқ-лар бүйінчала)	СИЧ (тармоқ-лар бүйінчала)	ХК (тармоқ-лар бүйінчала)	НПМ (тармоқ-лар бүйінчала)	Худуд тарқибига кірмеган тармоқтар	Жами	Янын ички маңыздан пайдалылығы чыгармаларынан (ж. мөхнат сафлары бүйінчала)	Мөхнат сафларининг хадж.
A. Буюмлаштырылған мөхнат сафлары – жами <i>Шу ж.</i> кішілген күйекшілік индивидуалдық чыгармалар (ҚХИЧ) (тармоқ-лар бүйінчала) сараптамалық индивидуалдық чыгармалар (СИЧ) (тармоқтар бүйінчала) хизмет күргөздөсі (ХБ) (тармоқтар бүйінчала) шахсендік мөхнат (НПМ) (тармоқтар бүйінчала) Ху. ж. тарқибига кірмөччи тармоқтарда					1 а БҮЛДІНІМА 1 б БҮЛДІНІМА 1 в БҮЛДІНІМА 1 г БҮЛДІНІМА 1 д БҮЛДІНІМА			И БҮЛДІМ
B. Жоюлған мөхнат сафлары – жами <i>Шу ж.</i> Махаллалық мөхнат сафлары және биіктікке жиынтыған мөхнат сафлары жами буюмлаштырылған за жоюлған мөхнат сафлары				III БҮЛДІМ			IV БҮЛДІМ	

Бу ерда i -истесьмол қилювчи тармоқларнинг индекси; j ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчи тармоқларнинг индекси; s иктиносидёт секторларининг индекси; a_{ij}^s -тўғри моддий харажатларнинг коэффициентлари; \hat{a}_{ij}^s ҳудуд таркибига кирмаган тармоқларнинг тўғри моддий харажатлари коэффициентлари; t_j^s маҳаллий меҳнат ресурсларининг тўғри меҳнат сарфлари коэффициентлари; \hat{t}_j^s -жалб қилинган меҳнат ресурсларининг тўғри меҳнат сарфлари коэффициентлари; T_j^s тўлиқ меҳнат сарфлари коэффициентлари; V_j^s маҳаллий меҳнат ресурсларининг ишлаган иш вақтлари ҳажми; \hat{V}_j^s жалб қилинган меҳнат ресурсларининг ишлаган иш вақтлари ҳажми; X_{ij}^s ва \hat{X}_{ij}^s -оралиқ маҳсулот истеъмолининг қиймат ва меҳнат кўринишидаги тегишли ҳажмлари; \hat{X}_{ij}^s ва $\hat{\hat{X}}_{ij}^s$ ҳудуд таркибига кирмаган тармоқлардаги оралиқ маҳсулотлар истеъмолининг қиймат ва меҳнат кўринишидаги тегишли ҳажмлари; X_i^s ва \hat{X}_i^s ЯИМ ишлаб чиқаришнинг қиймат кўринишидаги ҳажмлари; \hat{X}_i^s ва $\hat{\hat{X}}_i^s$ ЯИМ ишлаб чиқаришнинг меҳнат кўринишидаги ҳажмлари ёки мажмуавий меҳнат сарфлари; Y_i^s -якуний маҳсулот истеъмоли ҳажми. Ушбу баланс асосида меҳнат сарфларини тақсимлаш (r_{ij}^s) ва фойдаланиш (q_{ij}^s) коэффициентларини ҳисоблаб чиқиш мумкин:

$$r_{ij}^s = \hat{X}_{ij}^s / \hat{X}_i^s \quad (9)$$

Меҳнат сарфларини тақсимлаш коэффициентининг иктиносидий мазмуни шундан иборатки, у белгиланган меҳнат сарфлари истеъмолининг ҳар бир тармоқ ва ҳар бир сектордаги салмоғини, яъни меҳнат сарфлари бирлиги ҳудудларнинг барча секторлари ва тармоқлари бўйича тақсимланиши тузилишини акс эттиради.

Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш (истеъмол) коэффициентлари қўйидаги тартибда ҳисобланади ва маҳсулот ишлаб чиқаришда буюмлаштирилган ва жонли меҳнат истеъмоли даражасини ифодалайди:

$$q_{ij}^s = (\hat{X}_{ij}^s + \hat{\hat{X}}_{ij}^s + V_j^s + \hat{V}_j^s) / \hat{X}_j^s \quad (10)$$

6.3. Меҳнат сарфлари тармоқлараро балансларини ишлаб чиқиш босқичлари

Меҳнат сарфлари ҳисобот ТАБини ишлаб чиқиш мураккаб ва кўп меҳнат талаб киладиган жараён. Уни амалга ошириш учун ТАБ тузишда халқ хўжалиги баланси кўрсаткичлари

тизимидан Ўзбекистон Республикаси Давлат дастури бўйича миљий счётлар тизимига ўтишининг биринчи босқичи вазифаларига асосланган кўп босқичли статистик, иктиносидий-математик ва ташкилий ишларни бажариши зарур.

Биринчи босқичда кўриб чиқиллаётган худуд меҳнат ресурслари бандлигининг комплексе таҳлили амалийтда ушбу балансни ишлаб чиқишининг долзарблиги ва зарурлигига асосланади.

Иккинчи босқичда маҳсулотларини ишлаб чиқариши ва тасмимлашнинг ТАБи тузилади. Бундай балансни ишлаб чиқиш жараённада, одатда, тантаб олиш устуби кўпланиллади. Унинг ёрдамида статистик ҳисоботнинг маҳсус шаклларини жорий қилиш йўли билан ушбу худуднинг ишлаб чиқариши ва хизмат кўрсатиши соҳаларининг репрезентатив объектларидағи моддий ресурсларидан фойдаланиши ҳақидаги ахборотларни йиғиши ва таҳлил қилиш амалга оширилади. Аммо, худудий даражада ҳар бир китоби ва ўрта корхона ЯИМ ишлаб чиқаришда созиларни салмоққа эга бўлганларни учун, бизнинг фикримизча, тантаб олиш устубидан эмас, балки ялпи тадқиқот қилиши услугубидан фойдаланиши мақсадга мувофиқ, бу эса ахборотларнинг ишончлилигини оширади.

Ушбу балансни ишлаб чиқиш бўйича кейинги ишлар маълум ва амалда спиалтан методикага мувофиқ мазкур худуднинг ривожланипши хусусиятларини ҳисобга олган ҳодда амалга оширилади.

Учинчىнчи босқичда тўғри (a_{ij}^s) ва тўлиқ (b_{ij}^s) моддий характеристларининг коэффициентлари аниқланади:

$$a_{ij}^s = X_{ij}^s / X_j^s, \quad (11)$$

$$b_{ij}^s = B = (E - A)^{-1}. \quad (12)$$

Тўртинчи босқичда жонли ва буюмлашган меҳнат сарфлари мажмуаси бўлган ЯИМ ишлаб чиқаришининг тўлиқ меҳнат сарфлари коэффициентлари аниқланади.

Шунинг билан бирга тўлиқ меҳнат сарфлари кўрсаткичлари маҳаллий ҳисоб-китобларда ижтимоий зурур меҳнат сарфлари билан бир хил эмас ва қондага қўра, турли хил мураккабликдаги меҳнатнинг аниқ турлари миқдорини намоён қиласади. Улар таҳлил ва истиқболни белгилашнинг янги муҳим курсли бўладилар. Тўлиқ меҳнат сарфлари коэффициентларидан худуднинг ижтимоий-иктиносидий ривожланиши кўрсаткичларини асослашда, меҳнат ресурслари бандлиги ижтимоий-иктиносидий

дий самарадорлигини ҳисоб-лашда, түғри, ўтган ва түлиқ банд-лик коэффициентларини, меңнат унумдорлигини, ишлаб чиқариш харажатларини ва иш вақтими аниқлашда, асосий ва айланма маблағлар ҳамда инвестициялардан фойдаланиши самарадорлиги таҳлилида, маҳсулотларни бир-бирларининг ўрнини босиши муамоларини ҳал қилишда, нархларни такомиллаштириш ва инфляцияни пасайтиришда, иш жойлари билан меңнат ресурслари ўртасидаги рационал мутаносибликни топишда фойдаланиши мумкин. Түлиқ меңнат сарфлари коэффициентларини аниқлашда С.Г.Струмилин [3], И.А.Машинский [5], С.С.Шаталин [6], Л.Ф.Комина [1] каби машхур иқтисодчи олимларнинг асарлари катта назарий ва амалий аҳамиятга эга.

Маҳсулот ишлаб чиқариш учун түлиқ меңнат сарфлари коэффициентини ҳисоблаб чиқиши муаммоласини ҳал қилишда ТАБ услугидан фойдаланиши истиқболти йўналиши ҳисобланади. Бу коэффициентларни ҳисоблаш учун маҳаллий ва жалб қилинган меңнат ресурсларининг жонли меңнат сарфлари ҳамда маҳсулот ишлаб чиқариш моддий ресурсларининг түлиқ харажатлари коэффициентларини аниқлаш керак.

Жонли меңнат сарфлари коэффициентлари маҳаллий ва жалб қилинган меңнат ресурсларининг ишлаган иш вақтлари ҳажми асосида аниқланади:

$$t_j^s = V_j^s / X_j^s, \quad (13)$$

$$\hat{t}_j^s = \hat{V}_j^s / X_j^s. \quad (14)$$

Жонли меңнат сарфларини киши соатида ўлчаш ходимларнинг ишлаган иш вақтларини аниқ ифодалайди. Шунинг учун улардан түлиқ меңнат сарфлари коэффициентларини аниқлашда фойдаланилади:

$$T_j^s = \sum_{i=1} b_{ij} (t_j^s + \hat{t}_j^s), \quad (15)$$

Бу ерда: b_{ij}^s – худуд таркибига кирмаган тармоқларнинг харажатларини биринкитириб олувчи түлиқ моддий харажатлар коэффициентларининг матрицаси.

Бешинчи босқичда тадқиқ қилинаётган худуднинг маҳсулот ишлаб чиқаришга жонли, буюмлаштирилган ва мажмуйи меңнат сарфларини акс эттирувчи, меңнат кўрининишидаги

ТАБ тузилади:

$$T_i^s X_{ij}^s; T_i^s \dot{X}_{ij}^s; T_i^s Y_i^s; T_i^s X_i^s; T_j^s X_j^s; V_j^s; \hat{V}_j^s \quad (16)$$

Олтингчи босқичда тузилган баланснинг мувофиқлаштирилганлиги, яъни (7) ва (8) тенгликларни бажирилиши аниқланади. Агар мазкур шартлар бажарилса, баланс тузишнинг кейинги босқичига ўтилади, акс ҳолда ахборотларнинг ишончлилиги ва хисоб-китобларнинг тўғрилиги текширилади.

Еттинчи босқичда (13), (14) ва (15) ёрдамида ҳудуднинг маҳаллий ва жалб қилинган меҳнат ресурсларининг тўғри (h_j^s, \hat{h}_j^s) ва тўлиқ (H_j^s) бандлиги коэффициентлари аниқланади;

$$h_j^s = V_j^s / O_j^s = (t_j^s / X_j^s) / O_j^s, \quad (17)$$

$$\hat{h}_j^s = \hat{V}_j^s / \hat{O}_j^s = (\hat{t}_j^s / X_j^s) / \hat{O}_j^s, \quad (18)$$

Бу срда: O_j^s ва \hat{O}_j^s – ҳудуднинг маҳаллий ва жалб қилинган меҳнат ресурсларига мос келувчи иш вақти месъерий фондларининг ҳажми. Улар қуидагича аниқланадилар:

$$O_j^s = n_{ne_j}^s \cdot N_j^s, \quad (19)$$

$$\hat{O}_j^s = \hat{n}_{ne_j}^s \cdot \hat{N}_j^s, \quad (20)$$

Бу срда: $n_{ne_j}^s$ ҳа $\hat{n}_{ne_j}^s$ – маҳаллий ва жалб қилинган ходимга мўлжалланган йиллик иш вақти месъери;

N_j^s ва \hat{N}_j^s – маҳаллий ва жалб қилинган меҳнат ресурсларининг ўртача йиллик сони.

Бу вақтда

$$H_j^s = T_j^s (h_j^s + \hat{h}_j^s). \quad (21)$$

Якуний босқичда ҳосил қилинган натижалар таҳлил қилинади, буюмлаштирилган ва жонли меҳнат сарфлари ўртасидаги нисбатни яхшилаш йўли билан ишчи кучи бандлигини ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилади.

Меҳнат сарфларининг хисобот ТАБини тузища таъкидлаб ўтилган босқичлар истиқбол балансига ҳам тегишилдири. Бундай турдаги баланснинг тузиш маҳсулотларни ишлаб чиқиши ва тақсимлашнинг истиқбол ТАБ ахборотлари ва тўғри меҳнат сарфлари коэффициентлари ёрдамида амалга оширилади. Бу жараёнда меҳнат сарфларининг ҳисобот ТАБ маълумотларидан, мод-

дий, мөхнат ва молиявий ресурслардан фойдаланиш бүйича месьёрлардан, худуд ривожланишининг макроиктисодий ва демосоциал кўрсаткичларидан ва ишчи кучига талаб ва таклифнинг белгиланган истиқбол режаларидан кенг фойдаланилади.

Бундан ташқари, мөхнатта лаёқатли аҳоли бандлиги секторларида мөхнат сарфларининг истиқбол ТАБини ишлаб чиқишида ҳисобот даврларидағи мөхнат ва моддий харажатлар коэффициентларидан фойдаланилади. Шунинг учун фақат кўрилаётган даврниң оралиқ йиллари учун тўғри мөхнат сарфлари аниқланганда гина юқорида ифодаланган услугудан фойдаланиш билан чскланиш мумкин.

Истиқболга мўлжалланган даврдаги тўғри мөхнат сарфлари коэффициентларини аниқлашда статистик ва норматив услугубардан фойдаланилади.

Статистик услуг ёрдамида турли йиллар учун тўғри мөхнат сарфлари истиқбол коэффициентларини аниқлашда бир хил методикадан фойдаланиши керак, чунки методик фарқлар турли даврлардаги коэффициентларнинг миқдорини таққослаб таҳдил қилишни мушкуллаштиради.

Норматив услуг асосида тўғри мөхнат сарфларининг истиқбол коэффициентларини аниқлашда маҳсулот бирлитини ишлаб чиқаришга мөхнат сарфлари мсьёри, шунингдек, объектлар ривожланишининг техник-иҷтисодий кўрсаткичлари ҳам қўпланилади.

Маҳсулотларнинг сермехнатлиги ҳисоб-китоби ва истиқболини янада тақомиллаштириши мақсадида унинг динамикасига (ўсишига) айрим омиллар таъсирини аниқлаш зарур. Омиллар таъсири бўйича сермехнатликнинг таҳлили учун математик статистика услуги, хусусан, кўпомиллик моделлар услугубидан фойдаланиш мумкин. Омилларни танлаб олишда биринчи на-вбатда, сермехнатликка жиҳдий таъсир қилувчи мөхнат унумдорлиги кўрсаткичларини танлаш керак. Танлаб олинган кўрсаткичлар миқдорий ўлчаниши лозим.

Маҳсулот сермехнатлиги динамикасининг таҳлили учун омилларнинг умумий миқдоридан қўйидагилар танлаб олинади: мөхнатнинг фонд билан таъминланганлиги; мөхнатнинг энргия билан таъминланганлиги; ихтинослаштириш коэффициентлари; янги техникани татбиқ этиш харажатлари; кадрлар қўнимизлиги; малакали ходимлар улуши; қўл мөхнатининг улуши; мөхнат ресурслари умумий сонидаги ишловчиларнинг

улуши. Улар асосида ишлаб чықариш функцияси шакллантирилади ва маҳсулот сурекнеллиги ўсишининг иктиносий-математик таҳлили ўтказилади.

Юқорида қайд этилган услугалардан бир вақтда фойдаланиш, яъни тўғри меҳнат сарфлари коэффициентларини аниқлаш янги услуганинг пайдо бўлишига асос бўла олади.

Ушбу услуг асосида тўғри меҳнат сарфлари истиқбол коэффициентларини аниқлашнинг асосий босқичларини кўриб чиқамиз:

1. Таққослаш маълумотларини олиш мақсадида меҳнат сарфларининг ҳисобот ТАБи тармоқлари маҳсулотларини ишлаб чықариш ва тақсимлаш истиқбол ТАБи тармоқларининг таснифига кўра, гурӯхланиш ўтказилади, сўнгра тўғри меҳнат сарфларининг янги ҳисобот коэффициентлари ҳисоблаб чиқилади.

2. Тўғри меҳнат сарфларининг тузатиши керак бўлган энг муҳим коэффициентлари танлаб олинади. Бундан ташқари худуднинг ҳар бир тармоғида меҳнатни фонд ва энергия билан таъминланганлигига, иш хақи ҳамда маҳаллий ва жалб қилинган меҳнат ресурсларининг ишлаган иш вақтига тузатишлар киритиши зарур бўлади.

3. Тўғри меҳнат сарфлари коэффициентлари ўзгаришининг ЯИМ ҳажми ва таркиби таҳлилида корхоналарнинг репрезентативигини ҳисобга олиш керак, улар уни ишлаб чиқаришда энг катта салмоққа эга бўлмоғи лозим.

Иктиносийтнинг ҳар бир тармоғидан вакил-корхоналарга тегишли тўғри меҳнат сарфларининг энг муҳим коэффициентлари ажратилади. Улар ўртасидаги ҳамда тўғри меҳнат сарфларининг ўртача коэффициентлари орасидаги фарқларни асословчи сабабларни аниқлаш учун тадқиқ қилинаётган худуд меҳнат ресурсларининг иктиносийти ўрганилади. Айни бир вақтда вакил корхоналарда меҳнат ресурсларидан фойдаланиш даражаси ҳам таҳлил қилинади.

Мазкур босқичда вакил корхоналар учун тўғри меҳнат сарфларининг энг муҳим коэффициентлари меҳнат сарфлари ишлаб чиқулган ҳисобот ТАБи маълумотлари асосида ҳисобланади.

4. Маҳсулот бирлигини ишлаб чықаришга меҳнат сарфларининг месъёрларини маҳсулот ишлаб чықариши ва тақсимлашнинг истиқбол ТАБига мувоғиқ гурӯхларга ажратилади ва ту-

затишлар киритилади.

5. Кўпомилли моделлар ёрдамида танлаб олинган омилларни маҳсулот сермехнатлигининг динамикасига таъсири дарражаси аниқланади ва унинг истиқбол кўрсаткичлари ҳисоблаб чиқилади.

6. Истиқболга мўлжалланган даврда тўғри меҳнат сарфлари коэффициентларини аниқлаш жараёнида юқорида кўрсатилган маълумотлардан ташкари тадқиқ қилинаётган вакил корхоналарнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиши, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёниларининг техник ва энергетик жиҳозланиши, қўл меҳнати улуши ва меҳнат унумдорлиги кўрсаткичларидан ҳам фойдаланилади.

Шундай қилиб, тўғри меҳнат сарфларининг ҳисоблаб чиқилган истиқбол коэффициентларини тўлиқ моддий харажатларга кўпайтириб, тўлиқ меҳнат сарфларининг истиқбол коэффициентлари миқдори аниқланади.

Маҳсулот ишлаб чиқариш ва тақсимлаш ТАБининг юқорида баён этилган методологияси ва кўрсаткичлари асосида меҳнат кўринишидаги истиқбол ТАБи тузилади. У маҳсулот ишлаб чиқаришга жонли ва буюмлаштирилган меҳнат сарфларини ва истиқболда кўриластган даврдаги тўғри ва тўлиқ бандлик коэффициентларини аниқлашга имкон беради.

Меҳнат сарфларининг тармоқлараро баланслари меҳнат ресурсларидан фойдаланиши ва уларни тақсимлаш бўйича иқтисодиётнинг тармоқлари ва секторлари ўртасида яқин алоқа ўрнатишга, улардаги «тор жойларни» топишга ва уларни йўқотиш йўлларини белгилашгага имкон беради. Айни бир вақтда мавжуд номутаносиблик аниқланади, иқтисодиёт ва ишчи кучи бандлиги, талаби ҳамда таклифини истиқболлаштириш такомиллаштирилади.

Қисқача хуросалар

Меҳнат ресурслари баланси ишчи кучининг турлари бўйича иқтисодиёт секторлари ва тармоқларига тақсимланишининг ҳисобот ва истиқбол ҳолатларини аниқлаш имкони беради.

Тармоқлараро баланс усули меҳнат бозоридаги ишчига талаб билан унинг таклифи, иқтисодиёт секторлари ва тармоқларидаги ходимлар банддилги ўртасидаги нисбатларни тўғри асослашга имкон беради.

Меҳнат сарфларининг тармоқлараро баланслари ўзаро узвий боғлиқ бўлган босқичлар асосида ишлаб чиқилади ва у баланс усулини такомиллаштиришга олиб келади.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Меҳнат ресурслари баланси қандай тузилиш ва кўрсаткичларга эга?
2. Меҳнат бозори ва аҳоли банддигини таҳлил қилишда тармоқлараро баланслар қандай аҳамиятга молик?
3. Меҳнат сарфларининг тармоқлараро баланслари нечта бўлимдан иборат ва улар қандай мазмунга эга?
4. Меҳнат сарфларининг тармоқлараро баланслари қандай босқичлар асосида ишлаб чиқилади?
5. Истиқбол ТАБни тузишда қайси бир ахборот маинбаридан фойдаланиш мумкин?

Асосий адабиётлар

1. Комина Л.Ф. Полные затраты труда – М.: «Наука», 1992.
2. Межотраслевой баланс экономического района. Методика составления – М.: «Наука», 1967.
3. Струмилин Г.С. Проблемы экономика труда – М.: «Наука», 1982.
4. Холмуминов Ш.Р. Моделирование сельского рынка труда – Т.: «Фан», 1996.
5. Федоренко Н.П., Машинский Н.А. Проблемы трудоемкости. Планирование и экономико – математические методы – М.: «Наука», 1964.
6. Шаталин С.С. О соотношении темпов роста валового общественного продукта и национального дохода. Вопросы экономики – М.: 1996, №1.

VII бөб


МЕХНАТ БОЗОРИДАГИ ИШЧИ КУЧИГА ТАЛАБ ВА ТАКЛИФНИ ИСТИҚБОЛЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ

7.1. Мехнат бозоридаги ишчи кучига талаб ва таклифни истиқболлаштиришнинг аҳамияти

Республикамиз иқтисодий ва ижтимоий ривожланишининг бозор моделларига ўтиши аҳоли бандлиги истиқболини белгилаш соҳасида бир қатор мураккаб ва кўп аспектли муаммоларни юзага келтиради. Улар хўжалик юритишнинг янги шароитларида жиддий ўзгаришларга дуч келади.

Мехнатга қобилиятли аҳоли бандлигини истиқболлаштиришга бир қатор ёндашишлар мавжуд [1,2,3,5]. Афсуски, улар бандликнинг марказлаштирилган режалаштириши шароитларидан келиб чиқади. Ишчи кучи талаб ва таклифини истиқболлаштиришнинг биз тавсия этаётган методологияси ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётининг замонавий талабларига кўпроқ даражада жавоб беради [4].

Ушбу методология асосини яқин келажакдаги ишчи кучига талаб ва таклифнинг динамикасини тадқиқ қилиш услуглари мажмуси ташкил қиласди. У истиқболни белгилашнинг ўзаро боғлиқ қўйидаги блоклари ёрдамида тағбиқ этилади: мақсаднинг шаклланиши, тадқиқ қилинаётган жараён вазифалари, асосий муаммолари ва мезонларини аниқлаш; худуд ривожланишининг асосий иқтисодий ва демосоциал кўрсаткичлари истиқболи қийматларини белгилаш; қишлоқ хўжалиги ва саноат тармоқларининг турли тармоқлари ва мулкчилик шаклларида аҳоли бандлигини истиқболлаштириш имкониятларини тадқиқ қилиши; хизмат кўрсатиши тармоқларининг турли тармоқлари ва мулкчилик шаклларида аҳоли бандлиги ривожланишининг истиқболларини белгилаш; ходимларни тайёрлаш ва қайтадан ўқитиши масалаларини ҳал қилиши; шахсий ёрдамчи хўжалислар ва деҳқон хўжаликлари, якка, шахсий меҳнат фаолияти каби шахсий меҳнат секторининг жабхаларида иш билан банд бўлганларнинг келажакдаги сонини аниқлаш; қишлоқ хўжалиги ва саноатнинг турли тармоқлари ва мулкчилик шаклларида ишчи кучига талабнинг истиқбол баҳосини бериш; хизмат кўрсатишнинг турли тармоқлари ва мулкчилик шаклларида ишчи кучига талабни режалаштириш; шахсий меҳнат соҳаларида ишчи кучига талабни ва тадқиқ қилинаётган худуд аҳолиси иш билан бандлигининг барча тармоқларда ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасидаги нисбат ҳолатининг истиқболли кўрсаткичларини аниқлаш (5-расмга қаранг). Асосий блоклар мазмунини мукаммал кўриб чиқамиз.



5-расм. Ишчи кучи талаб ва таклифини истиқболлаштиришнинг ўзаро боғланган блоклари.

7.2. Ишчи кучига талаб ва тақлифни истиқболлаштириш босқичлари (блоклари)

Биринчى блокда маңсаддар шактланади, ишчи кучига талаб ва тақлифнинг асосий вазифалари, энг муҳим муаммолари ва месъерлари ҳамда ҳудуд ривожланиши демосоциал ва иқтисодий кўрсаткичларининг истиқболдаги дараҷалари аниқланади. Бандликнинг истиқболини белгилашда баланс ва ёшлар ўзгариши услублари бўйича ҳисоб-китобдан ҳосил қилинадиган аҳолининг табиий ва мсханик ҳаракатлари ва бир ёшдан бошқасига ўтиши асосий демографик кўрсаткичлар бўлиб ҳизмат қиласди.

Худуднинг иқтисодий-математик моделлар комплекси (айниқса, эконометрик) ёрдамида аниқланадиган миллый даромади, ялпи ички маҳсулоти, мсхнат унумдорлиги, мсхнатнинг фонд ва энергия билан таъминланганлиги, асосий ишлаб чиқариш фонdlарининг ўртача йиллик қиймати, асосий фонdlар ва ишчи кучидан фойдаланишининг сменалик коэффициентлари, срнинг ишловчиларга тақсимланганлиги ва ижтимоий инфратузилма ҳизматлари билан таъминланганлиги каби бошқа иқтисодий ва ижтимоий кўрсаткичларнинг истиқболда кўзда тутилган дараҷаси тадқиқ қилинаётган обьект иқтисодиёти секторларининг турти тармоқлари ва мулкчилик шаклларида аҳолини иш билан бандлиги истиқболининг ахборот базаси бўлади.

Иккинчى блокда қишлоқ хўжалиги ва саноатнинг турли тармоқлари ва мулкчилик шаклларида аҳолининг иш билан бандлиги истиқболи имкониятлари аниқланади.

Иқтисодий адабиётларда аҳолининг бандлиги истиқболини белгилашда бир неча хил ёндашиш баён қилинган [1,2,3,5]. Улар орасида энг кўп сийилганига [5] мувофиқ ҳалқ хўжалигинида аҳоли бандлигининг истиқболи ишни кучи тақлифининг истиқболидан келиб чиқиши керак. Аммо у ривожланишининг маълум босқичларида ҳал қилиниши лозим бўлган ижтимоий-иқтисодий ва демографик вазифаларни ҳисобга олмайди.

Бошқа бир ёндашишга [3] мувофиқ, бандлик истиқболини белгилашда ҳалқ хўжалигининг ишни кучига талабини аниқлаш бирламчи ҳисобланди. Бунда ишлаб турган корхоналардаги ходимлар сони мсхнат унумдорлигининг лойиҳалаштирилган ўсиши ҳақидаги маълумотлар асосида белгиланади, янги ишга туширилган корхоналарда эса ишлаб чиқариш қувватларини ўзлаштиришнинг тойиха маълумотлари ва графиклари бўйича ҳисобланади.

Баён этилган ёндашишлар бандликни истиқболлаштиришда кенг қўлланилади, аммо бозор иқтисодиёти асосида хўжалик юритишга ўтиш бу муаммони меҳнат унумдорлиги ўсишининг берилган фоизи эмас, балки товарларга талаб нуқтаи назаридан ўрганишни тақоза этади. Бундай ёндашишнинг моҳияти шундан иборатки, қишлоқ хўжалиги ва саноат тармоқларида ходимлар сони ушбу тармоқларда ишлаб чиқарилган товарларга бўлган талаблардан келиб чиқсан ҳолда белгиланади. Бозор иқтисодиёти қишлоқ хўжалиги ва саноатнинг ҳар бир тармоғида ЯИМ ни энг кўп ишлаб чиқаришни таъминлаш ва якуний натижада бандликни ошириш бўйича имкониятларни баҳолаш учун ҳақиқий ишланган иш вақтини аниқлаш масаласига алоҳида муносабатни талаб қиласди.

Бизнинг фикримизга кўра, аҳоли бандлиги истиқболини аниқлаш учун қишлоқ хўжалиги ва саноатнинг ҳар бир тармоғида ЯИМнинг йиллик ишлаб чиқарилиши ва бир ишловчининг ўргача йиллик ишланган кунлар микдорини баҳолаш талаб қилинади.

Йиллик ЯИМни истиқболлаштиришда иқтисодий статистика ва эконометрик тадқиқотларнинг турли хил услубларидан фойдаланиш мумкин [3,4]. Кобб-Дугласнинг ишлаб чиқариш функцияси ушбу барча услубларнинг асоси бўлади. Ёндашишлардан бири шундан иборатки, бир йиллик ЯИМ Т вақти орқали, тармоқ ЯИМни ишлаб чиқариши X ёрдамида, меҳнат сифати сарфининг кўрсаткичи қишлоқ хўжалиги ва саноат тармоқларида банд бўлганлар ишчилар сонини (C) уларнинг умумий сонига (N) нисбати (CFN) сифатида аниқланади:

$$O = a_0 + a_1 X + a_2 T + a_3 CFN, \quad (1)$$

Бу серда: O - бир йилдаги ЯИМнинг a_0 , a_1 , a_2 , a_3 - параметрларидир.

ЯИМ йиллик ишлаб чиқарилишининг истиқболи белгилангандан кейин, тармоқларда унинг ишлаб чиқаришини таъминлаш учун зарур бўлган соатларнинг умумий микдорини аниқлаш мумкин. Кейин бандликнинг истиқболи учун қишлоқ хўжалиги ва саноат тармоқларида бир ишловчига ишланган кунларнинг ўргача йиллик микдорини баҳолаш зарур. Бундай истиқболни ўтган йилларда маълум бўлган тенденциялар асосида, математик статистиканинг яхши ишлаб чиқилган услубларини қўллаб амалга ошириш мумкин.

Шундай қилиб, юқорида күрсатылған баҳоларни ҳосил қилиб, банд бўлганлар миқдорини ЯИМни энг кўп қашлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарилишини таъминлаш учун зарур кунларнинг умумий сонини истиқболда белгиланган ўргача йиллик ишланган кунлар сонига алоҳида бўлиш сифатида аниқлаши мумкин.

Мазкур тармоқлардаги бандликнинг истиқболи мулкчилик шакллари бўйича банд бўлганлар умумий сони тақсимланишини истиқболда кўзда тутиш учун бошлангич нуқта бўлади. Ушбу истиқболлаштириш кўп омиллик моделлардан фойдаланишга асосланган услубларни қўллаш билан амалга оширилади. Кўп омиллик моделларни тузишнинг биринчи босқичида ўрганилаётган жарабёнга таъсир этувчи омилар танлаб олинади. Иккинчи босқич маълум кўпликдан асосий омилларни танлаб олиш ва уларнинг турлари ҳамда ўлчамларини аниқлашдан иборат бўлади. Корреляцион-регрессион таҳлил аппарати бу мақсадлар учун энг яроқли ҳисобланади, унинг ёрдамида тадқиқ қилинаётган кўрсаткичларнинг ўзаро боғлиқлиги акс эттирилиши мумкин. Аммо корреляцион-регрессион таҳлил услубларининг камчилиги шундан иборатки, улар ўрганилаётган ҳодисани бир ёки бир исча омилларнинг бирдан рўй берадиган ўзгаришлари таъсирини старлича аниқ акс эттиримайди. Мулкчиликнинг турли шакллари пайдо бўлиши ва улар бўйича ахборотлар стилемаслиги қайд этилган услубларнинг имкониятларини янада камайтиради. Шунинг учун эвристик истиқболни белгилаш услубидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ кўринади. Унинг моҳияти эксперталардан ўрганилаётган ҳодисалар истиқболининг кела-жакдаги баҳоларини олишдан иборат бўлади.

Учинчи блокда хизмат кўрсатиш турли тармоқлари ва шаклларида аҳоли бандлиги ривожланишининг истиқболлари бўйича масалалар ҳал қилинади.

Аввал хизматга талабни таъминлаш учун зарур бўлган хизмат тармоқларидағи бандликни баҳолаш ксрак. Бандлик миқдорини аниқлаш омилларни вужудга келтирган ўзаро алоқалар тузилмаси ва хизмат кўрсатиш натижалари асосида ўтказилади. Хизмат кўрсатишининг зарурий ҳажмини топиб ҳамда ноишлаб чиқариш фонdlари кўпайишининг нисбатан ўсиш гипотезасини қабул қилиб бандликнинг номаълум баҳоларини оламиз.

Таъқидлаймизки, мулкчиликнинг турли шакллари ривожланиши шароитларида хизмат кўрсатиш омиллари ва натижага-

лари ўртасидаги ўзаро алоқаларда каттагина фарқланиш бўлиши мумкин. Шу сабабли ўзаро алоқаларни миқдорий баҳолаш мулкчиликнинг ҳар бир шакли учун алоҳида ўтказилиши керак. Хизмат кўрсатиш тармоқлари мулкчиликнинг давлат ва нодавлат шакллари «харажатлар-ишлиб чиқариш» функциялари мажмуасига эга бўлиб, мулкчиликнинг юқорида таъкидланган шакллари бўйича хизматларни амалга ошириш хажмлари ва ноишлаб чиқариш фондлар тузилишларини ҳисоблаб, ходимлар бандлигининг мулкчилик шакллари бўйича таҳсимланишини аниқлаш, ушбу тармоқлардаги бандликнинг тузилиши ҳақидаги масалани ҳам шунга ўхшаш ҳал қилиш мумкин.

Тўртинчি блок кадрларни тайёрлаш ва қайта ўқитиш кўрсаткичларини истиқболлаштиришга бағищланган.

Қишлоқ хўжалиги ва саноат, хизмат кўрсатиш ва шахсий меҳнат тармоқларида банд бўлган аҳоли сонини истиқболлаштириш кадрларни тайёрлашга талабни аниқлашга имкон беради. Кадрлар тайёрлаш ҳажмини аниқлашда бандликнинг ҳар бир ажратилган тармоғи учун иккита вазифани ҳал қилиш зарур:

- табиий сабабларга кўра, иктиносидёт тармоқларидан озод этилган ходимлар сони;
- хўжалик юритишнинг бозор шароитларида қишлоқ хўжалиги, саноат, хизмат кўрсатиш ва шахсий меҳнат тармоқларида илмий-техник тараққиёт ютуқларини қўллаш натижасида ходимлар сонидаги ўзгаришлар.

Биринчи ҳолда кадрларни тайёрлаш ҳажмлари ходимларнинг жинси, ёши таркибида келажакда бўладиган ўзгаришларни ҳисобга олиш билан баҳоланади.

Бундай ахборот кадрларни тайёрлаш ва ўқитишнинг турли хил даражаларида ишдан озод этилган ходимлар сонини аниқлашга имкон беради.

Иккинчи ҳолда ходимларни тайёрлаш ҳажми эксперт баҳолари ва эконометрик тадқиқотлар ёрдамида аниқланади. Кадрлар тайёрлашнинг турли хил даражаларида ходимлар улушининг эксперт баҳолари аниқ бир тармоқга керакли мутахассислар сонини, яъни ўқнётганлар сонини аниқлашга имкон беради. Эконометрик тадқиқотлар кадрлар тайёрлашнинг турли даражаларида ходимлар сонидаги илмий-техник тараққиёт ютуқларини қўллаш ва иктиносидёт ислоҳотларни ўтказиш шароитларида үзгаришларни ишлаб чиқариш функцияси сифати-

да акс эттиради. Бу ҳолда турли хил даражадаги маълумот ва малакага эга мутахассисларга қўшимча талабни янада чуқурроқ аниқлаш ва шунинг билан кадрларни тайёрлаш тизимида ўқитиш ҳажмини белгилаш мумкин.

Ходимларни ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда қайта тайёрлаш кўламларини аниқлаш ушбу блокнинг муҳим таркибий қисми бўлиши керак, бу юятда мураккаб, чамаси, ишнинг биринчи босқичларида фақат эксперт баҳоларидан фойдаланиш мумкин. Шу билан бирга ҳудуднинг турли тармоқлари учун бундай жараёнлар кўламини микдорий баҳолашга имкон берувчи омилларни аниқлаш учун модель тузиш зарур.

Бешинчи блок шахсий меҳнат соҳаларида банд бўлганларнинг истиқболли сонини аниқлашга бағищланган. Бу ерда ҳисоб-китоблар уч соҳа: якка тартибдаги меҳнат фаолияти, шахсий ёрдамчи хўжалик ва деҳқон (фермер) хўжалиги бўйича олиб борилади. Аҳоли бандлигини бундай соҳаларда истиқболлаштириш гоят мураккаб ва турли-туман.

Ҳаммадан аввал якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан банд бўлганларнинг умумий сонида кўп болали оиласалар қанчани ташкил этишини аниқлаш муҳим. Унга бир ярим ёшгача болага қараш бўйича ҳақ тўланадиган таътилда бўлган барча ота-оналарни киритиш керак. Бу соҳадаги бандликка уч ва ундан ортиқ ёшдаги болаларни тарбиялаш бўйича ҳақ тўланмайдиган таътилда бўлган барча аёллар ҳам кирадилар. Баъзи бир оиласаларда аёллар, ҳатто, боласи бўлмагандা ҳам ишламайдилар. Бундай категориядаги аҳолини истиқболлаштириш гоят қийин. Иқтисодий ва демографик адабиётларда бу масала бўйича чуқур тадқиқотлар амалда йўқ. Истиқболлаштиришнинг бу масаласида эксперт баҳолашни кўллаш яхши самара беради.

Бешинчи блокнинг таркибий қисми аҳолининг шахсий ёрдамчи ва деҳқон-фермер хўжаликларидағи бандлиги истиқболини аниқлашадир. Бу ерда истиқбол ҳисоб-китоблари иккинчи блок методикаси ва аниқ социологик тадқиқотлар натижалари бўйича ўтказилади.

Олтинчи блок қишлоқ хўжалиги ва саноатнинг турли тармоқлари ва мулкчилик шаклларида ишчи қучига талабни истиқболлаштиришга бағищланган. У мавжуд ва янги яратилган иш жойлари ҳолатига таъсир этувчи бир гуруҳ омиллар таъсирини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади: меҳнатга рағбат-

лантирувчи омиллар $\bar{V} = (v_1, \dots, v_n)$ (иш ҳақи, мукофотлар, кўшимча ҳақлар, окладдан ташқари даромад ва ҳоказо); меҳнатни ташкил қилиш ва иш тартибига боғлиқ омиллар – \bar{D} қ (d_1, \dots, d_m) (иш кунининг ўртача давомийлиги, таътилнинг ўртача давомийлиги ва ҳоказо); маълум касб «рейтинги»ни таърифловчи омиллар – $\bar{R} = (r_1, \dots, r_g)$; иш жойини яхшилашга таъсир этувчи ижтимоий омиллар – $\bar{L} = (l_1, \dots, l_z)$; ижтимоий инфратузилма обьектлари билан таъминланиш, саломатлик ва хавф-хатарни таърифловчи омиллар – $\bar{O} = (o_1, \dots, o_h)$ (ишнинг хатарлилiği, касб касаллоплари билан хасталаниш хавфи ва ҳоказо); иш жойлари сонининг ошишига таъсир этувчи омиллар – $\bar{W} = (w_1, \dots, w_k)$ (меҳнатни фондлар билан таъминланишининг ошиши, ишлаб чиқаришнинг кенгайиши, кичик, хусусий ва кўшма корхоналарнинг ташкил бўлиши ва ҳоказо); иш жойлари сонининг камайишига таъсир этувчи омиллар – $\bar{W} = (w_1, \dots, w_s)$ (ишлаб чиқаришнинг қисқариши, корхоналарнинг тутатилиши, илмий-техник тараққиёт ютуқларининг татбиқ этилиши ва ҳоказо); бошқа омиллар – $\bar{E} = (e_1, \dots, e_M)$.

Қайд этилган омилларга мувофиқ иш жойларининг нуфузлилик индекси қўйидаги кўринишга эга деб тахмин қиласиз:

$$H = h(\bar{V}, \bar{D}, \bar{R}, \bar{L}, \bar{O}, \bar{W}, \bar{W}, \dots, \bar{E}) \quad (2)$$

Бу блокда ҳам эконометрик тадқиқот ва эксперт баҳолашни кўллаш мумкин.

Еттинчи блокда олтинчи блок услубиёти асосида хизмат кўрсатишнинг турли тармоқлари ва мулкчилик шаклларида ишчи кучига талаб истиқболини белгилаш амалга оширилади.

Бозор мунособатларининг шаклланиши ва ривожланиши шароитларида хизмат кўрсатиш тармоқлари янгидан ташкил қилинган кичик, хусусий ва кўшма корхоналар сони ортмоқда. Бундай ҳолда малакали ишчи кучига талаб ўсади ва янги иш жойлари сонининг ошишига ҳақиқий имкониятлар яратилади. Истиқбол режалари тузиластганда бундай иш жойларининг нуфузлилик даражасини хисобга олиш зарур. У ишчи кучига талаб ва ундан фойдаланишининг рақобат қобилияти дарражасини маълум даражада шакллантиради. Ишчи кучига талабни истиқболлаштиришда хизмат кўрсатиш обьектларига қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидан озод этилган ходимларнинг ўтиб ишлаши эҳтимолини ҳам инобатта олиш керак. Бу ерда эксперт баҳолаш энг кулай услуг хисобланади.

Саккизинчі блок шахсий мәхнат соҳаларида ишчи кучига талабни аниқлашпа бағишиланган.

Яңқа тартибдаги мәхнат фаолиятида ишчи кучига талабнинг истиқбол даражаси аввало ойладаги болалар сони, аёлларнинг ёш болаларни тарбиялаш бүйіча таътил мұддаты, мактабгача болалар муассасалари билан таъминланғанлығы, хусусий тадбиркорлықнинг ривожланиши каби ҳудуди тараққиетінинг демосоциал ва иқтисодий күрсаткічлари үсиши ва құламлари билан асосланади.

Шахсий ёрдамчи ва деңқон ҳұжаликларида ишчи кучига талабнинг истиқбол күрсаткічлари құпроқ қышлоқ ҳұжалиғи тармоқлари маҳсулотларига әхтиёжнинг даражаси ва ушбу тармоқлардаги мавжуд иқтисодий имконияттар құламиға боелиқ. Бу тармоқларда статистик ҳисобот етарлича олиб борилмаслиги истиқболлаштириши мұраккаблаштиради. Шунинг учун эксперт баҳолаш ва аник социологик тадқиқотлар воситаларидан фойдаланиш мақсаддага мұвоғиқ.

Әнг мұраккаб ва амалда құланиладиган ҳисоб-китобларнинг якуний қисми түқкізинчі блокда олиб борилади. У иқтисодиёттінг түрли тармоқлари ва мұлкчilik шаклларида ишчи кучига талаб ва таклифнинг нисбатини истиқболлаштиришга бағишиланган. Бу ерда қўп омилли таҳдил ёрдамида жонти мәхнатта талаб ва таклиф ўртасидаги рационал нисбатта эришишга бевосита таъсир этувчи омилларни танлаш зарур. Уларга қуйдагилар киради: иш жойлари микдорининг ўзгариши, иқтисодиёттінг таркибий ўзгаришлари, мәхнатнинг фонд ва энергия билан таъминланиши, мұлкчilikнинг түрли хил шакллари ривожланиши, мәхнат ресурсларининг сони, бандліги, малакаси, сафарбарлығы ва рақобатбардошлиғы ўзгариши ва бошқалар.

Ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасидаги рационал нисбатни аниқлаш – ахоли бандлігини ишончли истиқболлаштиришнинг якуний натижасидир. Бундай ҳисоб-китобларни факт иқтисодий математик услугалар ва истиқбол моделларини түғри ишлаб чиқиш ҳамда татбиқ этиш йўли билан амалга ошириш мумкин.

Қисқача хуосалар

Истиқболлаштишнинг мазкур методологиясини татбиқ этиш меҳнатга лаёқатли аҳоли бандлигининг ишончли истиқбол режасини тақдим этишга, ишчи кучи талаб ва таклифининг истиқболли ҳолатини аниқлашга ва улар ўртасидаги рационал нисбатларни белгилашга, кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш миқдорини топишга олиб келади.

Истиқболлаштириш натижалари меҳнат бозори фаолиятининг мақсадли комплекс дастурини ахборотлар билан тъминлашни ҳам яхшилади.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Меҳнат бозоридаги ишчи кучига талаб ва таклифни истиқболлаштиришнинг аҳамияти нимада?
2. Ишчи кучига талаб ва таклиф қандай блоклар асосида истиқболлаштирилади?
3. Иқтисодиёт тармоқлари бўйича ходимларнинг иш билан бандлиги қандай истиқболлаштирилади?
4. Истиқболни белгилашда қандай моделлар ва усуллардан фойдаланиш мумкин?

Асосий адабиётлар

1. Мурядан Н.Г. Рынок и занятность: социально – экономический анализ и прогноз. –М.: Луч, 1991.
2. Онищенко В.Ф. Рациональная занятость: методология региональных исследований. – Киев: Наукова Думка, 1989.
3. Чингаруали Г.Б. Экономико – математические методы для изучения занятости и использования рабочей силы. – Тбилиси: ТНУ, 1981.
4. Холмуминов Ш.Р. Прогнозирование занятости трудопособного населения // «Экономика и статистика», 1997, №7.
5. Шаленко М. Опыт прогнозирования занятости населения и рынка труда в переходной период: утраченные иллюзии и перспективы // «Экономика Украины» – Киев: 1992, №3

VIII боб

МЕҲНАТ БОЗОРИ ФАОЛИЯТИНИНГ МАҚСАДЛИ КОМПЛЕКС ДАСТУРИ

8.1. Мехнат бозори мақсадли комплекс дастурининг аҳамияти

Мақсадли комплекс дастур меҳнат бозорининг кслажак-даги фаолиятида асосий тадбирларни ишлаб чиқишининг самарали воситаларидан бири ҳисобланади. Шунинг учун меҳнат бозори фаолиятининг мақсадли комплекс дастурини тузишга алоҳида эътибор берамиз. У қишлоқ хўжалиги тармоқларида ишчи кучига талаб ва таклифни камайтириш, саноат, хизмат кўрсатиш ва шахсий меҳнат тармоқларида жонли меҳнат ва иш жойларига ўсиб бораётган талабларни қаноатлантириш, ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасидаги бозор мувозанатига эришиш, ишсизликни камайтириш, юқори малакали ходимларни шакллантириш, бандлик инфратузилмаси объектларини самарали ривожлантириш, банд бўлмаган шахсларнинг ишончли ижтимоий ҳимояланишини таъминлаш, дастурни амалга оширишнинг ташкилий, иқтисодий ва хуқуқий меҳанизмларини та-комиллаштириш каби қисқа ва узоқ муддатли тадбирларни ишлаб чиқишига имкон беради. Ушбу дастур бандликнинг давлат сиёсати, инфляция ва ишсизлик, бандлик ва инвестициялар, иш жойлари ва меҳнат ресурслари ўртасидаги макроиктисодий нисбатлар билан узвий боғланган ҳолда ишлаб чиқиласди.

Ушбу дастурнинг барча бўлимлари ва тадбирларини ишлаб чиқища қуйидаги асосий тамойилларга асосланилади: мақсадга йўналтирилганлик; комплекслик; боғланганлик; аниқлик; кўп вариантлик; ҳақиқийлик; рационаллик; устуворлик; чекланганлик; муддатлилик; эгасига мўлжалланганлик; бошқарувчанлик.

8.2. Мақсадли комплекс дастурнинг тузилиши ва уни ишлаб чиқиши босқичлари

Мазкур дастур таҳлиллар ва муаммолар, мақсадлар, илмий услублар, ахборотлар, моделлар ва ҳисоблаш техникаси, дастурлар, ресурслар, йўгма, ташкилий-иктисодий ва хуқуқий меҳанизмлар каби ўзаро боғлиқ бўлимлардан иборат.


Биринчи бўлим «Таҳлиллар» ва «Муаммолар» деб ном олган иккита бўлимчадан ташкил топади. Таҳлиллар қисмида меҳнат бозорининг ҳозирги вазиятдаги фаолиятига ҳамда ишчи кучига талаб ва таклиф ҳамда ишсизлик кўрсаткичлари динамикасига таъсир этувчи омиллар ва уларнинг худудни иқтисодий, ижтимоий ва демографик ривожланишининг турли жиҳатлари билан алоқаларига миқдорий баҳо берилади. Меҳнат бозоридаги вазият, аввало, ишчи кучига талаб ва таклифнинг нисбати ва қишилоқ хўжалиги, саноат, хизмат кўрсатиш ва шахсий меҳнат тармоқлардаги ўзгаришлар билан ифодаланади. Дастурни ишлаб чиқишида меҳнатга қобилиятли иш билан банд бўлган ва банд бўлмаган (ишсиз) аҳолининг миқдори ва сифати таснифлари ҳамда бандликка қўмаклашиш жамғармаси шаклланишида иштирок этувчи молиявий ресурслар, корхона ва ташкилотларнинг даромадлари, ходимлар иш ҳақининг даражаси мухим аҳамиятга эга.

Иккинчи бўлинмада меҳнат бозори фаолияти бўйича тадбирлар ишлаб чиқишида вужудга келадиган асосий муҳим муаммолар аниқланади. Уларга қуйидагилар киради: саноат, хизмат кўрсатиш ва шахсий меҳнат тармоқларида ишчи кучига талаб ва таклифнинг ошиши; ходимлар қишилоқ хўжалигидан озод бўлшиларишинг таъминланishi; ишчи кучига талаб ва таклиф ўргасидағи ўсиб борувчи номутаносибликнинг қисқариши; миллӣ қадрлар малакаси ва ракоబатбардошлигининг ошиши; ишсизликнинг йўл қўйиладиган (табиий) даражагача камайтирилиши; ишчи кучини ёллаш бўйича бозор мунособатларини тартибга солишида иқтисодий ва хукуқий асосларнинг яратилишин ва бошқалар.

Дастур таркибида меҳнат бозори фаолиятининг «Мақсадлар даражати» асосида шаклланган мақсадлар бўлими етакчи ўрин эгаллайди. Дастурдаги мақсадлар уларни амалга оширишининг устуворлиги ва уларга эришиш учун зарур бўлган ресурслар ва воситаларнинг мавзусига қараб, кетма-кетлик тартибида жойлашган бўлади (6-расм).

Асосий мақсад (О) аҳолининг моддий фаровонлитини яхшилаш.

Биринчи даражалик мақсад — меҳнат ресурсларининг оқилона бандлигини таъминлаш: 0.1.1 — қишилоқ хўжалиги ишлаб чиқариш тармоқларидағи экинларнинг мавжуд таркиби ни ўзгартириш ва интенсив технологияларни кўплаш йўли би-



6-расм. Мехнат бозори фаолияттннинг «мақсадлар дарахти»ни аңа эттирини чизмасы.

лан меҳнат қилиш минтақасини қисқартириш; 0.1.2 саноат, хизмат кўрсатиш ва шахсий меҳнат тармоқларида маҳаллий ва хорижий инвестициялар ҳисобига янги иш жойларини яратиш; 0.1.3 иш жойлари билан меҳнат ресурслари ўртасидаги рационал нисбатларга эришиш.

Иккинчи даражали мақсад — ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасидаги бозор мувозанатига эришиш: 0.1.2.1 қишлоқ хўжалигидаги ишчи кучига талабни камайтириш; 0.1.2.2 - саноат, хизмат кўрсатиш ва шахсий меҳнат тармоқларига ишчи кучига талабни ошириш; 0.1.2.3 қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига ишчи кучи таклифини камайтириш; 0.1.2.4 - саноат, хизмат кўрсатиш ва шахсий меҳнат тармоқларига ишчи кучи таклифини ошириш; 0.1.2.5 ёлланма ходимлар ва иш берувчиларнинг шахсий ва жамоа манфаатдорлигини таъминлаш; 0.1.2.6 ёлланма ходимлар касб-малака даражаси ва ракобатбардошлигини ошириш.

Учинчى даражали мақсад — қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида ишчи кучига талаб ва таклифни камайтириш: 0.1.2.3.1-меҳнат унумдорлигини ошириш; 0.1.2.3.2-асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланиш самараадорлигини ошириш; 0.1.2.3.3-интенсив технологияни қўллаш; 0.1.2.3.4 - мулкчиликнинг самарали шаклларини татбиқ этиши; 0.1.2.3.5 ушбу тармоқ ичидаги таркибий ўзгаришларни таъминлаш; 0.1.2.3.6 мазкур тармоқдан озод қўлинган ходимларни иш билан таъминлаш учун саноат, хизмат кўрсатиш ва шахсий меҳнат тармоқларида меҳнатни қўллаш минтақаларини кенгайтириш; 0.1.2.3.7-қишлоқ хўжалигидан озод бўлган ходимлар ишчи кучи етишмайдиган худудларга кўчишига кўмаклашиш ва рағбатлантириш.

Тўртингчى даражали мақсад — ишсизликни камайтириш: 0.1.2.3.4.1 қишлоқ хўжалиги маҳсулотларни тайёрлаш ва қайта ишлашнинг мавсумий даврларида вақтингчалик иш жойларини тақдим этиши; 0.1.2.3.4.2 қишлоқ хўжалиги бўлмаган янги иш жойларини яратиш; 0.1.2.3.4.3 кафолатлаштирилган (квоталаштирилган) янги иш жойларини яратишга ҳамкорлик қилиш; 0.1.2.3.4.4 - банд бўлмаган аҳолини ўзини-ўзи банд қилишларига ҳамкорлик қилиш ва рағбатлантириш; 0.1.2.3.4.5 - ижтимоий ишларни ташкил қилиш; 0.1.2.3.4.6 - банд бўлмаганларнинг касб - малака даражаси билан иш жойлари тузилишини мувофиқлаштириш; 0.1.2.3.4.7 - қўшимча или жойларини яратувчи хусусий тадбиркорларни рағбат-

лантириш; 0.1.2.3.4.8 - банд бўлмаган кишиларнинг ишчи кучи стишамайдиган туманларга вақтингчалик кўчишига ҳамкорлик қилиш ва рағбатлантириш; 0.1.2.3.4.9 - банд бўлмаган ишчи кучи экспортини ташкил қилиш ва рағбатлантириш.

Бешинчли дараҷали мақсад - меҳнат бозори фаолиятини тартибга солишининг ташкилий-иктисодий ва хукуқий механизмлари самарадорлиги ошишини таъминлаш: 0.1.2.3.4.5.1 - банд бўлмаган аҳоли учун янги иш жойларини яратиш бўйича давлат, маҳаллий ва хорижий дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш; 0.1.2.3.4.5.2 - нодавлат тузилмалар учун ишга қабул қилишга квоталар ва иктисодий рағбатлантиришнинг тегишли тадбирларини белгилаш; 0.1.2.3.4.5.3 - деҳқон (фермер) хўжаликларини ташкил қилиш ва кичик, ўрга бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун имтиёзли кредитлар бериш; 0.1.2.3.4.5.4 - ишсизлар учун янги иш жойларини ташкил қилиувчи хорижий тадбиркорларни вақтингчалик асосий солиқлардан озод қилиш; 0.1.2.3.4.5.5 - ходимларга иш ҳақи тўлаш бўйича ҳар қандай маъмурий чеклашларни бекор қилиш; 0.1.2.3.4.5.6

ишсизлик нафақасини ошириш; 0.1.2.3.4.5.7 мавсумий жамоа ишларини ташкил қилиш; 0.1.2.3.4.5.8 доимий жамоа ишларини (ободончилик, иктисодий ишлар, ижтимоий ҳимоя ва ҳоказо) ташкил қилиш; 0.1.2.3.4.5.9 ишсизларни қайтадан ўқитиш ва малакасини оширишни ташкил қилиш; 0.1.2.3.4.5.10

ишчи кучига талаб, унинг таклифи ва нархи ҳақидаги маълумотларнинг статистик, кадрлар маркетинги ва социологик банкни яратиш; 0.1.2.3.4.5.11 - ёлланма ходимлар ва иш берувчилар ўртасида бозор мунособатларининг хукуқий асосларни яхшилаш.

Мақсадларнинг мазмуни худуддаги ижтимоий-иктисодий ва демографик вазиятларга мувофиқ ўзгаради. Юқорида қайд этилган мақсадлар республикамизнинг бозор иктисодистига ўтиш даври учун мўлжалланган.

Дастурнинг «Илмий услублар таъминоти» бўлими меҳнат бозори фаолияти соҳасидаги сиёсатни ишлаб чиқиш ва ўтказишининг илмий-амалий асосларини яратишдан бошланади. Унга қўйидагиларни киритиш мақсадга мувофиқ; меҳнат бозорини тартибга солишининг тамойиллари ва ёндашишлари; мақсадга эришиш усуллари; бандлик сиёсатининг асосий йўналишлари; ишчи кучи талаби ва таклифини тартибга солиш соҳасидаги устуворликлар; ташкил ва ички ижтимоий-иктисодий шароитлар-

ни ўзгартириш бўйича муқобил тадбирлар; меҳнат бозори тизимчаларини шакллантирувчи омиллар; ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг бошқа блоклари билан ўзаро ҳамкорликлари.

Бундан ташқари бу бўлимда меҳнат бозори фаолияти ҳолатининг таҳлили ва истиқболлаштиришда қўлланиладиган услублар, қоидалар ва йўриқномалар мажмуаси ҳам ўз аксини топади.

Дастурни ишлаб чиқишида «Ахборотлар билан таъминлаш» бўлими муҳим аҳамиятга эга. У статистик ҳисобот, кадрлар маркетинги ва аниқ социологик тадқиқотларнинг маълумотлари асосида шаклланади.


Мазкур бўлимда товарлар, қимматли қофозлар ва илмий ишланмалар бозорлари, тадқиқ қилинаётган ҳудуд ривожланишининг демографик, ижтимоий ва иқтисодий кўрсаткичлари ҳақида ахборотлар ҳам бўлади.

Дастурнинг «Моделлар ва ҳисоблаш техникаси таъминоти» бўлими меҳнат бозори шаклланиши ва ривожланишининг таҳлили ва истиқболини белгилашда ҳамда рационал параметларини аниқлашда қўлланиладиган эконометрик моделлар, баланс услублари, амалий яратган дастурлар пакети, ҳисоблаш техникаси ва бошқа воситалар мажмуасидан иборат бўлади.

«Дастурлар таъминоти» бўлими турли тадбирлар, уларни бажарувчи масъул шахслар ва бажариш муддатлари кўрсатилган, ўзаро bogланган аниқ дастурчалар мажмуасидан иборат бўлади. Улар меҳнат бозори фаолиятининг «мақсадлар дарахти» асосида тузилади. Ҳар бир дастур ўзаро bogланган бир неча бўлимлардан ташкил топади (7-расм).

«Ресурслар таъминоти» бўлими дастурни амалга ошириш учун зарур бўлган моддий-техник ва молиявий ресурсларни ва уларни ҳосил қилиш манбаларини акс эттиради.

Унинг молиявий маблағлари (M) қуйидаги асосий йўналишлар бўйича сарфланиши кўзда тутилади: ишсизларга нафақа бериш (N); жамоа ишларини ташкил қилиш (J); қисман ёки тўлиқ бўлмаган бандликка кўмаклашиш (B); пенсияга муддатдан эртароқ чиқишга ёрдам бериш (P); ходимларни қайта тайёрлаш ва ўқитиш (J); янги иш жойларини яратиш (I); ишсизларнинг ўзини-ўзи банд қилишига ва тадбиркорлигига кўмаклашиш (T); миграция (M); компьютер техникаси (K), амалий дастурлар пакетлари (P), методик йўриқномалари (Y), харид қилиш ва бошқа йўналишлар (B).



7-расм. Меҳнат бозори фаолияти мақсадлари комплексе дастурининг ўзаро боғланган дастурчалар чизмаси.

Бу ҳолда керакли молиявий маблағлар ҳажми қуйидаги тартибда аниқланади:

$$M = a_1H + a_2J + a_3B + a_4P + a_5J + a_6I + a_7T + \\ + a_8M + a_9K + a_{10} \hat{P} + \dots + a_{11} \hat{J} + a_{12}B, \quad (1)$$

Бу ерда: a_n - тузатиши кири тувики коэффициенттер (n = 1,12).

Дастурни маблағлар билан таъминловчи худуднинг молиявий ресурслари (MP) қуйидаги манбалар асосида шаклланади: бандликка қўмаклашиш жамгармасининг маблағлари (БЖ); вилоятлар ва туманлар бюджетларининг маблағлари (МБ); юқори идора ва бошқа бюджетларнинг тушумлари (бевосита бандлик жамгармаси тушумларидан ташқари) (ББ); давлатни бандликка қўмаклашиш жамгармасининг мақсадли тушумлари (ДБЖ); бюджетдан ташқари тушумларнинг маблағлари (вилоят, туманлар) (ТТ); корхона ва фирмаларнинг жалб этилган маблағлари (КФМ); шахсий молиявий-тижорат фаолиятидан (ШМ), лотарсия-засёмлар, кредитлар (К), хайриялар (Х) ва бошқа маблағлардан тушумлар (БТ).

Молиявий ресурсларнинг барча ҳажми қуйидаги тартибда аниқланади:

$$MP = BЖ + MБ + BБ + ДBЖ + TT + KФM + ШM + LЗ + K + X + BT, \quad (2)$$

Сводн й (йирма) бўлимда меҳнат бозорининг тахмин қилинадиган ҳолати, дастур тадбирлари амалга оширилгандан кейин аҳолининг иш билан бандлиги ва ишсизлик даражасини таърифловчи якуний қўрсаткичлар (натижалар) мавжуд бўлади. Уларга қуйидагилар киради: меҳнаттага лаёқатли иш билан банд бўлган ва банд бўлмаган аҳоли сони; ишчи кучига талаб, таклиф ва баҳо (меҳнат ҳақи); янги яратилган иш жойлари миқдори; ишга (доимий ва вактинчалик) жойлашган шахслар; малакасини ошираётган ишчилар сони; ишсизлар сони, жумладан, нафақа олувчилик; ихтиёрий банд бўлмаган шахслар сони; ишчи кучини экспорт қилишнинг ҳажми ва бошқалар.

«Дастурни амалга оширишнинг ташкилий-иқтисодий бошқарув меҳанизми» бўлими ўз ичига қуйидагиларни олади: биринчидан, дастурни бошқаришнинг турли даражадаги идоралар тизимини; иккинчидан, иқтисодий нормативларни тақомиллашибтириш ва мувофиқлаштириш бўйича тадбирлар мажмуасини;

учинчидан, муаммоларни ҳал қилишга ажратилган ресурсларни тақсимлашни ва бошқаришнинг услублари ҳамда шаклларини; тўртингидан, дастурий топшириқларни амалга ошириш устидан назорат қилиш шакллари ва услубларини.

Дастурнинг «Хуқуқий таъминот» бўлими меҳнат бозори фаолиятини тартибга солишга мўлжалланган юридик ва норматив хужжатлардан иборат бўлади («Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги қонун, «Меҳнат Кодекси» ва бошқалар). Янги хуқуқий-норматив хужжатлар қабул қилинганидан кейин улар зудлик билан дастурни амалга оширувчиларга стказилиши керак.

Дастурни ишлаб чиқиши ва бошқаришни ташкил қилишнинг асосий босқичлари бўлимларнинг изчилик билан жойланнишига асосланади: мақсадлар ва асосий вазифаларни аниқлаш; таҳлил ва истиқболлаштиришнинг методик ва модел аппаратларини ишлаб чиқиши; статистик, маркстинг ва социологик ахборотларни йиғиши ва таҳлил қилиши; дастурчалар мажмусини тузиш; дастурга аниқлик киритиши ва тасдиқлаш; дастурни амалга ошириш бўйича бошқарувнинг ташкилий-иктисодий ва хуқуқий механизмларини яратиши.

Мазкур дастур самарадорлигини харажатлар билан натижаларни таққослашнинг классик йўли орқали баҳолаш мумкин эмас. Уни амалга оширишнинг самарасини ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасидаги фарқ динамикаси, аҳолининг иш билан бандлиги ва ишсизлик даражасига қараб баҳолаш мақсадга мувофиқ.

Қисқача хуосалар

Ушбу дастур меҳнат бозорида ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасидаги бозор мувозанатига эришиш, ишсизликни камайтириш, юқори малакали, қасбга эга ҳодимларни шакллантириш, банд бўлмаган шахсларнинг ишончли ижтимоий ҳимоялашни таъминлаш каби қисқа ва узоқ муддатли тадбирларни ишлаб чиқнишга имкон беради.

Мазкур дастур бир-бири билан ўзаро боғланган бўлимлардан иборат бўлиб, унда «мақсадалар дараҳти»ни ифодаловчи бўлим стакчи ҳисобланади.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Меҳнат бозорининг мақсадли комплекс дастури қандай аҳамиятга эга?
2. Дастур тузишининг қандай тамойиллари бор?
3. Мақсадли комплекс дастур қандай бўлимлардан ташкил топган?
4. Ушбу дастур қандай босқичлар асосида ишлаб чиқилади?
5. Дастур тадбирларини амалга ошириш самарадорлиги қандай аниқланади?

Асосий адабиётлар

1. Заславская Т.И. Ривкина Р.В. Методологические проблемы системного изучения деревни. –Новосибирск: Наука, 1977.
2. Программа – целевое управление воспроизводством трудовых ресурсов // Отв.ред. В.В.Опикенко и др. – Киев: Науков. Думка, 1983.
3. Холмуминов Ш.Р. Моделирование сельского рынка труда. –Т.: Фан, 1996.

IX боб

МЕХНАТ БОЗОРИНИ ЭКОНОМЕТРИК МОДЕЛЛАШТИРИШ

9.1. Мехнат бозорини эконометрик моделлаштиришнинг моҳияти

Ҳозирги пайтда бозор иқтисодиётiga ўтиш жараёнида юзага келаётган мураккаб ижтимоий-иктисодий муносабатларни миқдор жиҳатдан ўрганишда иқтисодий кибернетикани ривожлантириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу соҳада эконометрик моделлаштириши самарали ҳисобланади [1, 2, 3, 4].

Режалаштирилган иқтисодий шароитда эконометрик моделларни кўллаш чекланган эди. Унга тор мазмунда иқтисодий жараёнларнинг сабаб-оқибатларини ўрганувчи «Математик статистика ва эҳтимоллар назарияси» фанининг бир бўлғаги сифатида қараларди. Совет олимлари эконометрик устубларни «Макроиктисодий моделлаштириши», «Ишлаб чиқариш функциялари», «Тармоқлараро баланслар», «Статистика» каби фанлар соҳаларида кўллаб келдилар. Уларнинг баъзилари эса эконометриканинг режали иқтисодиётга кўлланишини назарда тутиб, унинг «планометрия», деб аталишини таклиф этдилар [4, 89-бет.].

Эконометрика бозор иқтисодиётни назариясининг ривожига муҳим ҳисса кўшди. Унинг устублари ва моделлари талаб ва таклиф, истсъмол, иқтисодий ўсиш, умумий ва хусусий барқарорлик каби бозор иқтисодий назариясининг фундаментал катерияларини асослашда салмоқли ўрин тутади.

Ҳозиргача «Эконометрика» тушунчасини талқин этишда ягона фикр мавжуд эмас. Бу борада проф. А.А. Ривкин американлик машхур олим Д. Жонсоннинг «Эконометрик услуглар» китобига сўз боши ёзганда қуйидаги фикрни баён этади: «Айрим муаллифлар эконометрияни иқтисодий-математик йўналишдаги барча ишлар йигиндиси, баъзилари амалий статистикани мазмунан бойитиш манбаи, бошқалари эса математик статистикада ишлаб чиқилган услугларга асосланган ишлар, деб таърифлашади» [3, 89-бет.].

Катта энциклопедияда «Эконометрика» кенг мазмунда талқин этилиб, у воқсаларни назарий моделлаштириш, дейилади. Тор мазмунда эса у аниқ иқтисодий қонуниятларни, категорияларни,

жараёнларни ва объектларни миқдор жиҳатдан математик ва статистик услублар ва моделлар ёрдамида ўрганувчи фан, деб тушунилади. Эконометриканинг тор мазмундаги тушунчаси «Қискача иқтисодий-математик түфат» китобида ҳам юқоридаги фикрға ўхшаш талқин этилади [4, 307-бет.]. Бу фикрларга асосан, «эконометрика»нинг тор мазмундаги тушунчаси кенг тушунчаси-га нисбатан күп күлланилади, деган хulosага келиш мүмкін.

Бу хulosага асосан, агарда «эконометрика» сўзи «иқтисодиётни баҳолаш» деб ўзгаририлса, унда бу тушунчадан қуийдаги тушунча келиб чиқади. Эконометрика иқтисодий жараёнларни ва воқсаларни миқдорий баҳолашдир. Бу тушунча бўйшча барча иқти-содий-математик моделлар эконометрикага таалтуқли бўлади.

Юқорида қайд этилган барча фикрлар меҳнат бозори шаклланиши ва ривожланишининг комплекс эконометрик моделлаштириш методологиясини яратишда асос бўла олади [4,5-бет.].

Меҳнат бозори комплекс эконометрик моделлаштириш нинг янги обьекти. Унда иш билан банд ва банд бўлмаган ахолининг «меҳнатга қобилиятларини» шартномалар асосида сотиш-сотиб олиш жараённига кўп омиллар ва шароитлар таъсир кўрсатади. Меҳнат бозори шаклланиши ва ривожланишининг айrim компонентларини математик изоҳлаш эконометрик моделлар ишончлигини оширишга олиб келавермайди. Меҳнат бозорининг фаолияти талаб, таклиф, баҳо, рақобат каби ишчи кучини ёллаш воситаларига боғлиқгина бўлиб қолмасдан, балки, мамлакатнинг иқтисодий, демографик ва ижтимоий салоҳиятлари ҳолати билан ҳам белгиланади. Шунингдек, унинг самарали фаолиятида эконометрик моделлар комплекси ёрдамида ахолининг оқилона бандлигини шакллантириш ва ишсизликни камайтириш бўйича аниқланган чора-тадбирлар ҳам муҳим ўрин тутади.

Меҳнат бозори шаклланиши ва ривожланишига таъсир этувчи омиллар ва шароитларни миқдорий баҳолаш комплекс эконометрик моделлаштиришни қўллашни тақозо этади. Бу жараён эса босқичма-босқич олиб борилади.

9.2. Меҳнат бозорини эконометрик моделлаштиришининг босқичлари


Биринчи босқичда меҳнат бозори фаолиятининг «мақсадлар дарахти» ёрдамида эконометрик тадқиқотнинг бош мақсади

ва ҳал қилиниши лозим бўлган муҳим вазифалар аниқланади. Комплекс эконометрик моделлаштиришнинг бош мақсади – меҳнат бозори шаклланиши ва ривожланиши шароитида аҳолининг моддий фаровонлигини яхшилаш бўйича рацонал параметрлар ишлаб чиқиши (Z_0)дир. Муҳим вазифалари эса қуйидагилардан иборат: ишчи кучи тақлифи шаклланишининг демосоциал манбаларини ўрганиш ($z_{01} \in Z_0$); ишчи кучи тақлифининг миқёсини баҳолаш ($z_{02} \in Z_0$); ишчи кучига талабни вужудга келтирувчи иқтисодий кўрсаткичларни аниқлаш ($z_{03} \in Z_0$); ишчи кучига талаб ҳажмини топиш ($z_{04} \in Z_0$); ишчи кучига талаб ва тақлифни тартибга солишининг ижтимоий-иктисодий меҳанизмларини ўрганиш ($z_{05} \in Z_0$); аҳоли оқилона бандлигининг миқдори ва тузилишини аниқлаш ($z_{06} \in Z_0$); жонли ва буюмлашган меҳнат сарфлари ўргасидаги рацонал нисбатларни топиш ($z_{07} \in Z_0$); ишсизлик ҳолатини таҳдил қилиш ва истиқболини белгилаш ($z_{08} \in Z_0$).

Иккинчи босқичда эконометрик моделларнинг турлари танланилади. Тадқиқотлар шуну кўрсатади, Z_0 учун имитацион моделлар мос келади, z_{01} ва z_{03} – иқтисодий-статистик, z_{02} ва z_{04} – баланс, z_{05} ва z_{06} – оптималлаштирилган, z_{07} ва z_{08} – тармоқлараро ва z_{08} – кўпомиллик моделлар ўринли бўлади.

Учинчى босқичда эконометрик моделлар комплекси тузилади ва унинг моделларида ўзаро алоқадорлик аниқланади. Унинг таркибига қуйидагилар киради: ишчи кучи тақлифи шаклланишининг демосоциал манбаларини (DEMOSOC) ва унга бўлган талабни вужудга келтирувчи иқтисодий кўрсаткичларнинг (IQTISOD) иқтисодий - статистик моделлари; меҳнат сарфлари тармоқлараро балансининг моделлари (TAB-M); ишчи кучига талаб ва тақлиф баланс моделлари (TALAB ва TAKLIF); ишчи кучига талаб ва тақлифни ижтимоий-иктисодий тартибга солишининг (TARTIB) ва аҳоли оқилона бандлигини шакллантиришнинг (OBAND) оптимизацион моделлари; ишсизлик ҳолатини таҳдил қилиш ва истиқболини белгилашнинг кўпомиллик моделлари (ISHSIZ) ва меҳнат бозори ривожланишининг имитацион моделлари (MB-R) (8-расмга қаранг). DEMOSOC, IQTISOD, TAB-M, TALAB, TAKLIF, TARTIB, OBAND ва ISHSIZ моделлари ёрдамида меҳнат бозори шаклланишининг комплекс эконометрик моделлари вужудга келади (QMB-SH).

DEMOSOC моделлари ишчи кучи тақлифининг демосоциал асосий манбаларини аниқлашга мўлжалланган. Улар уч кис-



8-расм. Мехнат бозори шақылаптыришінің және риңғожланылыштың комплекс эконометрик моделдірі ахбороттарариниң үзаро алоқадорлығы схемаси.

мдан иборат: демография (аҳолининг сони ва жинси, ёш тузилишини аниқлаш); таълим (мехнатга лаёқатли аҳолининг касб-малака тузилишини топиш); меҳнат ресурслари баланси (меҳнатта лаёқатли ва лаёқатсиз ёшлардаги аҳолининг бандлигини аниқлаш, ишчи кучи таклифининг иқтисодий секторлари ва тармоқлари бўйича тақсимланишини ва унинг миграциясини микдорий баҳолаш).

IQTISOD моделлари асосий ишлаб чиқариш фондлари нинг микдори ва тузилишини, мавжуд ва янги иш жойларининг сони ва қийматини ва инвестициянинг ҳажмини аниқлаш имконини беради. Булар ишчи кучига талабнинг иқтисодий кўрсаткичларини тўлиқ ифодалайди.

Ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ) ва тўғри, эгри ва тўлиқ меҳнат сарфлари ва аҳолининг бандлиги коэффицентларини TAB-M моделлари ёрдамида аниқлаш мумкин.

Агарда TALAB моделлари ёрдамида ишчи кучига бўлган асосий ва қўшимча талабларнинг микдори топилса, TAKLIF моделлари эса ишчи кучи таклифининг сони, жинси, ёши, маълумоти, касби, даромади, иш билан банд эмаслик сабаблари ва ижтимоий ҳимояя мухтожлиги бўйича аниқланади.

TARTIB моделлари эса ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасидаги энг кичик фарқларнинг вариантларини топишга мўлжалланган. Улар икки хил йўналишда аниқланади: қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши тармоқларида ишчи кучига талаб ва таклифни камайтириш; саноат, хизмат кўрсатиш ва шахсий меҳнат тармоқларида эса ишчи кучига талаб ва таклифни кўпайтириш. Мазкур икки йўналиш бўйича рационал вариантларни топишда меҳнат бозори ва аҳоли оқилона бандлиги шаклланишининг иқтисодий, ижтимоий ва демографик шароитлари ва омиллари кўрсаткичлари кенг қўлланилади.

Меҳнат бозори шаклланишининг эконометрик моделлари комплексида ўзининг ижтимоий-иктисодий мазмуни жиҳатдан OBAND модели етакчи ўрин тутади. Чунки, унда меҳнатта лаёқатли аҳолининг иш билан банд ва банд бўлмаган гурухлари даромадларини максимум бўлиши асосий мезон оптимальлиги қилиб олинган. У ишчи кучининг иш билан банд ва банд бўлмаган цисмлари рационал микдори ва тузилишини топишга имкон беради. Бу эса ишсизликни камайтириш учун асосий шароит ҳисобланади.

ISHSIZ моделлари ишсизликнинг миқдори, улуши, йўл кўйиш мумкин бўлган даражасини ҳамда унинг яширин, мавсумий, технологик ва таркибий каби турлари миқёснин таҳдит қилиш ва истиқболини белгилашга мўлжалланган. Бунда кўпомислиқ моделлар ёрдамида ишсизлик даражасига таъсири этувчи иқтисодий, ижтимоий ва демографик омилтарнинг миқёснин аниқлаш мумкин.

МВ-Р имиграцион моделлари комплексини тузищдан асосий мақсад – аҳолининг моддий фаровонлигини яхшилашининг рационал варианatlарини (счимларини) топишидир. Улар эса МВ-Р нинг кўйидаги моделлар блокларини счиш орқали аниқланади: меҳнат бозори ижтимоий-иқтисодий тузилишининг ривожланиши; ишни кучи таклифининг шаклланиши; ишчи кучига талабнинг вужудга келиши; ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасидаги рационал нисбатларга эришиш; мазкур бозор инфра-тузилмасининг ривожланиши.

Мазкур моделлар комплекси меҳнат бозори фаолиятининг мақсадли йўналнишига мўлжаллаб яратилган. Бундай моделларни ишлаб чиқишининг бошланғич давридаёт, иқтисодий ва ижтимоий ривожланиши моделлари билан узвий алоқа ўрнатилиб, уларнинг «чиқиш» ахборотларидан фойдаланилади.

Меҳнат бозорининг эконометрик моделлари комплексини (ЭМК) тузища рефлектор ёндашиш (услуби)дан фойдаланиш мақсадга мувофиқидир. Унинг ёрдамида меҳнат бозори фаолиятига таъсири этувчи ички (V_i) ва ташки (W_i) шароитларни тўла ўрганиш мумкин. $V_i W_i$ бўйича яратилган ЭМК да асосий эътибор меҳнат бозори бўлимлари ривожланишининг ички шароитларини ҳисобга олишга қаратилган бўлади. Рефлектор услуби ёрдамида счилиши лозим бўлган аниқ масалалар изоҳланади.

Меҳнат бозорининг асосий бўлимларини мукаммал изоҳлаш рефлектор услубининг бош ҳусусияти ҳисобланади. Мазкур бозорнинг бир бўлими рефлектор модели счимларинг бошқа бўлим модели натижалари билан таққослашни талаб этмайди. Аксинча, бирининг асосий натижалари бошқа бўлимларнинг рефлектор моделларини шакллантиришда «кириш» ва «чиқиш» ахборотлари бўлиб хизмат қиласади. Турли бўлимларни (объектларни) изоҳловчи бир нечта рефлектор моделларнинг шароитларини ва счимларини математик изоҳлаш анча мураккаб ва кам ўрганилган муаммодир.

Рефлектор услуби эконометрик моделлар ўртасида мукам-

мал-горизонтал алоқалар бўлишини таъминлайди, яъни бир моделнинг «чиқиши» ахбороти бошкаси учун «кириши» ахбороти ҳисобланади. Бунинг натижасида меҳнат бозорининг ривожланиш модели (MB-R) шаклланади.

Тўртинчи босқичда тузилган меҳнат бозори шаклланиши ва ривожланиши ЭМК ларини счиш устублари аниқланади. Бундай устублар жумласига чизиқли ва блокли дастурлаш, компьютерда имитациялаш, карреляцион-регрессион таҳдиллаш каби иқтисодий кибернетиканинг асосий воситалари (куроллари) киради. Иқтисодий-математик масаланинг боришига қараб, юқорида қайд этилган устублардан бири кўпланилади. Масалан, меҳнат бозори шаклланишининг ЭМК ва ўрганилаётган объектнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиши асосий кўрсаткичлари негизида вужудга келган MB-R имитацион модельлари комплексини счишда компьютерда имитациялаш услуги ишлатилади.

Моделлаштиришнинг ушбу босқичида ишлаб чиқилган модельларни компьютерда счиш учун маҳсус алгоритмлар ва дастурлар тузилади ҳамда тайёр амалий дастурлар пакстини (ТАПП) кўллаш имкониятлари аниқланади. Меҳнат бозорининг ЭМК ни татбиқ этишда TSP, LPS88 (АҚШ), RUSSIA ТАПП ва муаллиф дастури M-BOZOR кўпланилади.

Бешинчи босқичда меҳнат бозорининг ЭМКни татбиқ этиш учун зарур бўлган ахборотлар тўпланиди ва таҳдил килинади ҳамда уларнинг ишончлиги аниқланади. Унинг ахборот таъминоти меҳнат сарфлари тармоқлараро баланслари, статистика маъдумотлари ва кадрлар маркетинги ва аниқ социологик тадқиқотларнинг натижалари асосида бойитилади.

Кадрлар маркетинг тадқиқоти ишчи кучига талаб ва таклифи ва улар ўргасидаги нисбатларни баҳолашни яхшилайди. Унинг натижалари TALAB, TAKLIF, TARTIB ва MB-R модельларини татбиқ этишда кўпланилади. Кадрлар маркетинги тадқиқоти күйидаги босқичларда ўтказилади: асосий мақсадларни, мухим муаммоларни ва вазифаларни аниқлаш; меҳнат бозори конъюнктурасининг асосий элементлари бўйича ахборотларни тўплаш ва таҳдил қилиш; ишчи кучи ва унинг таклифи ўргасидаги номутносибликни топиш; ишсиаликнинг миёси ва сабабларини аниқлаш; ишсиаликни камайтириш бўйича тадбирлар ишлаб чиқиш; зарурий мутахассисликлар ва ихтиосчикларнинг миқдори ва таркибини аниқлаш; ишчи кучига талаб ва таклиф ўргасидаги нис-

батларни мувофиқлаштириш; мсұнат бозорининг асосий элементтери ва маркетинг күлами бүйінча күпвариантлы истиқбол ресжаларини белгилаш; реклама агентлигининг маҳсулоттарини ишлаб чиқыш, тарқатыши ва сотиши; мсұнат биржалари кадрлар маркетинги фаядияттеги стратегик дастурларини тузиш.

Аниқ социологик тәдқиқоттарни (ACT) ўтказиш O-BAND, ISHSIZ ва MB-R моделларининг ахборот таъминотини яхшилайды ва ишга ёлланған ходимлар билан иш беруучилар ўтрасидаги ижтимоий-иктисодий муносабатларни янада такомиллаштириш ва ищцизликни камайтириш бүйінча устувор чора-тадбирлар ишлаб чиқыш имконини беради.

Социологик ахборотларни шакллантириш ва уларни тузилған ЭМК да күллаш қуйидаги босқычларда олиб борилади: ACT нинг бош мақсадини, асосий вазифаларини, предмети ва обьектини аниқлаш; анкесталарни тузиш; анкста саволларига жавобларни кодлаштириш; ACT обьектларини танлаш услугаларни аниқлаш; танланған обьектларнинг демосоциал ва иктисодий ривожланишин билан танишиш; ACT обьектларидаги рееспондентларни (сүра тувшыларни) танлаш; социологларни, иктисодчиларни, сүрөт ўтказувчиларни (интервьюерларни) ва дастурчиларни танлаш ва ўқитиши; социологик дастур тузиш; рееспондентлар билан сүров ўтказиши ва анкесталарнинг түғри түлдірилғанligини текшириш; сүровнинг дастгабки ахборотларини компьютерда қайта ищаңшылдашып, қосыл қылған социологик ахборотлар асосида илмий ҳысбот тузиш ва қайд этилған моделларни күллаштырыш.

Олтинчы босқычда тузилған ЭМК TSP, LPS88, RUSSIA ва M-BOZOR дастурлари ва шончли ахборотлар ѳрдамида компьютерлерге кириллица, зарурий натижалар (символдар) ҳосил қылғанади.

Эконометрик моделлшыларның сүнгти босқычыда эса компьютердан олинған натижалар иктисодий-математик бағланади, шончлилігі текшириледи ва мсұнат бозори шаклланғандағы ривожланишининг рационал вариантын топылади.

Мсұнат бозорининг ЭМК натижалары ижтимоий мұхома-залаңған бозор иктисодиеттеги бошқа моделлари ахбороти таъминотини янада бойитади. Масалан, O-BAND моделидеги иш билан банд ва банд бўлмаган аҳолининг даромадлари «чиқиши» қўйсаткичи сифатида турмуш тарзи ва ижтимоий ривожланиши моделлари учун «кириш» ахбороти бўла олади.

Мазкур ЭМКнинг мұхым афзальлыги унинг кулай дастур ва ма-

тематик таъминотидир. Унинг чизиқсиз дастурлаш характеристига эга бўлган қисми ҳам сингил алгоритмланади. Шунинг учун моделларни компьютерга киритиш кестма-кет олиб борилади. Бу эса масалаларнинг счимларини тезда топиш ва вақтии тежаш имконини беради.

Шу билан бирга ЭМК чекланишлар хусусиятига ҳам эга. Бундай хусусият қуёйидаги ҳолатларда кўринади: биринчидан, мазкур моделлар комплексси таркибида аҳолининг түрмуш даржаси модели учрамаслиги ижтимоий истеъмол талабини тўлиқ асослай олмайди; иккинчидан, шаклланा�ётган ва ривожланаётган бозор иктиносидиёти муносабатларининг барча ижтимоий-иктиносидий жумбоқларини аниқлаш ва счиш имкониятига эга эмас; учинчидан, моделларни татбиқ этишда натурал кўрсаткичларга нисбатан қўпроқ киймат ўлчовларининг ишлатилиши маълум даражада натижалар ишончлилигини пасайтиради. Комплекс эконометрик моделлаштиришдаги қайд этилган камчиликларни ижтимоий ривожланиш бўйича қўшимча моделлар ишлаб чиқиш йўли билан бартараф этиш мумкин.

9.3. Мехнат бозорининг эконометрик моделлари комплекси

Мехнат бозори шаклланиши ва ривожланишининг иктиносидий-математик тадқиқотида комплекс эконометрик моделлаштириш стакчи ўрин тутади. Мехнат бозори шаклланишининг ЭМК тузишда аҳоли иш билан бандлиги таҳлили ва истиқболини белгилаш масалаларини счиш бўйича ҳамдўстлик давлатлари олимларининг кўпгина тадқиқотлари мавжудлигини ҳисобга олиш лозим. Лекин улар бозор иктиносиди муносабатлари шаклланиши билан боғланмаган. Ҳолбуки, бу тадқиқотларда аҳолининг иш билан бандлиги тузишлишида иктиносидиётнинг самарали фаолият кўрсатиши туфайли ижобий ўзгаришлар яқин кесла-жақда содир бўлиши таъкидланган. Аҳолининг иш билан бандлигидаги номутаносибликларни камайтириш ишловчиларнинг бир тармоқдан бошқасига ўтиши учун шароитлар яратиш ва уларнинг малакасини ошириш каби муаммолар ифодаланган. Бироқ, меҳнат бозори, айниқса, унинг шаклланиш меҳанизмлари аналитик нуқтаи назардан батафсил ўрганилмаган.

Аҳолининг меҳнатга бўлган талаби икки томонлама ифодаланган: миқдор жиҳатдан меҳнат ресурсларининг қўпайи-

ши ёки камайиши, сифат жиҳатдан - ишни кучи малака таркибининг ўзгариши.

Ишлаб чиқариш ва аҳоли талабларини бир-бирига мос келиш меҳанизми иш жойлари сонини ишловчилар миқдорига тенглаштириш бўйича тадбирлар йифиндиси деб изоҳланган. Масалан, баъзи манбаларда [2,862-бет.] моделлар диференциал тенгламалар тизими кўринишида берилган бўлиб, уларда иш жойлари ва меҳнат ресурслари мослигининг динамикаси батафсил ёритилган. Бунда иш жойлари сонининг ўсиши асосий ишлаб чиқариш фонdlари кўпайиши ва камайиш омилларининг таъсирига боғлиқ бўлган. Шунинг учун бўш иш жойлари ва ишловчилар салоҳияти марказлаштирилган бошқариш орқали мувофиқлаштириб турилади. Иқтисодиётни таркибий ўзгариш маънавий ва жисмоний эскирган иш жойларини ва ишлаб чиқариш фонdlарини йўқотиш ва тўғри инвестиция сиёсатини олиб бориши билан узвий боғлиқ.

Меҳнат бозорининг хорижий моделлари таҳдили мөхнат бозори шаклланишини миқдорий баҳолашга бошқача ёндашишни тақозо этади. Бу срда бош масала, меҳнат ресурсларини тақсимлаш ва қайта тақсимлаш имкониятларидан ҳамда улар тақлифининг янги манбаларини режалаштиришдан воз кечиш эмас, балки меҳнат бозорининг шаклланишига кейинги йилларда олиб бориластган иқтисодий сиёсатни, кризис жараёнини, якин кела жақда юз берадиган аҳолини иш билан таъминлаш тузилишини ва бошқариши услублари таъсирини ўрганишдан иборат.

Бизга маълумки, хорижий иқтисодчиларнинг тадқиқотларида иш ҳақи мөхнат бозорини тартибга солувчи мухим восита сифатида таъкидланган. Меҳнат бозори шаклланишида эса, иш ҳақи ишчи кучи талаби ва тақлифларини «тенглаштирувчи» омил бўла олмайди. Шу билан бирга кейинги йилларда меҳнат даромадларининг пасайиши, нодавлат корхоналарининг пайдо бўлиши ва талаб ва тақлиф ўртасидаги номуносибликининг кучайиши иш ҳақининг мөхнат бозорида тартибга солувчи сифатидаги таъсирини кучайтирди. Бу эса меҳнат бозори шаклланишининг ЭМКда иш ҳақини тартибга солиши меҳанизмларининг асосий элементи сифатида ҳисобга олиниши мақсадга мувофиқлигини тақозо этади.

Бошқа томондан эса, реал мөхнат ҳақининг камайиши иқтисодиётда тақчиллик даражаси тезда ошишига олиб кел-

мокда. Бу эса, ЭМКни тузишдан нобарқарорлик услуги қўлланинини тақозо қилиб қўяди. Бунда қўйидаги шартлар ҳисобга олиниши даркор: меҳнат бозоридаги мувозанатсиликни аниқлашда ишчи кучи талаби ва таклифи ўртасида минимал фарқни таъминлаш мезонининг асос бўлиши; меҳнат ҳақини тартибга солишнинг самарали механизмлари мавжуд эмаслиги.

Одатда, макромоделлар тузилишида халқ хўжалиги ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш жабхаларига бўлинади. Ана шундай ёндашиб [1] тадқиқот моделларида мавжуд. Ёки моделлаштириш масаласининг қўйилиши мазмунидан келиб чиқкан ҳолда халқ хўжалигини тармоқларга бўлиш мумкин.

Лекин, меҳнат бозори шаклланиши масаласини счишда иқтисодиётни тармоқларга бўлиш старли эмас. Ҳолбуки, меҳнат бозорини моделлаштиришда иқтисодиётни меҳнатта лаёқатли аҳолининг иш билан бандлик секторларига бўлиб, тадқиқот олиб бориш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Таҳлил ва истиқболда қўзда тутилган режалар бўйича амалий масалаларнинг характеристига қараб, моделларнинг блоклари аниқлаштириллади ва ўзгартириллади. Дастрлабки моделлар блоклардан иборат бўлиб, уларда ҳар бир секторнинг ишчи кучига талаб ва таклиф тузилмаси ифодаланган бўлади ҳамда меҳнатта лаёқатли аҳолининг ёши, сони, жинси, малакаси ва маълумотига экзоген ўзгарувчилар сифатида қаралади. Шунингдек, аҳолининг табиий ва механик ҳаракатлари ҳам DEMOSOC моделлар блокини татбиқ этиш туфайли аниқланади. DEMOSOC, IQTISOD ва ТАВ-М моделлари блокларининг натижалари экзоген ўзгарувчилар сифатида меҳнат бозори шаклланишининг бошқа моделларини татбиқ этишда иштирок этадилар. Ушбуни қайд этиш лозимки, экспериментал ҳисоблашлар натижасида меҳнат бозори шаклланишида ЭМКнинг тузилиши ўзаридан туради.

Шунинг учун моделлар блокининг функционал тузилишида эксперт-фойдаланувчи муҳим ўрин тутади.

Меҳнат бозори шаклланишида ЭМКни тузиш ва ҳисоблаш хусусиятлари қўйидагича бўлади:

1. Меҳнат бозори шаклланишида мавжуд ЭМК ўзаро боғланган саккизта моделлар блокидан иборат: ишчи кучи таклифи шаклланишининг демосоциал манбалари (DEMOSOC); ишчи кучига таҷаб вужудга келишининг иқтисодий кўрсаткичлари (IQTISOD); меҳнат сарфларининг тармоқлараро баланслари

(ТАВ-М) ишчи кучининг таклифи (ТАКЛІF); ишчи кучига талаб (TALAB); ишчи кучига талаб ва таклифни ижтимоий-иктисадий тартибга солиш (TARTIB); аҳолининг оқилона бандлигини шакллантириш (O-BAND) ва ишсизлик ҳолатининг тахлили ва истиғболи (ISHSIZ) (8-расмга қаранг).

2. Мехнат бозори шаклланишини комплекс эконометрик моделлаштириш жараённида дастлаб, DEMOSOC (мехнат ресурсларининг сони, ёш тузилиши, малакаси, маълумоти ва меҳаник ҳаракатланиши), ТАВ-М (жонли, буюмлашган ва жамланган мехнат сарфлари ва улар ўртасидаги нисбатлар) ва IQTISOD (ялпи ички маҳсулотнинг, асосий ишлаб чиқариш фондлари ва инвестицияларнинг ҳажми ва тузилиши, иш жойларининг киймати, истеъмол бозорининг ҳолати, ва бошқалар) моделлари ниңг блоклари ишлаб чиқилади. Уларнинг «чиқиши» ахборотлари бошқа моделлар блокларини тузишда «кириши» ахборотлари бўлиб хизмат қиласади.

3. Маълумики, қишлоқ хўжалиги, саноат ва шахсий меҳнат тармоқларининг самарали фаолияти IQTISOD моделларида қайд этилганидек, хизмат кўрсатиш тармоқларининг ривожланиши динамикасига боғлиқ. Бу тармоқлар учун IQTISOD моделларида яхши инвестицион мухит мавжуд.

Мехнат бозори шаклланишининг ЭМК тартибга солиш масалаларини счишга мўлжалланган бўлгани учун, унинг моделларида тескари алоқалар икки йўл билан ҳисобга олинади. Биринчидан, улар рекурсив тенгламалар кўриннишида берилган бўлиб, истеъмол бозоридаги баҳолар даражасини қишлоқ хўжалиги, саноат ва шахсий меҳнат тармоқларининг самарали фаолият кўрсатиш кўрсаткичлари билан боғлайди, яъни улар моделлар бўйича ҳисоб тартибини аниқлайди. Иккинчидан, биз эксперт фойдаланувчиларга тескари алоқа билан биргаликда ЭМКнинг элементи сифатида қарамиз.

Қисқача хуосалар

Эконометрик моделлаштириш меҳнат бозори фаолиятини миқдорий комплекс баҳолашининг асосий воситалардан бири ҳисобланади.

Эконометрик моделлаштириш меҳнат бозори шаклланиши ва ривожланишининг рационал параметрлари (ўлчовлари)-ни топиш имконини беради.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. «Эконометрика» тушунчаси нимани англатади?
2. Меҳнат бозорини эконометрик моделлаштиришининг қандай аҳамияти бор?
3. Меҳнат бозори шаклланиши ва ривожлантирилишини эконометрик моделлаштириш қандай босқичлар асосида олиб борилади?
4. Эконометрик моделлар комплексининг таркиби қандай?
5. Эконометрик моделлар қандай дастурлар ва ахборотлар ёрдамида татбик этилади?

Асосий адабиётлар

1. Гранберг А.Г., Суспицин С.А. Введение в системное моделирование народного хозяйства. – Новосибирск: Наука, 1988.
2. Вин Н.Р., Холден К. Введение в прикладной экономический анализ. -М.: Финансы и статистика, 1981.
3. Джонсон Дж. Эконометрические методы. -М.: Статистика, 1980.
4. Лопатников Л.И. Краткий экономико – математический словарь. -М.: Наука, 1979.
5. Холмуминов Ш.Р. Комплекс экономических моделей сельского рынка труда // Доклады академии наук Республики Узбекистан, 1977, № 5.

X боб

МЕХНАТ БОЗОРИНИНГ КАДРЛАР МАРКЕТИНГИ ТАДҚИҚОТИ

10.1. Мехнат бозорига кадрлар маркетинги тадқиқотини қўллашнинг аҳамияти

Ҳозирги пайтда статистик маълумотлар меҳнат бозоридаги ишчи кучига бўлган талаб ва унинг таклифини тўлиқ ифодалай олмаяпти. Чунки, иш жойларини хисобга олишининг мақбул методикаси йўқлигидан ишчи кучига бўлган талабнинг миқдорини аниқлаш мураккаблигича қолмоқда. Аҳоли бандлигини меҳнат бозори механизмлари асосида оқилона тартибга солиш эса ишчи кучига бўлган талаб ва таклиф миқдори ва таркибини доимий таҳлил қилиб боришни тақозо этадики, иқтисодий жиҳатдан мушоҳада этилган мулоҳазалар шу асосда ишлаб чиқлади. Шундай муаммоларни счишда кадрлар маркетинги асосларини кенг қўллаш ижобий натижалар беради.

Маркетинг тадқиқоти муаммоларига хорижий ва МДҲ, давлатлари олимларининг кўп илмий ишлари бағищланган. Уларда «маркетинг таҳлили» тушунчаси турлича талқин этилади. Масалан, америкалик машхур иқтисодчи Ф. Котлер куйидаги аниқ тушунчани илгари суради: “Маркетинг тадқиқоти – фирма олдида турган маркетинг вазиятлари ҳақида маълумотлар тўпламини систематик равишда аниқлаш, тўйлаш ва таҳлил қилиш натижаларининг ҳисоботи” [3, 95-бет].

Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда товарларга бўлган талаб ва таклифни ўрганишда маркетинг кенг қўлланилади. Ўзбекистонда эса, маркетинг фан сифатида шаклланиб, товарлар, қимматли қоғозлар ва инвостициялар бозорлари таҳлилида ўз ижобий натижаларини бермоқда. Лекин меҳнат бозорининг таркибий қисмларини ўрганишда ундан старлича фойдаланилмаяпти. Бунинг асосий сабаби эса кадрлар маркетингини амалпестда кўллаши методикаси яратилмаганligидир. Холбуки, ҳозирги замон ишбилармонлари унинг асосларини яхши билмоги лозим.

Кадрлар маркетинги ишчи кучига бўлган талаб ва таклифни ҳамда улар ўртасидаги нисбатнинг ҳозирги ва келажакдаги ҳолатини ўрганибгина қолмасдан, аҳоли бандлигини тар-

тибга солувчи асосий механизмлардан бири сифатида ҳам хизмат қиласи. Унинг ёрдамида зарур ахборотларни тўплаш ва таҳлил қилиш билан бирга, меҳнат бозори конъюнктурасини ўрганиш, зарур мутахассисликларга бўлган талабни аниқлаш ва уларни тайёрлаш ва малакасини ошириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш ҳамда кенг миқёсса реклама фаолиятини олиб бориш имкониятларига эга бўлинади. Бунинг асосий мақсади ишчи кучига бўлган талаб ва таклиф ўртасидаги энг мақбул нисбатларни вужудга келтириш асосларини ўрганишдан иборатдирки, бу аҳолининг оқилона бандлигини таъминлашда энг муҳим иқтисодий-ижтимоий аҳамият касб этади.

Кадрлар маркетинги меҳнат биржалари фаолиятида, айниқса, кенг қўлланиши лозим. Бу масалада кичик ва ўрта меҳнат биржалари илмий-тадқиқот институтларига, маҳсус ташкилотларга ёки тажрибали мутахассис-иқтисодчи олимларга мурожаат қилишлари мумкин. Йирик меҳнат биржалари ўз таркибида кадрлар маркетинги бўлимини тузиб, унинг ходимлари орасида иқтисодчи, социолог, психология, математик ва кибернетиклар ҳамда бошقا юқори малакали мутахассислар бўлишини таъминлаши керак. Улар статистик усувларнинг ва иқтисодий-математик моделлар тўпламлари (банклари) ёрдамида меҳнат бозорининг ҳолати ҳақида маркетинг ахборотларини тўплаш ва баҳолаш билан шугулланадилар.


Статистик услублар бандлик ва меҳнат бозорининг таркибий қисмларига доир ахборотларни тўплаш, гурӯҳлап, қайта ишлаш ва уларнинг ишончлилигини текширишга мўжалланган воситалар мажмуудан иборат бўлади.

Моделлар банки эса эконометрик (иқтисодий-математик) моделлар йиғиндисидан иборат бўлиб, улар асосида ишчи кучига бўлган талаб ва таклифни тартиба солишининг энг мақбул маркетинг счимлари топилади. Ҳар бир модель меҳнат бозори шаклланишини ва ривожланишининг шарт-шароитларини ва омилларини ифодалайди.

10.2.Ишчи кучига талаб ва таклифни маркетинг тадқиқ этишининг босқичлари

Ишчи кучига бўлган талаб ва таклиф ҳақида ишончли маркетинг ахбороти ҳосил қилиш учун қўйидаги босқичларда илмий-тадқиқотлар олиб борилиши лозим (9-расмга қаранг).

Биринчи босқичда кадрлар маркетинги тадқиқотининг



9-расм. Кацрлар маркетинги тадқиқоттарини ўтказыши босқычлары.

асосий муаммолари ва мақсади аниқланади. Ечилиши мураккаб бўлган асосий муаммолар жумласига ишчи кучига бўлган талаб ва таклиф ҳақида ишончли ахборотларнинг стишмаслиги, иш билан банд бўлмаган кишиларни иш жойлари билан таъминлаш ва уларнинг сонини камайтириш киради.

Тадқиқотнинг мақсади меҳнат бозорида ишчи кучига талаб ва таклиф ўргасидаги нисбатларни мувофиқлаштириш бўйича стратегик тадбирларни ишлаб чиқиши.

Иккинчи босқичда меҳнат бозори конъюктураси асосий элементларининг ҳолатлари бўйигча ахборотларни тўплаш ва таҳлил қилиш амалга оширилади. Тадқиқотчи бирламчи ёки иккиламчи ахборотларни ёхуд у ёки бунисини бир вақтнинг ўзида тўплаши мумкин. Иккиламчи ахборотлар ички ва ташки манбалар ҳисобидан вужудга келади.

Ички манбалар бўлиб, корхоналарнинг йиллик ҳисоботлари, кадрлар маркетинги тадқиқотларининг натижалари, бандлик хизмати ва меҳнат биржаларининг маълумотлари, реклама агентликларининг шарҳлари ва бошқалар хизмат қиласиди. Ташки манбалар эса иқтисодиёт ва меҳнат бўйича статистик тўпламларининг, халқаро меҳнат ташкилоти вақтли матбуотининг, илмий тадқиқотларнинг ва ихтиослаштирилган маркетинг ташкилотларининг маълумотлари ҳисобланади. Бунга бўш иш жойлари кўргазмаси ва савдоси, меҳнат бозори ва аҳоли бандлиги бўйича илмий анжуманлардан олинган ахборотлар ҳам киради.

Агар иккиламчи маълумотлар тадқиқотнинг мақсадига эришиш учун стархи бўлмаса, у ҳолда бирламчи маълумотларни тўплаш ва «дала маркетинги» деб аталувчи тадқиқотни ўtkазиш зарур. Бунда куйидаги услублардан фойдаланилади: социологик сўровлар; якка ёки жамоавий интервью; иш берувчилар (ишбилиармонлар) ҳолатни кузатиш ва уни ҳисобга олиш; эксперт баҳолаш.

Ишчи кучига талаб ва таклиф ҳолатлари бўйича тўпланган ахборотлар таҳлили жараёнида кадрлар маркетинги тадқиқотининг куйидаги миқдорий баҳолаш услублари қўлланилади:

1. Кўпомиллик услубидан маркетинг счимларини асослашда фойдаланилади, бунинг асосида эса кўпсонли ўзаро боғланган ўзгарувчилар ётади. Масалан, ишчи кучига талабни аниқлаш таклифга боғлиқлиги, ишчи кучининг баҳоси ва рақобатбардошлиги, мавжуд ва янги яратиладиган иш жойларининг сони, реклама миқёси ва унга харажатлар, кадрлар маркетингининг босиқа элементлари.

2. Регрессион - корреляцион услугидан меҳнат биржаси кадрлар маркетинги фаолиятини изоҳловчи ўзгарувчиларнинг гурухлари ўртасидаги ўзаро боғлиқликни ўрганиш учун фойдаланилади.

3. Имитацион услуги шундай ҳолатларда қўлланилади, қачонки, кадрлар маркетинги вазиятларга таъсир этувчи ўзгарувчиларни (масалан, ишчи кучини ёлашдаги рақобатни изоҳловчи) аналитик хисоблаб бўлмайди.

4. Қарор қабул қылувчи стратегик назария услуги (ўйинлар назарияси, ялпи хизмат кўрсатиш назарияси, стохастик дастурлаш) меҳнат бозоридаги вазият ўзгаришига иш берувчиларнинг таъсирини стохастик изоҳлашда қўлланилади.

5. Операциялар тадқиқотининг дитерминант услуги (биринчи навбатда чизиқли ва чизиқсиз дастурлаш) шундай ҳолатларда қўлланади, қачонки, ўзаро боғланган ўзгарувчилар кўплиги мавжуд бўлганда ва оптимал ечимларни топиш зарурлигига, масалан, ўсадиган ишсизликни ҳисобга олган ҳолда меҳнат ресурсларининг оқилона бандлиги варианлари.

6. Гибриллар услуги ўзида дитерминантлик ва эҳтимолликни бирлаштириб (масалан, меҳнат ресурсларининг стохастик тавсифи), кўпингча ишчи кучини тақсимлаш муаммоларининг тадқиқоти учун қўлланилади.

7. Мақсадли дастурлаш услуги иқтисодий-математик таҳлил, истиқболлаштириш, социологик тадқиқот ва эксперт баҳолаш воситалари тўпламидан иборат бўлиб, меҳнат биржаларининг кадрлар маркетинги фаолияти бўйича жорий ва узоққа мўлжалланган тадбирлар ишлаб чиқиша қўлланилади.

Кадрлар маркетинги тадқиқотининг қайд этилган миқдорий баҳолаш услугларини стти гурухи уларнинг турли-туманлигини инкор этмайди. Бу тадқиқотда 50дан ортиқ услугдан фойдаланиш мумкин, лекин кадрлар маркетинги тадқиқотининг бу босқичида фақат стти гуруҳли услугларни қўллаш ишчи кучига талаб ва таклиф миқёссини аниқлаш имконини беради.

Учинчи босқичда ишчи кучига талаб билан таклиф ўртасидаги номутаносибликининг миқёси ва сабаблари аниқланади. Бу жараёнда кўпроқ баланс, эконометрика ва социологик тадқиқот услубларидан фойдаланиш ўринлидир.

Тўртингчи босқичда бажариладиган тадқиқотлар яширин, мавсумий, таркибий, технологик каби ишсизлик турларининг миқдорларини ва сабабларини аниқлашга қаратилган бўлади. Ҳосил қўлинган ахборотлар ISHSIZ моделлари татбиқида қўлланади.

Бесшінчі босқычда ишсизликни камайтириш ва уларнинг малақасини ошириш бүйіча ҳар тарафлама мақсадлы тадбирлар ишлаб чықлады. Улар BAND моделінинг ахборот базасини тұлғидраді.

Олттынчі босқычда маҳаллій ва хорижий иш берувчи тарнинг талабларини хисобга олган ҳолда янги мутахассислар миңдори ва таркиби аниқланади. Улар MB-R моделлари учун «кириш» ахбороти бўлиб хизмат қылади.

Еттінчі босқычда мулкчиликнинг янги турлари вужудга келиши шароитида янги мутахассистарни тайёрлаш ва улар малакасини оширишнинг мажмуйи тавсияномалари ишлаб чықлади. Улар меңнат бозори ривожланишининг имитацион моделларини математик изоҳлашда қўлланади.

Саккизинчі босқыч кадрлар маркетинги тадқиқотида асосий ўрин тутиб, унда меңнат бозорида ишчи кучига бўлган талаб ва тақлиф ўргасидаги номутаносибликни йўқотиш чора-тадбирлари белгиланади. Бунда меңнат бозори конъюнктурасини ўрганишининг мақсадлы дастурлаш устубини кўплаш ижобий натижалар беради.

Тўққизинчі босқычда имитацион ва оптимизацион моделлар ёрдамида меңнат бозори шаклланishi ва ривожланишининг кўп вариантили истиқбол кўрсатичлари аниқланади. Бундан ташқари, банддик хизмати ташкилотлари маркетинг фаолиятининг ривожига доир энг мақбул счимлар варианти ҳам топилади.

Ўнинчі босқычда реклама фаолиятини амалга ошириш тадбирлари ишлаб чықылади ва улар меңнат биржаларида ташкил этилган реклама бошқармаси томонидан амалга оширилади.

Бошқармада тўртта бўлим мавжуд бўлади: ижодий бўлим эълонларни ишлаб чиқиш билан шуғулланади; реклама воситалари бўлими - реклама воситаларини танлайди ва эълонларни жойлаштиради; тадқиқот бўлими ишчи кучига талаб ва тақлифни ўрганади ва тижорат бўлими ишчи кучини шартномалар асосида сотиш ва сотиб олиш билан шуғулланади.

Ўн биринчі босқычда эса аҳоли банддиги хизмати органлари кадрлар маркетинги фаолиятининг стратегик режалари тузилади. Бунда барча босқычлардаги ахборотлардан фойдаланилади.

Кадрлар маркетинги тадқиқотининг босқычлари статистик хисоботларда юқори ишончга эга бўлмаган ишчи кучига талаб ва тақлиф хакидағи ахборотларни тўплаш ва таҳлил қилиш имкониятини беради ҳамда улар меңнат бозорининг эконометрик моделлари комплекси татбикінда маълумотлар базаси бўлиб хизмат қылади.

Қисқача хуросалар

Меҳнат бозорига кадрлар маркетингини қўллаш – статистик аҳборотлар етарли бўлмаган ҳолда, ишчи кучига бўлган талаб ва таклиф ўргасидаги энг мақбул нисбатларни вужудга келтириш асосларини ишлаб чиқиши имконини беради.

Кадрлар маркетинги тадқиқоти ўтказишнинг бир-бири билан узвий bogланган асосий босқичларини татбиқ этиши натижасида меҳнат бозори бўйича ишончли аҳборотлар ҳосил қилинади.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Меҳнат бозорига кадрлар маркетинги тадқиқотини қўллаш қандай аҳмиятта эга?
2. Мазкур тадқиқотнинг мақсади нимадан иборат?
3. Кадрлар маркетинги тадқиқоти қандай босқичларда амалга оширилади?
4. Кадрлар маркетинги аҳборотлари меҳнат бозорининг эконометрик усуллари комплексини татбиқ этишда қандай тартибда қўлланилади?

Асосий адабиётлар

1. Абрамов Г.П. Маркетинг: вопросы и ответы. -М.: Агропромиздат, 1991.
2. Бекмурадов А. Маркетинг: основы современного бизнеса (формирование, условия функционирования и перспективы развития). -Т: Мехнат, 1994.
3. Котлер Ф. Основы маркетинга. -М.: Прогресс, 1991.
4. Новиков Б.Т., Мухитдинов Д.М., Панич С.Н. Теория и практика маркетинга. -Т: Мехнат, 1990.
5. Носиров П., Абдуллаева Ш. Маркетинг – бозор иқтисодиёти асослари – Тошкент: «Ўзбекистон», 1994.

XI боб

МЕҲНАТ БОЗОРИНИНГ СОЦИОЛОГИК ТАДҚИҚОТИ

11.1. Меҳнат бозорини ўрганишда социологик тадқиқотнинг аҳамияти

Ҳозирги пайтда социологик ахборотлардан бозор иқтисодиётига ўтишнинг ижтимоий-иқтисодий натижаларини (оқибатларини) ўрганишда кўп фойдаланилмоқда. Улар меҳнат бозори, аҳолининг иш билан бандлиги ва ишончлик ҳолатларини эконометрик моделлар комплекси (ЭМК) ва тармоқлар баланси (ТАБ) ёрдамида таҳлил қилишда кўлланади ва уларнинг ахборот таъминотини яхшилайди.

Меҳнат сарфлари тармоқлар балансини тузишда ишлаб чиқаришнинг қизғин даврида жалб қилинган ишловчилар ва улар бажарган иш вақти ҳақида ишончли ахборотларни тўплаш анча мураккаб. Бундай вазиятда ахборотлар йигишнинг самаралии услубларидан бири аниқ социологик тадқиқот хисобланади. Мазкур тадқиқотларнинг натижалари жонли ва буюмлашган меҳнат сарфларини, тўғри ва тўлиқ меҳнат сарфлари ва аҳоли бандлиги коэффицентларини аниқлашда ҳамда тармоқлар баланси тузишда ишлатиладиган бошқа кўрсаткичларни асослашда қўлланилади.

Шу билан бирга, социологик ахборотлар шахсий ёрдамчи хўжаликларни, индивидуал (якка тартибда) меҳнат фаолияти ва ишлаб чиқариш воситаларига хусусий мулкчилик ҳолатларини тўлароқ ифодалайди ва улар ёрдамида шахсий меҳнат секторидаги тўлиқ меҳнат сарфларини аниқлаш мумкин. Аниқ социологик тадқиқот воситаларидан самарали фойдаланиш шахсий меҳнат фаолияти билан шуғулланувчиларнинг даромадлари ва харажатлари ҳақида ишончлироқ ахборотлар ҳосил қилиш имкониятини туғдиради.

Бундан ташқари улар ёрдамида кичик ва ўрта бизнесни ҳамда хусусий ишбильармонликнинг ривожланиши бўйича статистик хисоботларда учрамайдиган маълумотларни йигиши ва таҳлил қилиш мумкин.

Социологик ахборотлар меҳнат бозорининг эконометрик моделлари комплексини тузишда ва татбиқ этишда, жумладан,

BAND моделининг (2) (3), (6), шартларини, MB-R моделининг (6) ва (7) чегараловчиларини шакллантиришда ва ишчи кучига талаб (TALAB) ва таклиф (TAKLIF) миқдорларини асослашда қўлланилади. Бундан ташқари, улардан ISHSIZ моделлар ёрдамида яширин, мавсумий, технологик, таркибий ва умумий ишсизликларнинг миқдорини аниқлашда фойдаланилади.

Таъкидлаш лозимки, социологик ахборотлардан шундай вазиятда фойдаланиладики, қачонки ишончти статистик ва маркетинг ахборотлари мавжуд бўлмаса ёки уларни эксперт баҳолаш мажмумаси ёрдамида ҳам ҳосил қилинмаса. Бундай вазиятда сифатли ва ўз вақтида ўтказилган аниқ социологик тадқиқот меҳнат бозори шаклланиши ва ривожланишини эконометрик моделлари комплекси ахборот таъминотини сезиларти даражада яхшилайди.


Собиқ иттифоқ давлатларида, жумладан, республикамиизда социологик тадқиқотлар бўйича бой тажрибалар тўплланган [1,2,3,4,5]. Мазкур тажрибаларга таянган ҳолда, биз методика ишлаб чиқдик. У меҳнат бозори шаклланиши ва ривожланиши шароитида ёлланган ходимлар билан иш берувчилар ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий муносабатларни ва ишсизлик ҳолатлари ва сабабларини аниқ социологик тадқиқ (ACT) қилишда қўлланилди.

11.2. Меҳнат бозорини аниқ социологик тадқиқ этиши босқичлари

Тавсия этилган методикага асосан ACT босқичма-босқич олиб борилади (10-расмга қаранг).

Биринчи босқичда ACTнинг асосий мақсади, асосий вазифалари, предмети ва обьектлари аниқланади. Ушбу тадқиқотнинг асосий мақсади - бозор иқтисоди муносабатларининг шаклланиши ва ривожланиши шароитида аҳолининг иш билан бандлигини ошириш ва ишсизликни камайтириш бўйича иммий асосланган тавсияномалар ишлаб чиқиши ва меҳнат бозорининг эконометрик моделлари комплексини татбиқ этишда қўлланадиган социологик ахборотлар фондини вужудга келтириши.

Тадқиқотнинг асосий вазифаларига қуйидагилар таалтуғли: иш билан банд бўлган ва бўлмаган меҳнатта лаёқатли аҳолининг ижтимоий ҳолати ва унинг меҳнат даромадларини ошириш мақсадида иш жойларини ўзгартириш истакларини ўрганиш; ходимларни ёллаш шартларини аниқлаш; иш берувчиларнинг ёлланган ходим-



10-расм. Социологик ахборотларнинг вужудга келиши босқичлари.

ларни иш билан бандылыгы ва малака даражаларини ошириш бўйича имкониятлари ва истакларини билиш; иш берувчилар ва ёлланма ходимларни бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берадиган янги қасбларни эгаллаш истакларини аниқлаш; срга хусусий мулкчилик ва янги иш жойларини яратишга тўсик бўладиган асосий сабабларни топиш; ишловчиларни ўз меҳнати яқуний натижаларидан ва ижтимоий инфратузизима объектлари ва маҳаллий меҳнат биржалари хизматларидан қониқиши даражасини аниқлаш; тўлик, қисман, вақтингачалик ва мавсумий ишсизликлар сабабларини ахтариб топиш; ишсизларнинг ишга жойлашиши, малакасининг ошиши, янги ихтисосликларни эгаллаши ва иш берувчиларнинг ходимларни ёллаш шартлари бўйича истакларини аниқлаш; шахсий меҳнат фаолиятини ташкил этишга ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга салбий таъсир этувчи асосий сабабларни топиш; меҳнат биржаларининг иш фаолиятини яхшилаш юзасидан тақлифларни ўрганиш; меҳнат бозорининг эконометрик моделлари комплексини ишлаб чиқиши ва татбиқ этиши учун зарур бўлган социологик маълумотлар фондини вужудга келтириши.

Тадқиқотнинг предмети — танланган минтақа меҳнат бозори шаклланиши ва ривожланиши шароитида ёлланган ходимлар ва иш берувчилар ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ва ишсизликнинг ҳолатлари.

Ушбу тадқиқотларнинг объектлари танланган минтақа иқтисодиёти тармоқлари корхоналари ва ишсизлар мавжуд бўлган яшаш жойлари ҳисобланади.

Аниқ социологик тадқиқотлар ўтказишнинг иккинчи босицичи асосий натижаси — долзарб муаммолар бўйича икки хил ёзма сўровлар (анкеталар)ни тузиш: «Ёлланган ходимлар ва иш берувчилар ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий муносабатларни ўрганиш» ва «ишсизлик ҳолати ва сабабларини ўрганиш».

Биринчи анкета 32 савол ва уларга таалтуқли кўп варианти жавоблардан иборат бўлиб, ўзбек ва рус тилларида тузилган бўлади. Унинг кириш қисми респондентларни тадқиқотнинг мақсади ва асосий вазифалари билан таништиришга бағишиланади. Саволлар таркибига респондентларнинг ижтимоий ҳолати, маълумот даражаси ва иқтисодиётнинг турли тармоқларига ишга жойлашиш мақсадида иш жойларини ўзгартириш истаклари киритилиб, кўп вариантили жавоблар билан бирга берилиган бўлади (анкестанинг 1-6-саволлари).

Ушбу анкетанинг кейинги саволларида қўйидаги муаммолар ўрганилади: меҳнат шартномаларининг мақбул турини танлаш (7); иш берувчиларнинг ходимларни танлаш шартлари (8); иш берувчиларнинг ёлланган ходимларни иш билан бандлигини ва малақасини ошириш имкониятларини ва истаклари-ни аниқлаш (9-14); иш берувчилар ва ёлланган ходимларнинг бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берадиган янги касбларни эгаллаш борасидаги истакларини ўрганиш (5-17); срга хусусий мулкчиликнинг ривожланиши ва янги иш жойларининг яратилишига тўсик бўладиган асосий сабабларни аниқлаш (18-21); меҳнат даромади шаклланишининг асосий манбаларини топиш (22); ишловчиларнинг ўз меҳнатини якуний натижаларидан ва ижтимоий инфратузилма объектлари ва маҳаллий меҳнат биржалари хизматларидан қониқиши даражасини аниқлаш (23-30); респондентларнинг бандлик хизмати ташкилотлари амалий фаолиятини яхшилаш (31) ва ёлланган ходимлар ва иш берувчилар ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш бўйича таклифларини ўрганиш (32).

Иккинчи анкета хам ўзбек ва рус тилларида тузилган бўлиб, у аниқ социологик тадқиқотнинг мақсади ва вазифаларини ва респондентларнинг мажбуриятларини тушунтириш билан бошланади. У қўйидаги муҳим муаммолар тадқиқотига мўлжалланади: тўлиқ, қисман, вақтингчалик ва мавсумий ишсизликларнинг сабаблари (3-7); ишсизларнинг ишга жойлашиш, малақасини ошириш, янги касбни эгаллаш ва иш берувчиларга ёлланиш шартлари бўйича истаклари (8-16); шахсий-меҳнат фаолиятини ташкил этишга ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга салбий таъсир кўрсатувчи асосий сабаблар (17-19); иш билан банд бўлмаган шахсларнинг ишга ёлланиш шартлари (20-21); маҳаллий меҳнат биржаларининг амалий фаолияти ва уни яхшилаш бўйича респондентларнинг таклифлари (22-26).

Анкета саволларига жавобларни кодлаштириш аниқ социологик тадқиқотларнинг учинчи босқичи натижаси ҳисобланади.

Анкеталардаги саволларнинг барча жавоблари позицион кодлаштирилади.

Аниқ социологик тадқиқотларнинг тўртинчи босқичида объектларни танлаш услублари аниқланади. Таҳлил кўрсатадики, ёлланган ходимлар ва иш берувчилар ўртасидаги ижтимо-

ий-иктисодий муносабатларни ўрганиш юзасидан анкеталар учун ишлаш жойлари бўйича танлаш устубини қўллаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Бундай танлаш устубида корхоналар, фирмалар, ташкилотлар ва хусусий хўжаликлар ҳақидағи маълумотларга асосланиб, тадқиқотнинг репрезентатив (энг мақбул) объектлари аниқланади. Репрезентатив объектлар бўлиб, ахолининг иш билан бандлик коэффициенти ҳудудий ўртacha қийматидан энг юқори ва энг паст бўлган корхоналар, ташкилотлар ва хусусий хўжаликлар хизмат қиласди. Бу жараёнда танланётган объектларнинг иктиносидистнинг асосий тармоқларидағи маҳсулот ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш саломги ҳисобга олиниши лозим.

Лескин, мазкур танлаш услуги ёрдамида ишсизлик ҳолати ва сабабларини ўрганиш анкеталари учун тадқиқот объектларини танлаб бўлмайди. Бундай вазиятда яшаш жойлари бўйича танлаш устубини қўллаш мақсадга мувофиқ [5]. Унга биноан ишсизлик даражаси энг юқори бўлган яшаш жойлари тадқиқот объектлари қилиб танланади. Авваломбор, мазкур услуг ишсизлар ижтимоий-иктисодий ҳолатини ижтимоий гурӯҳларга бўлиб ўрганиш имкониятини беради.

Минтаقا ва тураржойлари ривожланишининг демографик ва ижтимоий-иктисодий кўрсаткичларини ўрганиш билан тадқиқотнинг бешинчи босқичи бошланиб, сўнгра аниқ социологик тадқиқотларнинг объектлари танланади. Улар дастлаб, ёлланган ходимлар ва иш берувчилар ўртасидаги ижтимоий-иктисодий муносабатларни ўрганувчи анкеталар бўйича танланади.

Аниқ социологик тадқиқот объектларининг асосий мезонлари бўлиб, меҳнат ресурсларининг бандлик коэффицентлари ва минтақалар ҳамда хўжаликларда бир ишловчига тўғри келадиган экин майдони ва чорва моллари сони хизмат қиласди. Шундай объектлар танланадиги, қайсики у ерда юқоридаги асосий мезонларнинг миқдори минтақа ўртacha йиллик кўрсаткичидан энг юқори ва энг паст.

Аниқ социологик тадқиқотнинг иккинчи анкестаси учун объектлар танлашда минтақалар ва яшаш жойларида ишсизлик даражаси асосий мезон бўлиб хизмат қиласди ва ҳисоблаш юқорида қайд этилган тамойил бўйича олиб борилади. Объектларни танлашда уларни репрезентативлиги ҳисобга олинади.

Тадқиқотнинг олтинчи босқичи вазифаси аниқланган объектлардан респондентларни танлаш. Биринчи социологик

сўров бўйича респондентлар жинси, ёши, маълумоти, ихтисослиги ва иш стажига кўра меҳнатдаги иштироки (бандлик) коэффициентлари асосида танланади. Респондентлар таркибига меҳнатта лаёқатли кўп болали аёллар, пенсионерлар, ногиронлар ва кундузги бўлим студентлари ва ўқувчилар ҳам кириши лозим.

Иккинчи анкета бўйича респондентлар танлашда ишсизлик даражаси асосий мезон бўлиб хизмат қиласиди.

Аниқ социологик тадқиқотларнинг етгинчи босқичида социологлар, иқтисодчилар, дастурчилар ва бошқа ходимлар танланади. Холбуки, уларга ҳосил қўилинадиган социологик ахборотларнинг ишончлилик даражаси кўп жиҳатдан боғлиқ. Шунинг учун социологик тадқиқот ўтказадиган шахслар юқори маълумотли ва маданиятли, вижданли ва яхши муомалали бўлиши лозим. Танланган ходимлар бир ҳафта давомида ўқитилиб, тадқиқот ўтказиш методик йўриқномалари ва дастурлари билан таништирилади.

Саккизинчى босқичда аниқ социологик тадқиқотларнинг иқтисодий асосланган дастури тузилади. Улар проф. В. Г. Гречихин таъкидлаганидек, икки қисмдан (методология ва амалиёт) эмас [1, 102-бет.], балки тўртта бўлимдан иборат бўлади: методология, методика, амалиёт ва молия.

Дастурнинг методологик бўлимида аниқ социологик тадқиқотларнинг мақсадлари, асосий вазифалари, обьектлари ва предметлари аниқланади. Танлаган обьектларнинг ижтимоий-иқтисодий ва демографик ривожланиши бўйича дастлабки комплекс таҳлил ўтказилади.

Дастурнинг методик бўлимида оғзаки ва ёзма сўровлар асосида аниқ социологик тадқиқотлар ўтказишнинг назарий йўриқномалари ишлаб чиқилади. Анкеталарнинг матнлари тузилади ва саволларнинг жавоблари кодлаштирилади.

Социологик сўровни ўтказиш, яъни анкеталарни тўлдириш қоидалари ва иштирокчиларнинг мажбуриятлари дастурнинг амалиёт бўлимида жойлашган бўлади. Бу бўлимда дастлабки социологик ахборотларни тўплаш ва компьютерда қайта ишлаш муддатлари белгиланади.

Дастурнинг молия бўлимида қўйидаги асосий кўрсаткичлар мавжуд: иш ҳақи; моддий ресурстарга харажатлар; транспорт харажатлари; нашр сарфлари; компьютерда қайта ишлаш харажатлари; бошқа сарфлар. Уларсиз ҳар қандай аниқ социологик тадқиқотни ўтказиш мумкин эмас.

Аниқ социологик тадқиқот натижаларидан манфаатдор бўлган меҳнат биржаси органлари, юридик шахслар ва айrim ишибилармонларнинг маблағлари ҳисобидан дастур бажарилишини сармоялар билан таъминлаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Аниқ социологик тадқиқотларнинг тўққизинчи босқичида респондентлар сўрови уч фазада ўтказилади: мослашиш (кўникма ҳосил қилиш); мақсадларга эришиш, бартараф этиш.

Тадқиқотларнинг ўнинчи босқичида дастлабки маълумотлар компььютерларда қуийдаги кетма-кетлик асосида қайта ишланади: маълумотларни киритиш ва дастлабки таҳлил қилиш; маълумотларни назорат қилиш ва хатоларини тўғрилаш; ўзгарувчилар қаторини тузиш; машина алгоритмлари ва дастурларини тузиш; тадқиқот натижаларини таҳлил қилиш. Компьютерда дастлабки маълумотларни қайта ишлаш бўйича методика Россия фанлар академияси Социологик тадқиқотлар институти нашр этган «Рабочая книга социолога» («Социологнинг иш китоби») номли китобда батафсил ёритилган [3]. Дастлабки маълумотлар компььютерда қайта ишлангандан сўнг, уларнинг ишончлилиги текширилади. Агар, улар юқори ишончли бўлса тадқиқотнинг кейинги босқичига ўтилади. Акс ҳолда ахборотлар таҳлили янгидан боштаниб, тадқиқотнинг иккинчи босқичидан ўнинчисигача бажарилган ишлар қайтадан бажарилади.

Тадқиқотнинг ўн биринчи босқичида ёланган ходимлар ва иш берувчилар ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ва турли шаклдаги ишсизликнинг вужудга келиш сабабларини ўрганиш бўйича ҳосил қилинган социологик ахборотлар асосида илмий ҳисобот тузилади.

Тадқиқотнинг сўнгги босқичида ҳосил қилинган социологик ахборотларни меҳнат бозорининг эконометрик моделлари комплексига татбиқ этиш амалга оширилади.

Қисқача хуосалар

Социологик тадқиқотлар меҳнат бозорининг ҳолати бўйича ишончли статистик маълумотлар старли бўлмаган тақдирда ўтказилади. Уларни ўтказишда муаммолар, мақсадлар ва асосий вазифаларни тўғри белгилаб олиш асосий ўринни эгаллайди.

Мазкур тадқиқотларнинг асосий мақсади – аҳолининг иш билан бандтигини ошириш ва ишсизликни камайтириш бўйича илмий асосланган тавсияномалар ишлаб чиқиши.

Меҳнат бозорининг аниқ социологик тадқиқотлари ўзаро боғлиқ бўлган босқичлар асосида ўтказилиб, улардан ҳосил қилинган ахборотлар иш берувчлар билан ёланувчилар ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий муносабатларни ва ишсизлик сабабларини тўла ифодалайди.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Меҳнат бозорини социологик тадқиқ қилишининг аҳамияти нимада?
2. Мазкур тадқиқотнинг мақсади ва асосий вазифалари нималардан иборат?
3. Аниқ социологик тадқиқотлар қандай босқичлар асосида ўтказилади?
4. Анкеталарда қандай саволлар тузилган бўлади?
5. Аниқ социологик тадқиқотларни ўтказиш ёрдамида нималар аниқланади?
6. Бирламчи социологик ахборотлар қандай методик асосда компьютерда қайта ишланади?

Асосий адабиётлар

1. Гречихин В.Г. Лекции по методике и технике социологических исследований (учебное пособие) – М.: МГУ, 1988.
2. Логика социологического исследования / Отв.ред. В.Г. Осипов – М.: «Наука», 1987.
3. Рабочая книга социолога. 2-е изд. Преработанное и дополненное. /Отв.ред. В.Г. Осипов – М.: «Наука», 1983.
4. Радаев В. Социологический подход к анализу рынка труда: предложение труда. / Российский экономический журнал – М.: 1995, № 5.
5. Территориальная выборка в социологических исследованиях. Отв.ред. Т.В. Рябушкин – Мю: «Наука», 1980.

XII боб

ЯҚИН КЕЛАЖАҚДА МЕХНАТ БОЗОРИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

12.1. Мехнат бозори ривожланиши концепциясининг стратегик мақсадлари

Мехнат ресурслари билан күп таъминланган республикамиз меҳнат бозори ривожланиш концепциясининг асосий мақсади – меҳнаттага лаққатли аҳоли иш билан бандлигининг камайиши, ишсизликнинг ўсиши, янги иш жойларининг кам яратилиши, меҳнат унумдорлигининг пасайиши, инфляциянинг мавжудлиги, мулкчиликнинг турли шакллари сескинлик билан ривожланиши, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларнинг сустлиги, хақиқий меҳнат даромадларининг камайиши каби шароитларда ишчи кучига талабни ошириш ва унинг тақлифини камайтириш бўйича комплекс тадбирлар ишлаб чиқишдан иборат. Улар ўтиш даври Ўзбекистон миллий иқтисодиётини чукур таркибий ислоҳ қилиш ва эркинлаштиришнинг стратегик мақсадларига асосаниб ишлаб чиқлади.

Буни ҳисобга олган ҳолда мазкур концепциянинг стратегик мақсадлари қилиб қўйидагиларни белгилаш мумкин:

- ижтимоий йўналтирилган меҳнат бозорини босқичмабосқич шакллантириш;
- меҳнатта лаққатли иш билан банд бўлмаган аҳолини иш жойлари билан таъминловчи ҳамда ишчи кучига талаб ва тақлифи тартибга солувчи мустаҳкам ривожланган маҳаллий ва хорижий бандлик хизмати ташкилотлари тизимини такомиллаштириш;
- иқтисодиётда оқилона бандликни шакллантирувчи чукур таркибий ислохотларни амалга ошириш ва ишлаб чиқариш салоҳиятидан самарали фойдаланиш;
- саноат, хизмат кўрсатиш ва шахсий меҳнат тармоқларида янги иш жойлари ва ўсмиirlар, кўп болалик аёллар, пенсionерлар ва ногиронлар учун меҳнатнинг кафолатлаштирилган минтақаларини ташкил қилиш;
- ишчи кучига талабнинг ошиши ва ишсизликнинг камайишини таъминловчи кичик ва ўрта бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш;

- мулкчиликнинг ширкат, ижара, ҳиссадорлик ва хусусий шакллари ва шахсий ёрдамчи хўжаликларни ривожлантириш;
- қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидан ортиқча ишчи кучини озод қилиш ва унинг талаб ва таклифини камайтиришга қўмаклашувчи ижтимоний инфратузилма обьектларининг миқдорини ошириш;
- маҳаллий ходимларнинг рақобатбардошлиги, сафарбарлиги ва экспорт қобилиятини ошириш, юқори касбли мутахассислар синфи ва аҳолида янги иқтисодий фикрлашни шакллантириш, эркин ва мустақил иш жойларини танлаш имкониятларини яратиш;
- меҳнат бозори ва аҳоли бандларини тартибга солишининг ташкилий-иқтисодий ва хукукий механизmlарини таомиллаштириш.

Ушбу стратегик мақсадларга изчиллик билан эришиш учун меҳнат бозори ривожланишининг асосий босқичлари ва вазифаларини аниқ белгилаш зарур.

12.2. Меҳнат бозорининг ривожланиш босқичлари

Меҳнат бозори ривожланишининг биринчи босқичида (1991-2000 й.й.) қуйидаги вазифалар бажарилган: меҳнат биржаси ва бандлик хизматининг бошлангич ташкилотлари ташкил қилиниб, улар ишсизлик ва бўш ўринлар миқдори ва тузилишининг ҳисоб-китоби, таҳлили ва прогнози, банд бўлмаган аҳолини ишга жойлаштириш ва қайта ўқитиш, бандликка қўмаклашиш жамғармасини ташкил қилиш ва унинг маблагларини сарфлаш билан шуғулландилар; кичик ва ўрта бизнес ва хусусий тадбиркорлик доирасида имтиёзли кредитларни ажратиш йўли билан янги иш жойларини яратишга унча катта бўлмаган молиявий ёрдам кўрсатилди; иқтисодиёт тармоқларида, айниқса, қишлоқ хўжалигига таркибий ислоҳотлар амалга оширилиб, «пахта якка-хўкмронлиги»ни тутатиш учун шарт-шароитлар яратилди; ёланма ходимлар ва иш берувчилар ўртасида ижтимоий-меҳнат муносабатларини тартибга солишининг хукукий асослари яратилди ва бошқалар.

Бу даврда аҳоли иш билан бандлик даражасининг пасайиши, ишсизликнинг ошиши, ишчи кучига талаб ва унинг таклифи ўртасида номутаносибликтининг ортиши содир бўлди.

Ушбу босқичнинг якуний натижаси – меҳнат бозорини

шакллантириш учун ижтимоий-иқтисодий ва ташкилий-хуқуқий шарт-шароитлар яратилди.

Иккинчи босқичда (2001-2010-й.й.) қуйидаги вазифаларни бажариш зарур: маҳаллий инвестициялар ва хорижий кредитларни жалб қилиш асосида қишлоқ хўжалиги бўлмаган янги иш жойларини яратиш йўли билан ишчи кучига талабни ошириш; меҳнатга лаёқатли ўсмирлар, кўп болалик аёллар, пенсионерлар ва ногиронлар учун квоталанган иш жойларини ташкил қилиш ва улар иқтисодий рағбатлантирилишини даражасини ошириш; банд бўлмаган шахсларга янги иш жойларини яратиш билан шугулланувчи иш берувчиларга доимий молиявий ёрдамларни кўрсатиш; ишчи кучи таклифини унинг малакасини, рақобатбардошлигини ва экспортини ошириш йўли билан камайтириш; мулкчиликнинг турли шаклларини шакллантириш ва миллий иқтисодиётда чуқур ислоҳотларни ўтказиш асосида ахолининг иш билан бандлиги соҳасида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш; иш ҳақи ва бошқа меҳнат даромадларининг манбалари даражасидан солиқ ставкасини кескин камайтириш; бандлик хизматининг бозор инфратузилмасини ташкил қилиш; меҳнат шартномаларини тузишни такомиллаштириш ва бошқалар. Буларнинг ҳаммаси бандликнинг сезиларли ўсиши ва ишсизликнинг камайишига ҳамда ишчи кучига талаб ва унинг таклифи ўртасидаги фарқ қисқаришига кўмаклашади.

Учинчи босқичда (2011-2020-й.й.) қуйидаги вазифаларни амалга ошириш кўзда тутилади: ишчи кучига талаб ошиши ва унинг таклифи камайишига йўналтирилган тадбирларни амалга оширишни кучайтириш; бандлик хизмати ва бу хизмат инфратузилмасининг қудратли ва тез ривожланувчи тизимини яратиш; оқилона бандликни шакллантириш; ишсизликни йўл қўйиладиган даражасигача қисқартириш; иш билан банд бўлмаган маҳаллий ходимларнинг малакаси, рақобатбардошлиги, ижтимоий ҳимояси ва экспортини ошириш; меҳнат бозори, бандлик ва ишсизликни тартибга солишининг самарали ташкилий-иқтисодий ва хуқуқий механизмларини яратиш.

Қайд этилган вазифаларни бажариш ижтимоий йўналтирилган меҳнат бозорининг самарали шаклланишига олиб келади.

Мазкур бозор ривожланишининг кийинги босқичида ишчи кучи талаб ва таклифи ўртасидаги бозор мувозанатига эришиш мумкин.

Буларнинг ҳаммаси меҳнат бозори самарали ривожланишига йўналтирилган ишчи кучига талабнинг ошиши ва унинг таклифи камайиши бўйича ижтимоий-иктисодий ва ташкилий тадбирлар мажмуасини ишлаб чиқиши зарурлигини тақозо этади.

12.3. Меҳнат бозорининг самарали ривожланиш тадбирлари

Ишчи кучига талаб ошиши бўйигча асосий иктиносидий тадбирлар орасида ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ҳажмининг ошишига йўналтирилган чукур иктиносидий ислоҳотларни ўтказиши стакчи ўрин эгаллайди. ЯИМ ҳажмини кўпайтиришнинг ҳал қилувчи шартларидан бири – меҳнат унумдорлигини ошириш. Унга иш жойларини замонавий моддий-техник ва технологик таъминлаш, иш вақтидан оқилона фойдаланиш, ходимлар моддий манфаатдорлигини яхшилаш, оқилона молия-солиқ сиёсатини олиб бориш каби йўллар билан эришиш мумкин.

Муҳим иктиносидий тадбирларга қуйидагилар киради: саноат ва хизмат кўрсатиш корхоналарида янги иш жойларини яратиш; ишлаб чиқаришни кентгайтиришга давлат томонидан маблагни кўпроқ ажратиш; хизмат кўрсатишни яхшилаш ва илгор технологияларни татбиқ этиш; янги ширкат, ижара, хусусий ва қўшма корхоналарни ташкил қилиш; ўтиш иктиносидиёти даврида қишлоқ хўжалиги ва саноат тармоқларининг асосий маҳсулотларига давлат буюргатмаларини сақлаш; кичик ва ўрта бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш; ижтимоий ишларни ташкил қилиш ва ҳ.к.лар.

Улар орасида кўшимча иш жойларини яратувчи ва энг кам сармоя таъаб қиладиган кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш ҳамда ижтимоий ишларни ташкил қилиши ишчи кучига талабни оширишда муҳим ўрин тутади. Кичик ва ўрта бизнеснинг ривожланишини маблаг билан таъминлаш манбаи бўлиб маҳаллий бюджет, Банддилекка кўмаклашиш жамғармаси ва Бизнес-фонд маблаглари ҳамда хусусий тадбиркорларнинг сармоялари хизмат қилади. Кичик ва ўрта бизнес вакилларига фоизеиз ёки кичик фоизлар билан штитиёзли кредитлар ажратиши мақсадга мувофиқ.

Тадқиқотлар кўрсатадики, кичик ва ўрта бизнесни хизмат кўрсатиш ва шахсий меҳнат тармоқларида ривожлантириш зарур. Бу тармоқларда иш жойларнинг қиймати катта эмас.

Шунинг учун кўплаб янги иш жойларини яратиш мумкин. Бу тадбирларни амалга оширища биринчи навбатда хусусий тадбиркорлар хизматидан фойдаланиш керак.

Ҳар бир ўзига хос табий-экологик, ижтимоий-демографик ва иқтисодий ривожланиш хусусиятлари мавжудлигини ҳисобга олиб, «юқоридан пастга» тамоилии бўйича хусусий тадбиркорликни ривожлантириши мақсадли комплекс дастурини тузиш зарур. Бундай дастур аҳоли банддилгини ошириш мақсадида тузилиб, хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича чора-тадбирларни тўғри амалга оширишга имкон беради.

Мустақил кичик ва ўрта бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни, шу жумладан, хусусий хорижий инвестицияларни жалб қилишини доимий рағбатлантириш зарур. Бундай инвестициялар оқими иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларни анча тезлатиши мумкин. Хусусий тадбиркорликнинг ривожланиш истиқболлари амалда чекланмаган. Бундан ташқари, республикада ўз кўламлари ва сифати бўйича старлича катта бўлган тадбиркорлар қатлами вужудга келди. Уларнинг қонун ва хукumat қарорлари доирасида давлат томонидан қўллаб-куvvatланиши ва ҳимоя қилиниши хусусий тадбиркорликни янада самарали ривожлантиришга имконият яратади.

Мехнатта лаёқатли ёшдаги ва кўп болалик аёллар, ўсмирлар, пенсионерлар ва ногиронларнинг фаолиятини турли хил иқтисодий ва ижтимоий имтиёзлар ва квоталанган иш жойларини тақдим қилиш йўли билан рағбатлантириш тизимини янада такомиллаштириш ишчига кучига талабни ўстирувчи иқтисодий тадбирларнинг ажралмас қисми ҳисобланади.

Бола тарбиялаш вақтини (келажакда бола етти ёшга етгунга қадар) ва унга бериладиган нафақа миқдорини доимо ошира бориш меҳнат бозоридан ва иқтисодиётнинг тармоқларидан ёш болалик аёлларни ихтиёрий равишда “тортиб олишга” имконият яратади. Улар оиласиёт ишлар билан кўп шуғулланганликлари сабабли иш жойларида юқори ишлаб чиқаришни таъминлай олмайдилар. Кичик ёш болалик аёлларнинг “сұнний” ишсизлигини камайтиришнинг муҳим усули – уларни болани тарбиялаш бўйича хақиқий фаолиятини рағбатлантириш ва уни расмий тан олиш. Бунинг учун банддикка кўмаклашиш жамгармасининг ишсизлик бўйича нафақасига сарфланувчи маблағларини ижтимоий сугурта жамгармасига қайта тақсимлаш ва уларни аёллар-

га тегишли ижтимоий түловлар сифатида бериш лозим.

Кўп болалик аёллар фаолиятини штисодий рафбатлантириш қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва тайёрлаш билан шуғулланувчи корхоналарда, ижтимоий-ишлаб чиқариш инфратузилма ташкилотларида, хусусий хўжаликларда квоталанган иш жойларини яратишни кўпайтириш ва уйда меҳнат қилиши кўлламларини кенгайтириш орқали амалга оширилиши мумкин.

Ёшлар ишсизлиги муаммосини мактабларда ўсмирларни касбага йўналтиришни яхшилаш ва даромадлар келтирадиган ишларнинг турларини кўпайтириш йўллари билан ҳал қилиш мумкин.

Меҳнатта қобилиятли пенсионерлар ва ногиронлар учун квоталанган иш жойларини ташкил қилувчиларга имтиёзли кредитлар бериш ва уларнинг даромадларига пасайтирилган солиқ ставкаларини белгилаш керак.

Ишчи кучи тақлифини рафбатлантирувчи солиқ ставкалари мухим иштисодий тадбирлар гурухига киради. Даромад солиги ставкасининг ўсиши ёлланган ходимларнинг янги иш жойларига тақлиф камайишига олиб келади. Шу билан бирга юқори малакали мутахассисларнинг қўшимча ишга қизиқишилари сусайди. Солиқ ставкаси ошиши кўргичлик аҳолининг иш билан бандлигига салбий таъсир қиласди. Шунинг учун бундай тадбирларни амалга оширишдан аввал унинг оқибатларини комплекс таҳлил қилиш керак.

Ишчи кучи тақлифи камайишига олиб келувчи ижтимоий-иштисодий тадбирларга қуйидагилар таалуқли: шахсий ёрдамчи хўжаликлар, шахсий меҳнат фаолияти ва ўз-ўзини иш билан банд қилишининг бошقا усусларини ривожлантириш; бандликнинг эгилувчан ва ностандарт шаклларини кўпроқ кўллаш; ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил қилишининг бозор усусларини татбиқ этиш; инфляцияни пасайтириш; ишсизликни камайтириш; ишсизларнинг малакаси, рақобатбардошлиги ва четта чиқиши даражасини ошириш. Шу билан бирга ёлланган ишчи кучининг малакаси, сафарбарлиги, экспорт қобилияти ва ижтимоий ҳимояси даражасини ошириш ижтимоий тадбирларнинг таркибий қисми ҳисобланади. Ҳозирги вақтда бозор услугида хўжалик юритиш талабларига мос келувчи юқори малакали ходимларни тайёрлашга жиддий зарурият туғилди. Бунинг учун ўқув юртларининг моддий-техник ва молиявий таъминотини яхшилаш ва профессор-ўқитувчиларнинг моддий манфаатдорлиги, ижтимоий ҳимоялаши ва касб-малака даражасини ошириш зарур.

Хорижда ўқиши, энг аввало, юқори малакали мутахассисларга талаби мавжуд бўлган корхоналар, ташкилотлар ва хусусий тадбиркорлар ҳисобидан маблағлар билан таъминташ керак.

Шу орқали ишчи кучининг рақобатбардошлиги, сафарбарлиги ва экспорт қобилиятини оширувчи қулай шарт-шароитлар яратилади. Булар эса ишчи кучининг тақлифи камайишига босита таъсири этади.

Иш ҳақини тартибга солиш бўйича тадбирларни ишчи кучи талаб ва тақлифига таъсири қилишининг умумий иқтисодий ва ижтимоий услуги сифатида қараш мумкин. У кўпроқ ишчи кучининг тақлифига таъсири этади. Чунки иш ҳақининг миқдори меҳнатни татбиқ қилиш соҳасини тузишини ва бир неча иш жойларида ишлашга ҳаракат қилиш миқёсини белгилайди. Шунинг учун, давлат иш ҳақи соҳасида белгиланган сиёсатини ўтказиб, ишчи кучига талабнинг миқдори ва тузилишига таъсири кўрсатиши мумкин. У иш ҳақининг барча кўрсаткичларини тартибга солувчи. Давлатнинг аралашуви маъмурий ва иқтисодий бўлиши мумкин. Унинг иш вақтининг давомийлиги ва иш вақти бирлигига иш ҳақи тўлашга таъсири, одатда, маъмурий характерга эга. Кўпгина ривожланган мамлакатларда давлат иш ҳафтасининг энг кўп давомийлиги ва энг кам иш ҳақини тартибга солади. Иш ҳақининг аниқ миқдорини белгилашда тўртта субъект ўзаро ҳамкорлик қиласи: давлат, касаба уюшмаси, тадбиркорлар ва меҳнат бозори. Давлат иш ҳақини белгилаш бўйича маъсулиятни касаба уюшмалари ва тадбиркорларга юқлаши мумкин бўлса ҳам, бу жараёнда фаол иштирок этади. Бозор шароитларида давлат иш ҳақи дарајасини маъмурий белгилашдан воз кечиши лозим. Унинг миқдори иш борувчилар билан ёлланма ходимлар ўртасида тузиладиган меҳнат шартномаси (контракт) асосида касаба уюшмаси вакилининг иштирокнда белгиланиши керак.

Ташкилий тадбирлар орасида давлат томонидан ахолининг иш билан бандлигини ошириши бўйича ўтказаётган сиёсат стакчи ўринини эгалтайди. У ахолининг иш билан бандлигини ва ишчи кучига талаб ва тақлиф тузилишидаги ўзгаришларни ва иш жойини йўқотган, аммо меҳнат қилишини хоҳловчи ва фаолиятининг бошқа турларини фаол изловчи шахсларни қўлтаб-куватлашнинг бозор механизмларини узвий бирлаштиришдан иборат бўлиши лозим. Яқин келажакда республика министрака ва ҳудудий дастурла-

ри билан бир қаторда маълум тармоқларда аҳоли баңдлигигини оширишнинг мақсадли комплекс дастурларини ишлаб чиқиш зарур. Бундай дастурларда қўйидаги тадбирлар акс эттирилиши лозим: мулк эгасининг алмашуви, хусусийлаштирилиш, корхоналарнинг иқтисодий ноchorлиги ва уларнинг ихтинослашишидаги ўзгаришлар каби шароитларда ишловчиларнинг (айниқса, малакали ходимларнинг) баңдлигини сақлаш ва барқарорлаштириш (иш жойларини маблағлар билан таъминлаш ва квоталаштириш); ходимларнинг рақобатбардошлигини ошириш; иш билан баңд бўлмаган шахсларни қайта тайёрлаш, кўшимча касблар ва мутахассисликлар олишга шароитлар ва руҳий кайфиятлар яратиш; ўзўзини иш билан баңд қилишнинг турли шаклларини рағбатлантириш; ноқишлоқ хўжалиги иш жойларини яратиш учун баңдликка кўмаклашиш жамғармаси маблағларидан самарали фойдаланиш (қарзлар, имтиёзли кредитлар); ўсмиrlар, кўп болалик аёллар, меҳнатга қобилиятли пенсионерлар ва ногиронлар учун квоталанган иш жойларини ташкил қилувчи корхоналарни, фирмаларни иқтисодий рағбатлантириш; олий ўкув юргарини битириб, мутахассисликлари бўйича иш топа олмаган ёш кадрларни баңдлик хизмати ташкилотлари билан шартнома асосида иш ҳақига баңдликка кўмаклашиш жамғармасидан маблағларни ўтказиши шарти билан ишга қабул қилиш тажрибасини кенгайтириш; янги иш жойлари яратишни инвестициялар билан таъминлаш; ижтимоий инфратузилма обьектларини ривожлантириш ва ҳ.к.лар.

Бундан ташқари, ижро ҳокимияти республика ва минтақавий идораларининг меҳнат бозори ва аҳоли иш билан баңдлигини таҳлил ва прогноз қилишдаги ўзаро методик ва ахборот алмашуви бўйича ҳамкорликларини яхшилаш ва баңдлик жараёнини тартибга солиш бўйича тадбирлар ташкилий характерга эга. Хусусан, манфаатдор идоралар минтақавий меҳнат бозоридаги вазиятларни доимий таҳлили (мониторинг) ва прогнозининг маҳсус шакллари ва кўрсаткичларини ишлаб чиқишилари лозим.

Улар асосида Иқтисодиёт вазирлиги, Статистика давлат кўмитаси ва унинг минтақавий идоралари билан ҳамкорликда баңдликни тартибга солиш ва меҳнат бозоридаги кескин вазиятларнинг олдини отиш бўйича тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқишилари ва уларни маблағ билан таъминлаш ва амалга ошириш муаммоларини ҳал қилишлари мумкин. Аҳолининг иш билан баңдлиги ва меҳнат бозори таҳлили ва прогнози Статистика

давлат қўмитаси ташкилотларининг ишини такомиллаштиришни талаб этади. Ҳозир нодавлат корхоналар ва ташкилотларда ишчи кучига талаб ва ундан фойдаланиш, улар учун кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, меҳнат шароитлари ва иш ҳақи бўйигча ахборотларнинг камчилиги кескин сезилмоқда.

Шу билан бирга мулкчиликнинг турли хил шакллари иш жойларининг ҳаракати, ишчи кучи талаб ва таклифининг ўзгариши, ишсизликнинг ҳолати, кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш каби масалалар бўйигча статистик тадқиқотлар ўтказишини яхшилаш даркор.

Айнан шундай статистик тадқиқотлар, хусусан, мулкчиликнинг янги шакллари вужудга келиши аҳолининг иш билан бандлиги таркиби ўзгаришига, меҳнат фаолияти ва ўз-ўзини иш билан банд қилишнинг турли йўналишлари ривожланишига ва ишчи кучига талаб ва таклиф ўргасидаги нисбатга таъсирини аниқлаш имконини беради.

Шу муносабат билан аҳолининг иш билан бандлиги ва меҳнат бозори соҳасида статистикани такомиллаштириш бўйича тадбирлар мажмуасини ишлаб чиқиш керак.

Яқин келажакда меҳнат бозорининг ривожланиш концепциясини амалга ошириш ишчи кучига талаб ва унинг таклифи ўргасида зарурий мувозанатга эришиш ва меҳнат ресурсларининг оқилона бандигини таъминлашга олиб келади.

Қисқача хуросалар

Меҳнат бозори яқин келажакда ривожланишининг асосий мақсади – меҳнат ресурслари билан кўп таъминланган минтақаларда ишчи кучига таябни ошириш ва унинг таклифини камайтириш.

Меҳнат бозори ривожланиши босқичларида қайд этилган тадбирларнинг амалга оширилиши яқин келажакда ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасидаги бозор мувозанатига эришиш, пировардидаги, меҳнат ресурсларининг оқилона бандлигини таъминлаш ва ишсизликни кескин камайтиришга олиб келади.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Меҳнат бозори ривожланишининг асосий мақсади нима?
2. Меҳнат бозори ривожланишининг биринчи босқичида қандай тадбирлар амалга оширилди?
3. Меҳнат бозори ривожланишининг иккинчи босқичида қандай тадбирлар амалга оширилди?
4. Меҳнат бозори ривожланишининг учинчи босқичида қандай тадбирлар амалга оширилди?
5. Меҳнат бозори ривожланишининг тўртинчи босқичида қандай тадбирлар амалга оширилди?
6. Меҳнат бозорининг яқин келажакда ривожланиш концепцияси тадбирларини амалга ошириш қандай натижалар беради?

Асосий адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури». Т.: Ўзбекистон, 1997.
2. Убайдуллаева Р.А. Занятость и рынок труда: спорные вопросы и нерешенные проблемы // «Общественные науки в Узбекистане». -Т., 1992, №2.
3. Холмуминов Ш.Р. Моделирование сельского рынка труда. -Т.: Фан, 1996.
4. Шодиев Р.Х. Рынок труда: вопросы теории и практики / / Материалы семинара Всемирного банка по социальному проекту. - М.: МГУ, 1995.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. -Т.: Ўзбекистон, 1992.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Ахолини иш билан таъминланни түғрисида»ги Қонуни. -Т.: Ўзбекистон 1998 (янги таҳрир).
3. Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнат кодекси». -Т.: Адолат, 1996.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрланиши миллий дастури». -Т.: Ўзбекистон, 1997.
5. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсагасида: хавфсизликка таҳид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Т.: Ўзбекистон, 1997.
6. Каримов И.А. Ўзбекистон ислоҳотларни чуқурлантириши йўлида. -Т.: Ўзбекистон, 1995.
7. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий сиёсатнинг устивор йўналлилари. -Т.: Ўзбекистон, 1993.
8. Абдураҳмонов Қ.Х., Волгин Н., Холмуминов Ш.Р., Ҳайитов А.Б. ва бошакалар. Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси (дарслик). -Т.: Ўзбекистон, 2001.
9. Абдураҳмонов Қ.Х. Муртозасиев Б.Ч. Меҳнат бозори (ўқув кўлияни). -Т.: ТДИУ, 1999.
10. Адамчук В.В., Ромашов О.В., Сорокина М.Е. Экономика и социология труда (учебное пособие). -М.: 1999.
11. Гречихин В.Г. Лекции по методике и технике социологических исследований (учебное пособие). -М.: МГУ, 1988.
12. Кейнс Дж.М. Общая теория занятости, процента и денег. -М.: Прогресс, 1978.
13. Никифорова А.А. Рынок труда: занятость и безработица. -М., 1999.
14. Павленков В.А. Рынок труда. -М.: Общество Анкил, 1992.
15. Труд и занятость в Республике Узбекистан в 2000 г. -Т.: Макроэкономстат Республики Узбекистан, 2001.
16. Рынок труда (учебное пособие) / Под ред. А.Волгина. – М.: Экзамен, 2000.
- 17 Убайдуллаева Р.А. Занятость и рынок труда: спорные вопросы и нерешенные проблемы // «Общественные науки в Узбекистане». -Т., 1992, №2.
18. Холмуминов Ш.Р. Моделирование сельского рынок труда. -Т.: Фан, 1996.
19. Холмуминов Ш.Р., Балаханова Д.К., Муртазоев Б.Ч. Рынок труда: проблемы формирования и регулирования. -Т.: Фан, 1996.
20. Шодиев Р.Х. Рынок труда: вопросы теории и практики // Материалы семинара Всемирного банка по социальному проекту. -М.: МГУ, 1995.

МУНДАРИЖА

КИРИШ	5
I БОБ. МЕҲНАТ БОЗОРИНИНГ МОҲИЯТИ, ИЖТИМОЙИ- ИҚТИСОДИЙ МАЗМУНИ, АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ ВА ХУ- СУСИЯТЛАРИ.....	7
1.1. Меҳнат бозорининг моҳияти ва тушунчалари.....	7
1.2. Меҳнат бозорининг ижтимоий – иқтисодий мазмуни....	10
1.3. Меҳнат бозорининг асосий вазифалари ва хусусиятлари...	15
Қисқача хулосалар.....	18
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	18
Асосий адабиётлар.....	18
II БОБ. МЕҲНАТ БОЗОРИНИНГ ШАҚЛЛАНИШИ.....	19
2.1. Меҳнат бозори шаклланишининг аҳамияти ва шарт-шаро- иитлари.....	19
2.2. Меҳнат бозорининг шаклланиш тамойиллари.....	23
2.3. Меҳнат бозори шаклланишининг омиллари ва чскловчи- лари.....	23
Қисқача хулосалар.....	27
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	27
Асосий адабиётлар.....	27
III БОБ. МЕҲНАТ БОЗОРИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ.....	28
3.1. Меҳнат бозорини тартибга солишининг аҳамияти.....	28
3.2. Меҳнат шартномаларининг меҳнат бозорини тартибга солишдаги ўрни.....	30
3.3. Меҳнат бозорини тартибга солишининг минтақавий усула- ри.....	31
3.4. Меҳнат бозорини давлат томонидан тартибга солиш йў- налишлари.....	35
Қисқача хулосалар.....	38
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	38
Асосий адабиётлар.....	38
IV БОБ. АҲОЛИНИНГ ИШ БИЛАН ОҚИЛОНА БАНДЛИ- ГИ.....	39
4.1. Аҳолининг иш билан оқилона бандлиги ва унга меҳнат бозорининг таъсири.....	39
4.2. Аҳолининг оқилона бандлигини таъминлаш мезонлари ва кўрсаткичлари.....	47
4.3. Аҳолини иш билан таъминлашни тартибга солиш.....	48
Қисқача хулосалар.....	51

Назорат ва мұхокама учун саволлар.....	51
Асосий адабиётлар.....	51
V БОБ. ИШСИЗЛИК: МАЗМУНИ, МЕЗОНЛАРИ ВА КҮРСАТКИЧЛАРИ.....	52
5.1. Ишсизликнинг ижтимоий иқтисодий мазмуни.....	52
5.2. Ишсизликнинг сабаблари ва турлари.....	52
5.3. Ишсизликнинг асосий мезонлари ва күрсаткичлари.....	57
5.4. Ишсизликнинг табиий даражаси. А. Оукен қонуни.....	59
5.5. Ишсизликни ҳимоя қылиши борасида давлат тадбирлари...	60
Қисқача хуносалар.....	62
Назорат ва мұхокама учун саволлар.....	62
Асосий адабиётлар.....	62
VI БОБ. МЕХНАТ БОЗОРИ ВА АҲОЛИ ИШ БИЛАН БАНДЛИГИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШНИНГ БАЛАНС УСЛУБИ.....	63
6.1. Мехнат бозори ва аҳолининг иш билан бандлигини таҳлил қилишда баланс устубининг аҳамияти.....	63
6.2. Мехнат сарфлари тармоқтар балансларини ишлаб чиқиш асослари.....	66
6.3. Мехнат сарфлари тармоқтараро балансларини ишлаб чиқиш босқичлари.....	70
Қисқача хуносалар.....	77
Назорат ва мұхокама учун саволлар.....	77
Асосий адабиётлар.....	77
VII БОБ. МЕХНАТ БОЗОРИДАГИ ИШЧИ КУЧИГА ТАЛАБ ВА ТАКЛИФНИ ИСТИҚБОЛЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ....	78
7.1. Мехнат бозоридаги ишчи кучига талаб ва таклифни истиқболлаштиришнинг аҳамияти.....	78
7.2. Ишчи кучига талаб ва таклифни истиқболлаштириш босқичлари (блоклари).....	80
Қисқача хуносалар.....	87
Назорат ва мұхокама учун саволлар.....	87
Асосий адабиётлар.....	87
VIII БОБ. МЕХНАТ БОЗОРИ ФАОЛИЯТИНИНГ МАҚСАДЛИ КОМПЛЕКС ДАСТУРИ.....	88
8.1. Мехнат бозори мақсадлы комплекс дастурининг аҳамияти...	88
8.2. Мақсадлы комплексе дастурнинг тузилиши ва уни ишлаб чиқиш босқичлари.....	88
Қисқача хуносалар.....	97
Назорат ва мұхокама учун саволлар.....	97

Асосий адабиётлар.....	97
IX БОБ. МЕҲНАТ БОЗОРИНИ ЭКОНОМЕТРИК МОДЕЛЛАШТИРИШ.....	98
9.1. Мехнат бозорини эконометрик моделлаштиришнинг мөхияти.....	98
9.2. Мехнат бозорини эконометрик моделлаштиришнинг босқичлари.....	99
9.3. Мехнат бозорининг эконометрик моделлари комплекси...	106
Қисқача хуросалар.....	110
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	110
Асосий адабиётлар.....	110
X БОБ. МЕҲНАТ БОЗОРИНИНГ КАДРЛАР МАРКЕТИНГИ ТАДҚИҚОТИ.....	111
10.1. Мехнат бозорига кадрлар маркетинги тадқиқотини қўллашнинг аҳамияти.....	111
10.2. Ишчи кучига талаб ва таклифни маркетинг тадқиқ этишнинг босқичлари.....	112
Қисқача хуросалар.....	117
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	117
Асосий адабиётлар.....	117
XI БОБ. МЕҲНАТ БОЗОРИНИНГ СОЦИОЛОГИК ТАДҚИҚОТИ.....	118
11.1. Мехнат бозорини ўрганишда социологик тадқиқотнинг аҳамияти.....	118
11.2. Мехнат бозорини аниқ социологик тадқиқ этиш босқичлари.....	119
Қисқача хуросалар.....	126
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	126
Асосий адабиётлар.....	126
XII БОБ. ЯҚИН ҚЕЛАЖАҚДА МЕҲНАТ БОЗОРИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ.....	127
12.1. Мехнат бозори ривожланиши концепциясининг стратегик мақсадлари.....	127
12.2. Мехнат бозорининг ривожланиш босқичлари.....	128
12.3. Мехнат бозорининг самарали ривожланиш тадбирлари...	130
Қисқача хуросалар.....	136
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	136
Асосий адабиётлар.....	136
Адабиётлар рўйхати.....	137

CONTENTS

Introduction.....	5
PART-I. ESSENCE, SOCIAL-ECONOMICAL MEANING, MAIN TASKS AND CHARACTERISTICS OF LABOR MARKET.....	7
1.1.Definition and essence of labor market.....	7
1.2. Social-economical meaning of labor market.....	10
1.3. Main tasks and characteristics of labor market.....	15
Brief conclusions.....	18
Questions for discussion and control.....	18
Main literature.....	18
PART-II. THE DEVELOPMENT OF LABOR MARKET.....	19
2.1. Essence and conditions of labor market development....	19
2.2. Principles of labor market development.....	23
2.3.Factors and limits for the development of labor market....	23
Brief conclusions.....	27
Questions for discussion and control.....	27
Main literature.....	27
PART-III. REGULATION OF LABOR MARKET.....	28
3.1.Essence of labor market-regulation.....	28
3.2. Role of labor contracts for regulation of the labor market.....	30
3.3. Regional ways of establishing regulations of labor market...	31
3.4.Arranging labor market with governmental assistance.....	35
Brief conclusions.....	38
Questions for discussion and control.....	38
Main literature.....	38
PART-IV. RATIONAL EMPLOYMENT OF THE POPULATION... 39	39
4.1.Employment of the population and the effect of labor market on it.....	39
4.2. The factors and indicators for rational employment of population.....	47
4.3. Regulation of employment of population.....	48
Brief conclusions.....	51
Questions for discussion and control.....	51
Main literature.....	51
PART-V. UNEMPLOYMENT: ESSENCE, METHODS AND INDICATORS.....	52
5.1.Social-economical essence of unemployment.....	52
5.2.Types and reasons for unemployment.....	55
5.3. Main factors and indicators for unemployment.....	57

5.4. Natural level of unemployment. The law of A. Ouken	59
5.5. Governmental measures for prevention of unemployment...	60
Brief conclusions.....	62
Questions for discussion and control.....	62
Main literature.....	62
PART-VI. LABOR MARKET AND BALANCE WAY OF ANALYZING THE EMPLOYMENT OF POPULATION.....	63
6.1.The essence of balance method in analyzing labor market and employment of population.....	63
6.2. Production basis of balances of labor costs branches....	66
6.3. Production stages of balances of inter branch labor costs...	70
Brief conclusions.....	77
Questions for discussion and control.....	77
Main literature.....	77
PART-VII. BASES OF DEMAND AND SUPPLY OF LABOR FORCE DEVELOPMENT IN LABOR MARKET.....	78
7.1.Essence of demand and supply of labor force development in labor market.....	78
7.2.Development stages of demand and supply for labor force...	80
Brief conclusions.....	87
Questions for discussion and control.....	87
Main literature.....	87
PART-VIII. INTENTIONAL GOALED-COMPLEX PROGRAM OF LABOR MARKET ACTIVITY.....	88
8.1.Essence of intentional goaled-complex program of labor market...	88
8.2.Structure and production stages of intentional goaled-complex program.....	88
Brief conclusions.....	97
Questions for discussion and control.....	97
Main literature.....	97
PART-IX. ECONOMETRIC MODELING OF LABOR MARKET...	98
9.1.Essence of econometric modeling of labor market.....	98
9.2. Stages of econometric modeling of labor market.....	99
9.3. Complexity of econometric modeling of labor market.....	106
Brief conclusions.....	110
Questions for discussion and control.....	110
Main literature.....	110
PART-X. RESEARCH OF SPECIALISTS MARKETING IN LABOR MARKET.....	111

10.1. Essence of usage of research of specialists marketing in labor market.....	111
10.2. Stages of market usage of demand and supply of labor force... ..	112
Brief conclusions.....	117
Questions for discussion and control.....	117
Main literature.....	117
PART-XI. SOCIAL RESEARCH OF LABOR MARKET.....	118
11.1.Essence of social researches in the study of labor market... ..	118
11.2.Exact social researching stages of labor market.....	119
Brief conclusions.....	126
Questions for discussion and control.....	126
Main literature.....	126
PART-XII. DEVELOPMENT OF LABOR MARKET IN NEAR FUTURE.....	127
12.1. Strategic goals of labor market conception.....	127
12.2. Development stages of labor market	128
12.3. Measures for development of an effective labor market... ..	130
Brief conclusions.....	136
Questions for discussion and control.....	136
Main literature.....	136
LIST OF BIBLIOGRAPHY.....	137

**ХОЛМҮМИНОВ ШАЙЗОҚ
РАҲМАТОВИЧ**

**МЕҲНАТ БОЗОРИ
ИҚТИСОДИЁТИ**
(Ўқув кўллашма)

Нашр учун маъсул:

Ўзбекистон Ёзувчилар уошмаси

Адабиёт жамгармаси директори

Курбонимурод Жумаев

Мусаввир: Акбарили Мамасолиев.

Муҳаррир: З. Йўлдошев

Техник муҳаррир: Ш. Таджиев

Мусаҳих: Ж. Йўлдошев

Компьютерда саҳифаловчи: М. Фойиназаров

Интернетдаги расмий сайтимиз: www.tsue.uz

Электрон почта манзили: info@tsue.uz

Теришга берилди 04.11.2003 й. Босишига рухсат этилди 20.01.2004 й.

Қоғоз формати 60x84 ¼. Офест босма усулида босилди. Нашр босма тобоги 9. Нусхаси 500 Буюртма № 159

Ўзбекистон Ёзувчилар уошмаси Адабиёт Жамгармаси нашриёти.
700000, Тошкент, Ж-Неру, 1.

«Тагаффюот ИСН» матбаа бўлимида чоп этилди.
Топикент шахри, Беттепа мавзееси, 18-6.